ШЕРБЕК БОБОНОР ЎҒЛИ
Қора суяклар
У кийдик, бу кийдик,
тақвони ҳам тақвимга ийдик...
4

Ҳузур сари...

Шербек Бобонор ўғли

# ҚОРА СУЯКЛАР

(қисса ва эсселар)

HUZUR NASHRIYOTI
2023

*Мени тиклаб, ўзи букчайиб бораётган,*
*хато қилсам, кулмайдиган,*
*кулиб юрсам, йиғламайдиган,*
*ишлию ишсизлигимдан,*
*соғу носоғлигимдан,*
*йўлгир ё ношудлигимдан қатъи назар,*
*меҳрига миннат аралашмайдиган,*
*ҳали яшашни ёлчитмаган эсам-да,*
*«Нима қилай?» деб фикримни ғуборсиз сўрайдиган*
*ва айтган «йўл-йўриқ»ларим тийинга арзимаса ҳам*
*ҳукумат қароридай қабул қиладиган,*
*қўлим,*
*тилим,*
*таниш-билишларимнинг саноғи,*
*диплому даражаларим рўйхати...*
*эмас,*
*умрим узун бўлишини тилайдиган*
*ҳамда*
*шу-унчалигига қарамай,*
*мендан одамдай бир муомала кўрмай ўтаётган*
*ягона аёлга —*
*аям Анора НЕЪМАТ қизига атадим.*

# ҚОРА СУЯКЛАР

Январда ялпиз чиқибди. «Пидана» дейишади, биз тарафларда. Темирйўлнинг таккинасидан, қазиб тозаланган каттагина, сувсиз ариқ лабидан чиқибди. Қовжираб ётган бултурги хашаклар ичра бўй тарат-ганча, кўкмаккина бўп турибди. Ҳавода қиш уфунати, ҳув нарида қўйлар галаси...

Шағиллаб ўтиб кетган поезд оша тоғларга қарайман — қишлоғимиз жанубидаги Қоратов тизмаларига. Эскиларнинг эслашича, одамлар, шу тоғларни оралаб, Қаршига бориб келишаркан бир замонлар. Бу-ку юрт жуғрофиясининг бир чеккаси, аммо юрагим жуғрофиясининг бир чеккасидан туриб қарасам, асосан анов уч тоғни — Қушчўққи, Эгартов ва Қизбувини — кўраман. Уччовиям тизмадаги энг баланд тоғлар бўлгани-чун жуда яқин кўринади. Ва шу уч тоғнигина алоҳида ном-ла атайди, эл. Қушчўққини — қанотларини ёзиб турган қушга, Эгартовни — эгарга ўхшатиш қийинмас. Қизбуви... Айрича асотир буткул.

Лекин ҳозир асотирмас, асорат ахтариб қарайман кўпроқ. Болалик хотираларимдан қолган асоратлар-

ни ахтараман. Айниқса, Қизбувига узоқ син соламан: ҳар баҳорда қариндошу қўшнилар бир автобус бўлиб, унинг этагига борардик — «маёвка». Катталар кўрпа-тўшагу қозон-товоқларни тушириб жойлаштиргунча, биз белига етардик Қизбувининг. Иккита булоғи бор эди. Пойида ва бошида. Иккисининг ҳам қошида патталаган, бужур бир дарахт бўлиб, шохларига боғланган турфа латталар шамолда бетиним ҳилпирарди. Биз-да ўзимизча ният қилиб, парча латталар боғлаганмиз неча марталаб. Бошидаги булоқ қуриб қолгани сабаб бо-ор чанқоғимизни пойидагисидан қондирардик. Сув идишларимизниям тўлдириб олардик камига. Бир сафар оиламиздан фақат мен бордим. Тоғма-тоғ ҳаллослай-ҳаллослай терга ботиб келдиму булоқнинг муздай сувига урдим ўзимни. Беармон ютоқиб ичдим. Кўп ўтмай, миям мисдай қизиб, танам титрай бошлади. Кўчамиз бошида автобусдан аранг тушдим. Қўлларимда булоқ суви, пиёзи билан ковлаб олинган лолалар, судралгудай уйга кириб келдиму таппа ташладим симсўрига. Шу кўйи ҳафтами-ўн кун ётдим. Бўлмади. Дадам касалхонага обборди. Нимқоронғи хонада обдан текширган дўхтир амакининг: «...вақтида опкепсиз полвонди, ака, уч кун кечикканларингизда ўпкасига ўтиб кетийкан дард», деганини эслайман.

Шунгаям... ўн беш йилча бўпти. Бир қарашда ҳеч нима ўзгармагандай: ана Қизбуви, мана мен. Яхширо-оқ қаралса-чи: ана — бағридан олтин рудаси

чиққани важҳидан кўксигача ўпириб ташланган, тўрт тарафидан темир устунлару панжара билан ўралган, ичидаги шахталарда тараққиёт гувуллаб турган Қизбуви ва мана — унинг пойида паст-баланд ўр-қирлар, ўр-қирларнинг пойида тош конлари, тош конларининг пойида заводларга тош ташийдиган эшелонларнинг темир изи, темир изнинг пойида экин даалаларию тутқаторлар, уларнинг пойида симтўсиғу симёғочлар иҳотасидаги электровоз рельслари, унинг пойида эса бошига отасининг кўҳна телпагини бостирган, бўйнида Тошкентда талай йил чидаган ижара уй бекасидан эсдалик оқ йўлли шарф, устида чопон, оёғида маҳси-калиш, ўнг қўлида бир учи эгри таёқ, чап қўли нимчасининг чўнтагида... мен.

Яланг дашт изғирини жондан ўтади. Бурун шўрқиллай бошлади. Қизбувига қараб-қараб қайтдим. Йўл устида мозоратга қайриламан. Қишлоқдаги энг катта ва кўҳна мозорат. «Қирқ бир қарта» ҳам дейишади — колхоз вақти қирқ биринчи қартанинг жойи бўлганакан.

Аввал бобомнинг бошига бораман. Ёнгинасида момом ётибди. Тиловатдан сўнг диловатга кўчиб ўйлайман. Кўзим бобомнинг қабртошида: «Очилов Бобоқул 1937-2015...» Биринчи октябрда, пайшанба куни йўқ бўлганди («ўлди»ни — «йўқ бўлди» ҳам деймиз). Дафнига бутун эл-уруғ қойим бўлган... Мендан бўлак... Ўша куни қаерда эдим? Нима қилаётгандим?..

«...Пақ!», «...пақ!», «...пақ!», «...пақ!» — икки узу-ун устунга боғланган юзтача, оқу кўк шарлар бирин-кетин ёриларди. Пойтахтнинг киндигидаги кутубхона ховлиси. Кунжакка қўйилган харракда ўтирардим. Ховли саҳнида ҳалиги устунлардан узилиб тушган шарлар учиб-қўниб юрарди. Касбдош бир сингилни — «Беҳбудийнинг қизи»ни кутаётгандим. Отаси зиёли киши бўлиб, барча маърифатпарварларнинг, зотан, Беҳбудийнинг ҳам ашаддий ихлосманди экан. Исботи ўлароқ қизига Беҳбудийнинг қизининг исмини қўйибди.

Шарларга шунчаки қараб ўтирарканман, қандайдир ёлғизлик ҳисси ёпириларди ич-ичимга. Кетиб юборсаммиям дердим. Йўқ, ҳарқалай, кепқолди шоша-пиша сингил — «Беҳбудийнинг қизи». Ховлиқиб сўрашдию ичкарилай кетди кутубхонага. Шамолдай шувуллаб эшигу турникетлардан ораларкан, бир амаллаб «айб»имни — аъзолик билетимнинг муддати тугаганини, янгилашга етгулик ақчам йўқлигини айтдим. Паспортимни ола солиб, ёзди-югурди-тўлади-тўғрилади. Қаватдан қаватга чиқиб-тушардик: сўра-сўра, изла-изла, ёз-ёз...

Учта партани газит-журнал, дафтарга тўлдириб, жойлашдик ахийри. Варақлай кетдик бирма-бир. Олдимизда очиқ блокнот, ёзиб-ёзиб қўярдик. Пиқирлаб қўярди «мих» бир нарса ўқиб қолса сингил — «Беҳбудийнинг қизи». Менга-да ўқиб бериб, муносабатга ундаб қоларди сингил — «Беҳбудийнинг қизи». Ак-

сари казо-казо сиёсатчиларнинг нимкоса қочиримлари бўлиб, кўнглимга киноя сиғмай борарди, одатимга терс тарзда.

Уч соатча ўтиргач, қайтдик. Кўча четидаги йўлакда кетарканмиз, сандиқдай сумкасидан миттигина идиш опчиқди. Унинг ичидан эса пиширик. «Европийский пица» экан. Ўзи пиширибди. Иккимизниям даҳанимиз дам билмас: у гапирар-кулар, мен ковшанардим. Кўпроқ болалигида кўрган-кечирганларидан гапирарди. Хусусан: қизлардан кўра ўғил болалардан ўртоқлари мўл бўлганини, бир гал серқават уйлар томида чопқиллаб ўйнашаркан, нариги уй томига сакраётиб, сирпаниб осилиб қолганини («...тўққиз қаватли дом эди»), шу-шу ичига қўрқув қамалиб қолганини, наинки баландликдан, умуман, ҳаётдаги муаммо, тўсиқ-ғовларни ошиб ўтиш олдидан ҳам ўша қўрқувдан қутулолмай хуноблигини...

Мен ҳам хуноб эдим — ичимдаги музнинг эримаётганидан, шу мавҳум қаҳратоннинг аримаётганидан. Гап-гап билан ишхонам тагига кеп қолибмиз. Хўшлашдик. Кетди. Қолдим. Ишга яқинда кирган эсам-да, ишхонага киргим келмас, шусизам ўзимдаги тундлик икки дунёмга етиб ортадигандек эди.

Кечқурун Қорақамиш кўчаларида, бошпанамга борарканман, қофиялар қалқди тилимга:

Ютақолгин, Ер, мени,
ютмасидан шум ғафлат.

Еса, қуртлар ер мени,
остинг осуда фақат.
Ютақолгин, Ер, мени,
ютмай ўзим кимнидир.
Чорла тез, чақир мени,
жонга тегди қимтиниш!
Ютақолгин, Ер, мени?
Ютиниб яшаб тўйдим.
Кутма, бас, соат-кунни...
Ют, ҳозир ют, мен кўндим!
Ютақолгин, Ер, мени.
«Ер ютди...», десин кўрган.
Йўқса, ютаман сени...
Мени шундай жин урган.
Ютақолгин, Ер, мени,
Тез ҳазм бўп кетаман.
Хўп, десанг-чи, кел энди,
Онасан-ку бетама?..

Тўрт кундан кейин оқшом пайти телефонда аямнинг узуқ-юлуқ эшитилган овозидан уқдимки, ўша куни: ўша, мен, ҳашаматли кутубхонада, ўша сингил ила газит-журнал титкилаётганимда, ўша сиёсатчиларнинг ўша нимкоса гапларига муносабатан нималарнидур ғўлдираётганимда, ўша мавҳум ички қаҳратондан қунишиб, қайларгадур кетгим келаётганда... бобомни кўмишаётган экан.

Боз бир-икки кундан кейинги оқшомда жайдари бир жўрам телефон қилганди:

— ...қулоққа (асли, бешбадтарроқ сўз) ке(л)мадингма бувангди жаназасиға?! — ўшқирганди ўдағайлаб.

— Қулоққа (шу сўзни қайтаргандим) бораманма, эшитмаган бў(л)сам?! — қўзиганди меники ҳам.

Бир нафас жимиб қолгач, пастроқ товушда айтгандики:

— Жўқ бўлишидан икки кунча олдин сени сўровди. Шу... ҳам(и)шаги жойида, кўча бетидаги усталида ў-ўтирғанакан. Ўтиб кетиябидим. Сўраб қолди. «Ишга киргани ростма? Ке(л)масмикан? Би-ир ке(л)са яхши бўлийди-да...», деганиди... Ҳалиям гўри совуғани жўқ. Ҳалиям кечмас, демоқчиман!..

Гўри совуб, қотиб, қатқалоқ тортганда — қирқ беш кундан сўнг боргандим «Қирқ бир қарта»га. Бора-боргунча кў-ўп нарсалар ўтди ўмгандан: охирги гурунгларимизнинг бирида санаторияга «саяқ журналист» (сайёр журналист)ликни касб этган Зиёда отлиғ бир жувон текширгани келганини, тезда ота-боладай бўп кетишганини, эри, бетайин ишинг боракан, ундай-бундай дейвургач, бор-ей деб, ажрашганини, шундан бери юрт кезиб, қайда муаммо кўрса, шаппа босаётганини, касбини жуда яхши кўришини, санаториянинг катталариниям зир югуртирганини, ҳеч кимдан ҳеч нарса олмай кетганини, кетаётиб қоғозча («ташриф қоғози») узатганини, қайсиямдир

кўйлакнинг киссасида йўқотганини, дадил-дангаллигию томоғи бутун (ҳалол)лигига қойил қолганини... айтиб берганди.

Яна... қандай жони узилганини эшитганимда яхшигина таъсирлангандим (ҳозир ҳам таъсирланаман): кроватда, кенжа ўғлининг кенжатойи билан мултфильм кўри-иб ётганда «кўзи илинибди». Кенжатой хонадан чиқа туриб, телевизорни ўчириш ё ўчирмасликни сўрабди — бобо жим. Овозини кўтариброқ сўрабди — бобо жим. Яқин бориб, энкайиб сўрабди — бобо жим... Қўрқиб кетган кенжатой невара ташқарига отилибди: «...бувам гапирмай қўйди-и!»

Ёлчитиб тиловат қилолгандимми-йўқми, билмадим. Эсимда бори эзилиб ғўнғиллагандим, бир майдон. Дафтаргаям ёзган эканман...

***

Бобомнинг оти Бобоқул эди.
Одамлар уни: «Бувақул», дерди.
Одаммаслар: «Буванг — қул», дерди.
«Ўзинг шундайсан, ўзи-инг!»,
чирқиллардим қалтираб-қақшаб.
Илжайишарди: «Боласан-да, бола...»
Чинданам, бола эдим.
Тушунмасдим «қул» сўзин ҳатто.

Лекин қандайдир совуқ эшитиларди-да.
Энди ўйласам, мени улғайтирган
вақт эмас экан — гап экан.
Гап ўлдирмасин-да, ишқилиб.

## Чўзилган чўпчак

*(ёки ҳаяллаган авлод баҳоналари)*

Ассалому алайкум, бува. Мен келдим. Яхши ётибсизми? Энди ҳеч қаерингиз оғримаётгандир? Жимсиз... Ўзи етмиш йилдан зиёд сўзлаб, топганингиз нима бўлди? Лақаблар бўлди — мазаху ишончсизликка қоришган лақаблар: «Алдар Кўса», «Дон Кихот»... Шунгами, кўпроқ эшитадиган бўп қолгандингиз. Бошингизни солинтириб, ҳассангиз учи билан ер чизиб, ҳар-ҳар замон томоқ қириб, тупуриб... эшитардингиз. Нима, чинданам алдармидингиз шунчалик? Гапира бошласангиз, бўлди, афтлари тиришиб, оғизлари жийрилиб кетуврарди эшитаётганларнинг. Нималарни гапирардингиз ўзи: кўрган-кечирганингизни, бошингиздан ўтганини... Бухоронинг Қоракўлидан бир жўрам бор. Шоир. Шу жўрамниям сиз тенггилар буваси бор. Шу бувасидан эшитганларини бир достондай шеърга солиб, телефонда жўнатганди менга. Сўзлари содда, халқчил бўлгани учун калламда қопти. Ҳозир айтаман:

## Бобом тилидан

Камбағал эдик жуда,
Бойлар одам эмасди.
Биз кунжара еганда,
Қора нон ҳам емасди.
Камбағаллик айб эмас,
Онам шундай сўзларди.
Акам очдан ўлганда,
Унинг фикри ўзгарди.
Ҳеч ким билмас отамни
Қандай дард йиқитганин.
Кўз юмса ҳам ҳаётдан,
Кўзи очиқ кетганин.
Мен билардим ҳаммасин,
Айтолмасдим ўша пайт.
Ахир бойлар виждони
Кўзларидек очофат.
Бир қизга кўнгил ёриб,
Кейин бошимни ёрдим.
Сўнг ўшанинг уйига
Мардикор бўлиб бордим.
Мардикорлик айб эмас,
Тилим шундай сўзларди.
Тил остида тил сақлаб,
Юзим ранги ўзгарди.
Энди у кунлар ўтди,
Қора нон ҳам қолмаган.

У кунлар ўтган билан
Бойлар одам бўлмаган!..

Эндиларда ўйлайман: у ишонганакан-ку бувасига? Улар ишонишганакан-ку? Унинг бувасиям бошидан ўтганини гапирган?..

Очиғи, менам ишонмасдим сизга уқадар... Ҳали росту норостни тузукроқ фарқлолмайдиган пайтимдаёқ, сўзга лафз очишингиз баробарида миямдаги иштибоҳ ғимирлайверарди: «...китобини очяпти яна — лоф китобини». Бундан чиқди, бошқаларга ишонибман-да? Сизникини — «лоф», ўзиникини — «соф» билган бошқаларга?..

Шоир бўлмасамам, шоир жўрамга жавоб ёзиб жўнатгандим, ўшанда:

**Бувамнинг айтмай қўйганлари**

Менинг бувамни эса
тинглашмайди тузукроқ.
Эмишки бари — «эртак,
софидан лофи кўпроқ».
Агар бошласа гапин:
ўтмишидан, ўзидан...
Расво қилишар таъбин,
кам топиб ҳар сўзидан:
«...э-э, ота, қўйсангиз-чи,
у пайтлар мактаб қайда?!

Ҳамма саводсиз эди,
далада қотган дийда...»
Бувам қизишиб аксар,
айтишиб кетар ҳадеб:
«...ўргатма-йей, уккағар,
бошидан ўтган — тавиб!..»
Сўнгра... секи-ин бош эгиб,
ўйга толади узо-оқ.
Етмиш беш йилга чўкиб,
сукутга солар қулоқ:
ўн бола, юз сўм ойлик,
колхоз, сувчи, ўттиз йил...
Ҳақиқатан, чиро-ойли
эртак, дейди, беўй тил.
Бойлар қўйнинг сарасин
димлама учун сўйган.
Бувам... тўртта боласин
тупроққа «димлаб қўйган».
Ҳа, қадрдон, бу гаплар,
бугун оддий эрмакдир.
Қизиқтирмас сабаблар,
ҳайҳот, тарих — «эртак»дир?!..

Эшитяпсизми, бува? Буёғига фақат эшитишингизга тўғри келади. Мен ҳам вайсаяпман яна. Бу ҳали ҳолва. У ёқда, шаҳарда кўп гапирамиз, жудаям кўп: кимларнидир авра-астарини чиқариб, ғийбат қиламиз, сўкамиз, жаг жанги уюштирамиз, ўзимизни

оқлаб, ўзгаларни қоралаймиз, бетутурик баҳсларда соатлаб оғзимиз тинмайди, юқуми йўқ, илмилиқ тадбиру мажлисларда илжиллаб опқочамиз... Қишлоқ одамлариниям жуда-а «сўзи ҳикмат, иши ибрат», деб бўлмайди, албатта. Бу ердаям бекорчи гап сотадиганлар ачиб ётибди. Аммо...

Зиёли зиёлига қасд қилса, ёмон бўларкан, бува. Буни биринчи марта ўзимизда, мактабда кўргандим. Саккизинчи синфмидик... ишқилиб, тарих-ҳуқуқ фанларидан дарс беришга янги, ёшгина қиз келувди. Отасини айтсам, танийсиз, эслайсиз-ку-у... шартмас, менимча. Эҳ-ҳе, ундаги ғужур, журъат унча-мунча йигитман деганида йўғиди. Ўзигача амал-тақал қип келинаётган «дарс ўтиш» усулларининг оёғини осмондан этиб, бошқача бир кайфиятда бошловди ишини. Ҳаммамизни тенгқуридай кўрар, ҳол сўраб, кўнглимизга қарарди. Мағзава топшириқлар бермас, қўл учида текшириб, тил учида баҳоламасди. Биз ҳам бисиратиб варақламаган тарих-ҳуқуқ дарсликларимизни саҳар туриб, ўқиб борадиган бўлдик. Бодом қовоқлари орасидаги кўк кўзларини чақнатиб: «Молодец!» дейишининг ўзи — катта байрамиди биз учун.

Шуйтиб-чи, бува, бир ой нари-берисида у бизни, битта сўзда айтсам, тирилтирганди. Эса-чи, кўрган куни: «бойўғлилар», «товуккаллалар», «одам бўмайсилар»...ни эшитганча, сўлжайи-иб юрганларни «тирик» деб бўладими? У эса бизни нафақат одамлиги-

мизга, балки ўқиб, ҳаракат қилсак, «Идеал шахс» бўлишимизга ҳам ишонтириб, ўтакамизга ўт ёққанди. Фанига қизиққанлардан саралаб, тузган жамоаси ҳар хил мусобақаларда қатнашиб, вилоятгача чиқувди...

Ёзишди, ёзғиришди, ёмонлашди... Дарс ўтмай қўйди. Умуман, мактабда кўринмай қолди. Яна ўша бадқовоғу бақироқ домлаларимиз дийдорига термили-иб ўтирадиган бўлдик. Уёғига «миш-миш»лар: эрга текканмиш, болали бўлганмиш, ажрашганмиш, ярашганмиш, Тошкентга оилавий кўчиб кетганмиш... Чет элдалигини эшитдик кейин.

Шаҳар бориб, ўқишга кириб, ўт-тиб кетганларини кўрдим, кузатдим, бува. Камида катта ўқитувчи, кўпида профессор даражасидаги одамлар... бир-бирининг олдида кўпириб, ортидан гапиришда ҳам «профессор» бўп кетишган экан. Фақат бир-бирини ёмонлаш билангина кифояланишса қанийди, ҳадеб ўтган тузум гўрига ғишт қалайверишлари... нонкўрликмасмикан? Яхшими-ёмон, кўпчилиги ўша давр тузлуғидан туз, қудуғидан сув ичиб, рўзғор тебратган. Ялло қип яшаганлари қанча. Энди эса... оғиз тў-ўлдириб тупуришгани тупуришган. Камига бизниям тупуришга — кўрнамакликка ундашади. Бети билан кети бирми буларнинг, деб қўяман.

Мана, сиз ҳам, бува, ўша даврда яшагансиз, ишлагансиз, тишлагансиз-ку? Умрингизнинг ярми колхоз даласига сув тараб ўтди. Юз сўм ойлигингизга ўндан ортиқ оғиз қараб турган... Аммо эсимни танибманки,

замонасозлик қилиб, кўпирганингизни кўрмадим. Биз, қирқдан ошиқ невара-чевараларингизни тўплаб олиб, кечангизни «тошбўрон» қилсангиз бўларди-ку? Газеталарга гердайиб расм тушсангиз, майдамих мухбирчаларга «залворли ҳаёт йўлингиздан ҳикоялар» айтиб берсангиз бўларди-ку? Санаторияларда не-ечтаси билан танишгандирсиз?..

Йўқ, телевизорда чиққандингиз, айтганча. Водийдаги санаториядан келиб эдингиз, чоғи. Саҳархўрлик қилаётгандим. «Таҳлилнома» бошланди. Одатдаги олабайроқ гаплар орасида таниш санатория номи қулоғимга чалинди. Қарасам, умумий планда: дарахтзор, остида йўлак, устида уч-тўртта чол, юриб кетяпти... Сизни дарров илғадим. Қориндор гавдангизу оч сариқ рангли ҳассангиздан илғаб қолдим. Қабатингизда жўрангиз Темир буваям боракан. Уни аям илғаб қопти. Бирдан йирик планда гапира кетдингиз: «...шароитлари яхши. Уйда юролмай қолувдим, бу ерга келиб, мана, юриб кетдим...» Оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қотди. Уйдан чиқиб, тўғри олдингизга бордим. Супадаги чорпояда ёнбошлаб ётган экансиз... Уёғини эсларсиз? Мен эса эсимдан чиқаролмай қонман, ўшанда, кафтингизга носдан уюб отганча айтганларингизни:

— ...қоғозга питип (битиб) бейди, нима дейишимди. Анишуйайди гапийашиж, деди. Ўжимам биламан гапийишди дешамам, қў-ўймади-да-йей, қижжиғаййай.

Кейин бошингизни эгиб, кўрпачадаги нонушоқларни терган кўйи жим бўп қолгандингиз. Унда ўқишга кирмагандим. Унда, ўзича ҳақиқатга ҳавасманд бу неварангиз, кун келиб, ўша сизни «сайратган»лардан биттаси бўлишини, супрадай-супрадай саҳифаларни мақтову миннатларга тўлдиришини... тушидаям кўрмаганди...

Ҳа... бу ёққа келишингиздан икки кун бурун мени сўрабсиз? Жўрам айтди... Анов, немис тили домламизнинг катта ули-чи, шундан сўрабсиз-ку? «Кўриб турибсанма?», дебсиз. «Ишга киргани ростма?», дебсиз. «Бир кеп кетса, яхши бўлийди», дебсиз... Ишга кирганим рост, бува. Катта газитти кичкина мухбириман. Тўғри, ота-бувамиз қилмаган иш. Нима қилай, сизларнинг йўриғингизни тутсам... кўкаришимга кўз етмади. Кўпроқ дадамнинг кўзи етмади. Нимачиликка бўлсаям ўқи, деди. Қора меҳнатга қолган кунинг очдан ўласан, деди. Ва ўқитди. Ўзидай яшамаслигим — яшай олмаслигим учун.

Келганим... ойлик олувдим. Биринчи ойлигимни. Қарз-парзлардан қутулдим, қолгани йўлкирага етаркан, келдим. «Ташкин тинчма? Нон арзанма?», дердингиз. Нотинчлигиниям, қимматчилигу қаҳатчилигиниям кўргандингиз, яна кўраётгандингиз... Жонингиздан ўтган-да, сўрайсиз.

Бу сафар китоб опкелмадим. Ўзи уйга қайтсам, китоб кўтариб чиқмасликка ҳаракат қиламан кўчага.

Биласиз-ку, шаҳарда кетмон кўтарган қандай кўринса, қишлоқда китоб кўтаргангаям шундай қарашади. Қийшиқ қарашлардан юрагим безиллаб қолган, бува. Тўрт йил ўқиш киролмай, китоб-дафтар кўтариб, ўтиб-қайтгандан сўнг шу-да.

Умуман, шу кечикиш «одат»ини орттирганга ўхшайман: мактабга кечикиб борардим, ўқишга кечикиб кирдим, студентлигим кечикиб бориш, узр сўраш, «тушунтириш хати» ёзиш билан ўтди. Ишгаям кўпинча кечикаман. Сизнинг олдингизгаям...

Гапларимдан бошингиз қотиб, безовта бўлаётгандирсиз? Бўлди, унимни ўчираман. Шусизам... бир ярим ойга ҳаяллаб келганимга яраша, «инг»им чиқмай ўтиришим, сизни «эшитишим» керагиди. Кечикканнинг кори — важҳ келтириш экан, илож қанча. Ҳаққиростки, улгурмаганнинг, ҳаяллаганнинг ҳар қандай гапи — баҳона туюлади.

Майли, бува, мен борай. Кечиринг, биз — «тирик»ларнинг бўлганимиз шу экан. Хайр, мендан рози бўлинг?

Ҳе-ей, одаму одаммасла-ар, бобом энди озод: ҳаммасидан, ҳаммамиздан!.. Ёлғонми? Бу дунёсининг ўзи ростми?! Мени эмас, ўзингизни нимагадир ишонтириб олинг-чи, аввал!?..

Бобомнинг оти Бобоқул эди...

***

...Момомнинг қабртошига юзланаман: «Товошарова Норгул 1938-1999...» Ўн яшар пайтим йўқ бўлган экан. Шунинг-чун ғира-шира эслайман раҳматлини: тўлача тан, вазмин феъл, зимдан разм соп турувчи кўзлар, мийиғдаги табассум, гулдор яшил кўйлак, пешанага танғилган рўмол, майда ўрилган узун сочлар, ўримлар учида бир-бирига урилиб, тиринглаб турган калитлар...

Охирги ўғли уйланаётганда касал ётганди. Дуою фотиҳасини олиш учун келин-куёв тўшак тепасига кириб боришган. Уч-тўрт киши суёвида зў-ўрга ўтириб олган момом елкасидан нафас ола-ола пичирлаб, уларнинг юз-кўзидан ўпганини ўша тўй кассетасида кўргандим. Шу тўйдан бир ҳафта ўтиб — йигирма биринчи май куни жони узилган экан. Аҳволини кўриб-билган дўхтир: «...ошқозон раки. Куни кам қопти. Тўйни тезлаштиринглар!» дегач, ортиқ дабдабасиз, шошилинч туширишган келинни.

Ҳа, яқин момом (биз отанинг онасини, уйи яқинлиги учунми — «яқин момо» ёки шевада «жақин мома» ҳам дердик) рак — саратон сабаб кетган, «борса келмас»га. Хўп, саратонгача-чи? Унгача ҳам шундай «саратон»ларни кечирганки, буёғини энди билганлардан сўраб билганим асосида тасаввур қиламан, тасвирлашга уриниб кўраман.

## «Қаҳрамон она»нинг саратонлари

Эрта бева қолган Яхшигул момо ёлғиз қизи Норгул ҳамда ўғиллари Эшқувват ва Эшмуродни йўқсилликда, минг машаққат билан ўстиради, узатади, уйлантиради. Қизи ва катта ўғлининг умри даладан ортмай ўтади. Жуфтлари билан ҳам далада танишиб, турмуш қуришган. Бир муддат техник, сўғин сувчи-мироб бўлиб, пенсияга чиққан куёви ҳам, унинг ҳосилот (агроном) отаси — қудаси (Очил бобо) — ҳам «ер одамлари» бўлган.

Эшқувват ўғли трактор ҳайдаган. Темиртаннинг «тар-тар»ига ҳамоҳанг қилиб, ашулани вадаванг айтганда, бутун даладагиларни, айниқса, қиз-жувонларни сомеъ этган экан. Унга эса ул нозик «сомеълари» ичида биттагинасининг — Сафаргулининг бор-йўқлиги муҳимроқ бўлиб, шунга-да қўшиқларининг авжига авж, ноласига нола қўшаверарди. Қисқаси, Сафаргулга уйланади. Сафаргул ҳам саккизта туғиб беради. Бири эмизикли, бири эмаклаётган, бири атак-чачак жужуқларини қайнонасига — Яхшигул момога топширганча, елкасида кетмон, далага чиқиб кетавераркан. Далада наинки ризқ-рўзи, балки ўзи ҳам бор эди-да. Яъни бундай: «булбулгўё» бир трактор бор. Унинг ичида хушовоз, келишган ҳайдовчиси бор, ашуласи тиндиради, аммо тинмайди. Ахир унинг ичида ҳеч кимникига ўхшамаган юрак бор. Унинг ичида эса ўзи бор...

Сафаргул — Сафар чечамиз давраларга динамитдай кириб борарди. Эсимда: «Сапар чеча келди, Сапар чеча! Э-энди қизийди гап!», дея-дея гувва жонланарди хотин-халаж. Тў-ўрга жойлашволиб, гумбурлаб гапга тушган оқ-сариқ, барваста, шаддод хотинни аямнинг пинжида, уртимда ҳолвами-парварда, анқайиб кузатарканман, хотинлар кулгисининг зарбидан шифтдаги лампичкаям лопиллаётгандек кўринарди кўзимга.

Эл қисқартириб, бузиб айтмасин деб, деярли барча болаларига қисқа-қисқа, ошиб борса, олти ҳарфли исмлар қўйган, Эшқувват тоғамиз (отанинг тоғасини ҳам «тоға» деймиз): Раъно, Барно, Зебо, Лайло, Ўғилой, Дилором (шу қизлари туғруқхонада чироқ ўчиб, бошқа чақалоқ билан алмашиб қолади. Барибир, камситмай катта қилишади униям. Вақтлар ўтиб, асл қизларини ҳам топишади. Исми Насиба экан. Ҳозир ҳам «энам»лаб кеп-кетиб юради Сафар чечамиз олдига), ўғиллари Рустам, Ўткир.

Эшқувват тоғамиз етмишга етиб-етмай қазо қилади. Маййитни маҳрам сувига олишда кирган бир жияни, сокин ётган тоғасининг томоғида... айланасига ботиқ из кўради. Уёғини билмадик. Билганимиз шу — қизларининг исмидай қисқа тафсил-тусмол. Майли, шуниям бузмайлик.

Эшмурод тоғамиз эса кетмоннимас, китобни танлайди. Талаба бўлиб, шаҳри Самарқандда ўқий бошлайди. Бироқ битиролмайди ўқишни — вакти-

да йигирма сўм топилмагани-чун. Шўрлик Яхшигул момо ўлгунча яримҳазил таъналардан қутулмайди: «...йигирма сўмам пул бўптима, мома-а! Шугинаниям топмабмидингиз, мома-а! Дадамиз ҳозир журналист бўлийди, мома-а!..» Тоғамиз қасам ичади: «...болаларимни ўқитаман! Олий маълумотли бўлади бари!» Ўқитди ҳам. Тўрт қизиям институтларда ўқиди. Қизларидан бирининг ўғлини — «ўғил» қип олган. Хурсанд (Хурсандой) чечамиз иккови шу «ўғил»ларига — Асадбекка суянибгина яшаяпти. Уни-да олий маълумотли қилишмоқчи.

Момом... Яхшигул момонинг ёлғизгина бу гулига Худо ҳусн ҳам ақлни беармон берганакан. Буни қаригандаги қиёфатиданам фаҳмлаш мушкулмас эди. Ёшлигидаги суратини кўрганларнинг, мисол, аямнинг айтишича, «жуд-даларда чиройли» бўлган. Биринчи боласи (дадам) уйланаётганда, ўнинчи боласи бешикда ётган. Тўққизинчи боласи уч яшар бўлган. Саккизинчи боласи беш яшар. Еттинчиси етти яшар... Хуллас, болаларининг орасидаги ёш фарқи — икки йил. Етти ўғил, уч қиз. «Келинлар қўзғолони»-ни ҳар кўрганида, Фармонбибининг гапларига булкиллаб-булкиллаб кулганакан момом.

Орада болалари бўлган яна, кўп турмаган — қизамиқ, сариқ, чечак... Гўдакликда ҳур бўлиш бошқа экан-у, кап-каттариб, элга қўшилганда, гўр бўлиш бошқа экан-да. Тўқсон бешинчи йил эди, чамам. Хуфтонда кимдир чақирарди дарвозамиздан. Дадам

ишда. «Бемаҳалда кимакан у?», дея алағда чиққан аям йиғлаб кириб келди. Краватга ўтириб қолди: «...Шокир акаларинг жўқ бўпти!» Очиқфеъл, қувноқ, болалар орасида ўзиям болага айланиб, уйни бошига кўтарадиган, жингалаксоч, қорача Шокир акамнинг — амакимнинг энди йўқлигини, энди бизни елкалаб югурмаслигини, «Биология» китобни очволиб, маймунларнинг расмини битта-битта кўрсатиб: «...ийе, манов сенма?», деб энди ҳаммамизни кулдирмаслигини... норасида ҳолимда англабмидим, совуқ бир шовур ўтганди ичимдан.

Навоий шаҳридаги кимё заводида ишларди. Бутун заводга эшитилаётган «Помоги-ити-и-и!»га биргина одам югуриб боради — шу амаким. Борсаки, заҳарли ҳавога тўлган хонада катта жасадли бир ҳамкасби хирқираб ётибди. Амаким уни ташқарига судраркан, каппа-каппа нафас оладию... Шумхабар етиб келганда, бобом билан момом қишлоғорадаги қариндошларининг бириникида, тўйда бўлишган. Ўликхона (МОРГ)га укасини опкелиш-чун борган дадам ўликларнинг уюлиб ётганини кўради (ўша фалокат қанча одамнинг бошига етганини шунданам тахминлаш мумкин). «Тирик қолгандир», дея жон ҳалпида кутишаётган, тонг қоронғисида пишиллаб ухлаётган уч яшар Фурқатию бешикдаги қирқ кунлик Иброҳимининг пешаначасидан ўпиб, даҳлиз чироғини ўчирибгина чиқиб кетган уйига ўлик хабарида қайтиши... қиёмат қўптиради мисоли. Момом худ-

дики еттитамас, ягона ўғли боридию унданам айрилгандай, инчкириб-инчкириб йиғлайди.

Раҳматли амаким шунчалар қаттиқ «қаҳ-қаҳ» отарканки, аҳли заводга етаркан овози: «...ух-х, Шокир кепти-да ишга!» Кўп китоб ўқиркан. Кутубхона ячейкасидан топилган паспорти ҳам бунга далил. Уйларига укаларим — Фурқату Иброҳим-ла ўйнаш учун бориб юрган бола кунларимнинг бирида сандиқ тагидан ён дафтарча топиб олгандим. Дадамники, деди Фурқат. Варақладим. Шеърлар экан. Қалин сиёҳда кўримли ҳуснихат билан ёзилган сатрларнинг сараси янгамга, сираси ўзининг англамсиз туйғуларига тааллуқли эди. Зулмат, ёлғизлик, ожизгина милтираётган қора чироқ... деярли ҳар шеърида учрарди. Танимаган-билмаган одам, агар ўқиб қолса шу шеърларни, уларни ёзганнинг ота-онаси, тўққиз ака-ука, опа-сингиллари, хотин-бола-чақаси борлигига, шўх-шалайим бўлганлигига ишониши амримаҳол.

Шоирлик ишқи кенжа амакимга — Тўлқин акамга ҳам тушганди. Эсимни таниётган кезлар. Бобомларникидаман. Супадамиз. Кечки овқатдан сўнг нимаям бўлдию амаки-аммаларим: «...қани-қани, эшитайли-ик?», деб қолишди. Шунда ғизза уйдан опчиққан дафтарчасини оча солиб, «бахшиёна»ларини бошлади-ку, акамиз:

*«Саққалларин селкиллатип,*
*Журар бизди Саққалтой.*

*Ўзи аррақ бўсиям*
*Думбалари гиж-гиж мой...»*

«Пиқир-пиқир» кулги ундан бунга кўчарди, дастурхон бўйлаб. «Саққалтой» — Эркин амаким ҳам тиржайиб ўтирарди. Навбатдаги шеър олдидан пастгина сасда андишасини ғудранди:

— ...муҳаббат ҳақида ёзувдим, ўқиб берайма, эна?

— Керакмас! Бўлди, дастурхонди йиғиштиринглар...

Ҳали-ҳали болаларининг мактаб-коллеждаги байрамларига мослаб шеърлар тўқийди Тўлқин амакимиз. Ҳали-ҳали «Саққал» (Соқол), дейишади, бўйнию бетларини тиканакдай соқол босиб юрадиган Эркин амакимни. Латифа тўқишга уста лекин, шу амакимиз. Бир латифаларки, на ёзиб бўлади, на нозикро-оқ давраларда айтиб. Ёнида ўн минут ўтирганнинг кулавериб, афт «харита»си ўзгариб кетади. Икки хоналигина уйида икки қизини узатди. Неваралари бор. Фақат феъли ўша-ўша: кулади, кулдиради, тўйларда тўйволиб ўйинни қизитади, муштлашади, қарз сўраб келганга бисотида борини бервориб, ўғлини дўконга зувуллатади: «...гўшт билан гуруч опке, би-ир ошхўрлик қилайлик! Ҳа, «темир даптар»га ёздирувир. Битта қип тўлаймиз, насиб».

Катталаримизнинг таъбирича, «сира каттармайдиган» бу амаким жуда кеч кўчиб чиққан ота уйидан. Момом, ана кетди-мана кетди, бўп ётган жойида ҳам

айтиб-айтиб қўяркан: «...Эркинга уй қилишимиз керагиди-да... Эркинга ватан тикламадик-да...».

Тавба-тавба, «оналик саодати» шуми: дард тутиб, жонидан жон айириб туғиш, дардлардан опичлаб одам қилиш, дардмандлигини яшириб, болалари кўзига масрур кўриниш, ахийри дарддан гуппа йиқилганда ҳам ўзинимас, ўзларини аллақачон эплаб-сеплаб кетган болаларини ўйлай-ўйлай, кўзи орқада кетиш?.. Ўнта боласи... ўнта дарди — ўнта «саратон»и эди момомнинг. Етмагандай, йўқчилик бир «саратон». Йўқчиликдаги кўпчилик бир «саратон»... Баридан безиблар кетганда нима қиларкин? Бориб бошини қаерга ураркин?..

Олтмишинчи йиллар (етмишинчимикан ё? Саксонинчидир, эҳтимол?). Ёз чилласи — саратон(!) да, чошгоҳ палла қишлоқ кўчасининг ўртасида бир аёл кетиб боради: кўзлари қизарган, узун сочлари тўзғиқ, кийимлари кўримсиз, унниқиблар кетган... Кўча-кўйда одамлар сийрак. Битта-яримта дуч келгани ҳам четлаб-четлаб ўтарди. Ёши улуғроқ, кайвони бир аёлгина четламади:

— ...Ҳай-ҳай-ҳай, келин, бу нима аҳвол? Тинчликма? Сиздан сўраяппан, ҳу-уй?..

— Мени тўсманг! Тўсманг мени!..

— Хў-ўп, гартдак ҳовурингиздан тушинг, айланай, нима бўлди ўзи? Қайга кетяпсиз? Ҳеч бўмаса, шуни айтинг?

— Ўлдираман! Отаман!

— Эбий, ўлай... Кимди? Нимага?..

— Ўзимди... Нарпайга отаман (Нарпай — Наҳрипай канали. Ўтган аср бошларида қазилган. Каттақўрғонда бошланиб, туманимизда, Пахтачида тугайди. Ҳозир анча қум босиб, саёз тортиб қолган)!

— Вой, ўлмаса-ам... Ҳай, келин? Ҳа-ай, келин!.. Менга қаранг... Менга қар-ранг...

— Тўсманг, дедим сизга... Тўйдим! Тўй-йиб кетди-им!.. Қўйворинг мени, барибир ўзимди сувга отаман! Қутуламан... Қутуласилар...

— Тўт... тўхтанг, жон келин, шу-унча одамди иснодга қўйиб... Ҳай, менга бир қаранг-да! Болаларингиз-чи?! Яқинда бўшангансиз (туққансиз), эмизиклигингиз бор-ку, у нима бўлади?! Ҳеч гўрга бормайсиз, қани, юринг-чи!..

Рост, гўрга боришига а-анча бор эди: ўн болани тикка қилиб, «Қаҳрамон она» тақдирланиши, портрети музейларга қўйилиши, алалоқибат, олтмиш бир ёшида, саратондан тутдай тўкилиб, ёзга яқин жон таслим қилиши... бор ҳали. Ҳозирча эса кайвони аёл етовида изига қайтяпти чор-ночор. Кўкраклари симиллаяпти — бешикдагиси уйғонганга ўхшайди...

***

...Мозоротдан чиқаётиб, бала-анд бир қабртошга кўзим тушади. Қоп-қора мармар қаърида оппоқ сочлари батартиб таралган, костюмининг тўши тўла

орден-медал, арбобнамо қиёфа қараб турибди: «Шомурат Қаххоров 1921-1988...» Бугун қишлоғимиз номини «Хайробод» ё «Амиробод», деб қоғозларга тиркашадию оғизда ит ҳам ишлатмайди, ҳеч қандай «...обод»ни. Аммо Шомурод Қаххоровни тилга олганимда, қишлоқ-ку қишлоқ, ҳув, Тошкентнинг бир бурчагидаги бадгумон маҳалла оқсоқолининг-да жаги жилов узганди: «...борганман, кўрганман. Тоак... саксонинчи йилларда. Бой колхозиди-де...»

Чин, бу одамнинг йигирма саккиз йиллик раислигида қишлоғимиз салкам шаҳарга айланган: маданият саройи, кинозал, кутубхона, музей, стадион, меҳмонхона, аэродром, амбулатория, болалар лагери, боғча, мактаб, лабаратория...

Етмиш тўққизинчи йилнинг октябрида бутун идорасини оёққа қалқитиб, йиғилиш қилади. Котибаю ҳарф терувчиларига алоҳида топшириқ юклайди:

— ...гаснитса (гостница) ошхонасига марш, гўштдан барак (чучвара) букинглар. Туядай-туядай қип букманглар, дид била-ан, кичкина-кичкина қип букинглар!

— Нима гап, раис бува, билсак бўлар? — чувиллайди аёллар.

— Шароф Рашидов келяпти, колхозимизга...

Айтилганидан ҳам ортиқроқ дид билан, чақалоқнинг қулоғидай қилиб тайёрлашади таомни. Дастурхонниям бадастир тузашади. Борки ноз-неъмат-

ларини тўкиб солишади. Бироқ бу Шароф Рашидов деганлари ўйлашаганидан-да «чимхўр»роқ чиқади: чучварадан чўқилайдию чой ҳўпла-аб ўтираверади. Гурунг-пурунгам бермайди, одамга ўхшаб. «Раҳмат»-дан бошқа сўзини эшитишмайди, ҳисоб.

Ўша йили тўйи бўлган, колхоз идорасида яқинда-гина иш бошлаган бир машинистка — ҳарф терув-чи келинчак, барча-барчасини қирқ йил ўтиб ўғли-га — менга сўзларкан, неча карра «бориб-келади» ўша кунларига. Эргашиб бормоқчи бўламан-у, ўзаро тафовутнинг дастлабки бурилишларидаёқ улоқиб кетаман. Ахир унда хотира — воқеъ кечмиш. Менда бор-йўғи хаёлот. Шу хотиралар устига хаёлотимни теришга тушаман. Ана энди-и нисбатан йиғиқ ман-заралар ҳосил бўладики, таскин топаман. Демак, ёзишда давомлашим мумкин.

Шомурод Қаҳхоров ҳақида бошқа ёзгим йўқ. Етар. Менсиз ҳам у киши таърифида ёзилмаган ни-марсаю ёзмаган кимарса қолмагандир бу теварақда? Ёзсам-ку ёзгулик нималардир бордай: қандли диабе-ти билан олиша-олиша олтмиш еттисида енгилгани, ўзини ўзи томиридан эмлаб, ишига шошиб кетавер-гани, анов қоратошни келтириб ўрнатган тўнғичи Абдураҳмон ҳам узоқ яшамагани — азборойи кўп ичганидан элликнинг нари-берисида тамом бўлгани, одамлар уни «алкаш», «тентак» деб мазахласа-да, бир одатини тан олишлари — ҳар куни(!) гарчи эмаклагу-дек ичган эса ҳам онасидан ҳол сўраб ўтишини, ўлгач,

онасининг тағин бир ўғлию икки қизи борлигига қарамай, сўровчим кетди-йей, дея гўяндалик қилгани-ни... бафуржа, ёйи-иб ёзсам бўлади.

Гапнинг гартками, ундан кейинги раису раисалар, қишлоқдаги биргина бинога зеб бериб, кўтаришди шаъшаъдор қилиб — ўзларининг уйини. Мактабу боғча ўз вазифасини амаллаяпти, холос. Бошқалари: сотилди, ёпилди ё шунчаки қаровсизликда харобага айланди. Шунинг ўзи ҳам Шомурод Қаҳҳоров шахсига етарлича «чизги», деб ўйлайман.

Отаси Қаҳҳорнинг она бир, ота бошқа укаси бўлган. Ибод — Ибодулла (ёки Ибодин). Араб тилини яхши билгани ва ҳофизи Қуръон бўлгани учун эл уни «мулла Араб», дея алқаган. Ва айни муллалиги «касри»га жуфти Ойзода иккиси ит кунини кўришган. Валадлари... Бўлак ёза қолай.

## «Мулла Араб»нинг чилимкаш завжаси

Мазкур бобокалонимиз алфозида ярим афсона, ярим чин гаплар юради. Афсонаси: Бухоро мадрасаларида ўқиганлар... Шунчалар баланд жаҳрда акса урганаканларки, қишлоқдан қидириб борган хеш-ақрабо манзилни муқаррар чўтлашган: «...а-а, топдик, шу ёқда экан!»

Чини: ўттиз еттинчи йиллар «қама-қама»сида опкетаверишган-опкетаверишган. Завжаси Ойзо-

да — момокалонимиз, уйидаги гиламларгача сотиб, опкелаверган-опкелаверган. Билониҳоя, бу корибал ўз ишини қилган. Бандиликда ичтерламани орттирган «мулла Араб» қирқ-қирқ беш ёш миёнасида омонатини Эгасига топширганлар. Ошхонаси деворидаги тешик-тирқишларда сурнайча кепатасида ўроғлиқ қоғозлар суқилган бўлиб, уларда араб имлосида нималардир ёзиб-чизилган экан. Фаҳми ожизимча, бу қисматга боис — тақволаригина эмас, валлоҳи аълам.

Ўлган-ку ўлди, ҳисоб-китоби Ўзига аён, унга суяниб қолганга қийин, қолганга. Уч гўдаги уч тарафда — ичкари тўла оғиз, ташқарида — қаҳатчилик, қатағон... Валадлари бешта бўлганакан. Иккисидан буваклигидаёқ айрилишган: тўнғич эгизакларининг Зуҳрасидан — касаллик; кенжа ўғилчалари Нормуроддан — саккиз ойлигида эмакла-аб бориб, мулойимгина сиёқда ётган мушукка тегинади, ҳайвон-да, сапчиб туриб юзчасига чанг солади... Тамом, момокалонимиз мушукни ёмон кўриб ўтади. Кўрса, қувиб солади.

Катта ўғиллари Неъмат эса наинки мушукка, оти ҳайвоннинг борига меҳр қўяди. Шу меҳрининг ҳадди аълоси сифатида Самарқандда ўқиб кеп, молдўхтир (ветеренар) бўп етишади. Буниям ўз тарихчаси бор: хўкизга омоч улаб, ҳиргойини борича қўйган ҳоли ер шудгорлаётганда, аммаси ўтиб қолади дала рошидан:

— ...Ҳа-а, Неъмат, бу, оғзинг қулоқда?

— Бахмалга уйланаман. Ўзи рози-и...

— Эби-ий, ана эмаса! Тентакди тушига тўрт қарич бўз кириймиш... Эна-отасини олдиданам ўтдингма ҳеч?

— Йўқ, ҳали..?

— Уларди биласан, осмонларда яшайди. Сендайчикин бир эшакли гадайга қиз берадима шулар? Сен олдин ўқи, одам бў(л), бир ишди бошини тут. Кейин гапир уйланишдан...

Бундай гаплар кимнинг жонидан ўтмайди. Умидгар банда, онасини совчиликка жўнатиб кўради шунда ҳам. Аммасининг билгани билган чиқади. Бермасликларини айтишади узил-кесил. Ана сўғин ўқишга киради. Ижара уйида ивирсиб ўтирган кунларининг бирида эшик тақиллайди. Очса... Бахмал, кўзига қараб-қаролмаяпти; ёнида... яқин бир жўраси, ишшайибгина турибди:

— ...келди-ик, жўра. Устидентти кўриб келай(л)ик, дедик-да бир. Ўқийвур. Бахмалга биз уйланамизда-а, шуйтиб.

— Кепси(з)лар, яхши. Тор хонада торигиб ўтирувдим ўзи. Юринглар-чи, си(з)ларга би-ир шаҳарди кўрсатай...

Регистон кўчаларининг биттасида Бахмални... етаклай кетади, қаёқларгадир. Куёвтўра билмай ҳам қолади. Хилват бир жойга элтаётганда, ҳамсабоқлари тўсади йўлини: «...ундай қилма!» Бахмал йиғлайди,

йиғлайверади... Индамай-нетмай, қайтариб оббора-ди қўшганига.

Ўқишини тугаллаб, қишлоғига қайтгач ҳам кўп қийналади. Уйланишиям дардисар бўлади: қашшоқ-лик бир ёқда, «мулланинг боласи» деган тамға бир ёқда. Эшикма-эшик рад жавобини эшитавериб, алҳа-ми олти бўлган онаси — момокалонимиз, укасининг уйига изиллаб боради, охири:

— ...Неъматгинамга ҳе-еч ким қизини қийма-япти, Рўзиқул! Ўқиб келди, ишлаяпти, яна нима керак бу одамларга, Рўзиқул? Биз(л)ардиям кўкайимизга кун тейиб қолар, жигит моли жерда-ку, Рўзиқул! Сен-дан бошқа борарим қо(л)мади, Зулайҳонгди сўраб келдим, Рўзиқу-ул?..

Тўй ўтиб, аммасининг кулбасига келин тушган, ўзганинг «юсуф»и ила яшай бошлаган Зулайҳо беш фарзанд кўради. Улар каттаргунча ўзи кичрайиб, пар-дайгина бўп қолади. Мискинликнинг зил-замбил бир шомида ишидан ҳориб қайтган ўзганинг «юсуф»и гилам ямаб ўтирган хасминиям ўзгача Зулайҳо авзо-ида кўради. Ичи идраб, овутмоққа тутинади:

— ...Ҳаммаси олдинда. Шундай ўтиб кетмасмиз...

— Э-э-э... Асли гадай бой бў(л)мас!

— Нима дединг-нима дединг...

Отасидан емаган калтакни эридан еб, ўласи ҳолда ерпарчин ётган Зулайҳо шу кунини умрбод унутмай-ди, унутолмайди. Жуфти ҳақ чиқади-да. Ўзини ўтга, чўққа уриб, «Неъматгина»дан «Неъматбой»га ўў-

нади: бузиб қурилган ҳашамат уйлар, гаражда улов, мол тўла молхона, қўй тўла қўтон, чўрилар, хизматчилар...

У ҳам қайтиб қўл кўтармайди Зулайҳога. Аксинча, хастаҳоллиги учунам икки ҳисса меҳр қўйиб, авайлаб ўтади. Ажабки, унинг манглайига хастаҳол, дардманд заифаларга қараб ўтиш битилган экан. Онаси — момокалонимиз ҳам бу гапга гардан. Уни — «Неъматгина»сини ўқитиш-чун патир ёпиб, қишлоқнинг энг катта бозорига пойи пиёда бориб сотган. Қор-ёмғирда бошига кўҳна костюмни ташлаб олган. Ҳафтада бир келиб турган ўқимишли ўғлини чўнтагида патир пули, тугунчада зоғора нонлар билан жўнатган. Бозорга бориш ўн чақиримча, қайтиш ўн чақиримча... оёғини олдирган, ишқилиб. Шу қадар зирқираб оғриган эканки, дод-войи кўчага эшитиларкан, момокалонимизнинг.

Чидолмаган ўғли қайдандир илми зўр дўхтирни бошлаб келади бир куни. Оғриқ оёғининг — ўнг тиззасининг «кўз»ини айлантириб укол уриб чиққан дўхтир керакли дори-малҳамни ёзиб бериб кетади. Оғриқ забтидан тушади. Ўша дўхтир охирги сафар келганда айтадики: «...бўлди, укол-дори шартмас энди, фақат ҳар-ҳар замонда битта попирис чакиб турсин». Бир муддат чилим қуруллатиб юрган момо ниҳояти невараларини «Astra»га — папиросга ғизиллатадиган бўлади. Оғриқдан-ку батамом қутулади, аммо папиросни то оёқларини ёруғ дунёсида

йиғолмайдиган қилиб, боқийга узатгунича тутатади.

Шундай қилиб, «мулла Араб»нинг мохорка исли завжаси — Зулайҳонинг аммаси — аямнинг мақолчи момоси (ҳа, Неъмат молдўхтир — онамнинг отаси эди) иккита жаҳон урушини, иккита авжи қатағонни, очарчилигу оғриқларни, охирда тўкис турмушни-да кўрарича кўриб, саксон тўрт ёшида «чўбин от»га минади (роппа-роса 1900 йилда туғилган бўлиб, момонглар йил билан баравар, деркан «Неъматгина»си). Ўн йил ўтиб, ўзганинг «юсуф»и-ла яшаган Зулайҳонинг (олтмиш ёшида) оғзини танғишади — жигар церрози. Ўзганинг «юсуф»и эса: 2007 йил қишида, ярим кечаси, ўртанча ўғлининг молини кўриб қайтаётганда, товуққатакнинг эшиги ёпилдимикан, ўйида томорқа тўрлайди ва тойиб ағанайди. Бўксаси дарз кетади... Йил ўтиб, 2008-йилнинг қишида, саксон ёшида вафот этади.

Бахмал... Худонинг берган куни эри ичиб кеп ураді: «қисирсан» деб ураді, бошқасан, деб ураді. Бефарзандлик маломатидан қутулиш илинжида икки ўғил асраб олишади. Таассуфки, улардан ҳам ёлчимайди: бири нашаванд, бири «шишаванд» чиқади... Ўлимидан сал аввал, ота қишлоғидан келган бир аёлдан кўчада сўрабди:

— ...Неъмат бува тирикма?..

— Ўтган жили жўқ бўлувди..?

— ...

Шу аёл ўша сўнгги суҳбатчани ҳамқишлоқларига сўзларкан, бир ҳайратини қўшиб сўзлашдан эринмайди ҳеч:

— Қаррисаям чиройини жўғатмаганди раҳматли. Ёшлиғида қандайлар бўганакан-а...

***

...Узоқ бувам — Неъмат бобомиз хонадонида яна бир момо юргич эди. Хирагина хотирлайман: бу-урчақдаги хонасига букчайибгина кириб-чиқар, гапирмас, биз болалар, унинг ҳатто расмига қарашгаям қўрқардик — чап кўзию ёноғидаги ёнғоқдай-ёнғоқдай норлари, бола қарашимизга қўрқинчли кўринарди.

Кейин-кейин билдикки, у мўйсафид — Зулайҳо момомизнинг онаси Хосият момо экан. Хўп, нега куёвиникида яшарди? Ўғли йўқмиди?..

## «Наташа янга»нинг қайнонаси

Эри Рўзиқул билан ажрашганда, болалари кичкина-кичкина эди ҳали: Рисолат, Зулайҳо, Алиқул. Рўзиқул-ку Рўзигул деганига уйланди-кетди, аммо Хосият эр қилмади бошқа. «Палахмон тош»лари бориб тушган ерида палак ёзиб, ўзларидан ортмай қолишади. Алиқули...

Армияга кетган Алиқул ўрис хотин — Наталия билан қайтади уйига. Кўккўзу сариқсоч «Наташа янга»нинг тилига тушунишмаса-да, дилининг тозалигига ишонч ҳосил қилишади қисқа фурсатда. Бироқ беш йилча яшашади бирга. Азбаройи кўп ичганидан эридан бозиллаб, юртига қайтиб кетади. Эмизикли Эркинчасини ҳам опкетади (ё, алҳазар, ўзбекнинг ичағонлигига ўрис чидолмайди! Нимаям дердик, фазилатдан кўра иллатни ўрганиш, ўзлаштириш осонроқ).

Уларни опкелиш учун Ўрусия борган Алиқул қайноғаларидан ур калтак-сур калтак бўлиб, хотинию жигаргўшаси ўрнига эзилган жигар билан келади қайтиб. Шу кўйи ўнгланмай, ўттиз саккиз ёшида «жувонмарг» кетади. Шусизам сўққабош ўтаётган, энди яна-да яккаланиб, адо бўлаёзган чечаси ҳам қайнонасини Неъмат бобомиз кўчириб келади хонадонига. Ош-овқатию кир-чиридан вақтида хабар олиб, меҳр кўрсатишса-да, бир гапини такрорлайверараркан, бот-бот: «...жантағам (янтоқ ҳам) ўз элида кўгарсинакан».

Хосият чеча қариб — Хосият момо бўлганида, қишлоққа таниш келбатли меҳмон дорицади, ўрис элидан: қўлида ўғилчаси, қабатида хотини. Йўлда суриштираверадики: «...исмим Эркин. Отамни излаб келдим. Исми Алиқул. Онам юборди?» Катта ҳовли бир пасда одамга тўлади. Олазарак отасини қидира-

ётган Эркинга тоғаси Облоқул (Аллоҳқули) англатади: «...отанг ўлган, юр, қабрига олиб бораман».

Сўнг шу тоғаси тўй — жажжи «Илҳом» (Илья) нинг суннат тўйини бошлайди даранглатиб. Давра ўртасида жияни Эркин, атлас кўйлак кийиб, сирғалар тақкан ўрис келин, бир ўйинга тушадиларки...

Кейин суратга тушадилар. Кўрганман ўша суратни: ҳовли, харракда Хосият момо, ёнгинасида ёлғизидан қолган ёлғизи Эркин ўтирибди, орқаларида ўрис келин тикка турибди, бир қўли момонинг, бир қўли эрининг елкасида, бошини хиёл солинтирган, офтобданми кўзлари қисиқ... Қайтиб борган ўғлини эшитаётган «Наташа янга» бир ўринда танг қотади: «...ҳозир ҳам ҳаётмикан, ўша аёл? Ой-ёй-ё-ой!»

Ўғлини кўмган, чеварасиниям кўрган, куёвиникида яшаган Хосият момо 1994-йилда, саксон ёшларида сафарини якунлайди, бу оламдаги. Қачонлардир ўзи башорат қилганидек, Зулайҳо қизиникидан — Неъмат куёвининг уйидан чиқаришади маййитини.

Ўғил доғида ўтиш онасидан — саксон олти ёшида кўзлари йўл қараб бадар қотган Умида момодан «мерос» экан, асли. Урушдаги икки ўғлининг биридан қорахат, биридан «бедарак йўқолди» мазмунли хат олгач, аза очиб, кўк киядию... ечмайди. Ўзича қасд қиладики, бедарагидан дарак топмагунича ечмайди! Ёзми-қиш, уйми-кўча, тўйми-байрам... шу мотамсаро кўйлагини қўймайди эгнидан. Икки йил шундай юради...

Уйда ўзгинаси куймалани-иб турса, биров чақи-ради. «Тиқ» этган товушга, «миқ» этган илинжга мақтал она ҳадаҳалаб боради. Эшикда эгачиси, қўл-тиғида янги тикилган кўйлак, қатиъй қараб турарди:

— ...Бўлди, еч манов рўдапонгни!

— Кетинг!

— Еч, дедим, сенга!

— Кетинг, дедим, сизга!

— Шундайми?.. Унда ўзим...

— Йўқ-йўқ... Яқинлашманг!

— Ўрлик (ўжарлик) қи(л)ма, тирик бў(л)ганда шу пайтгача...

— Кет-т-ти-и-и-инг!

— Ҳм-м... Ўзингдан ўпкала энди.

— Йўқ... Йў-ў-ўқ!..

— Тўхта, ҳай, қайга қочяпсан... Шунчасиям етиб ортади... Уруш кетган бир сени болангми... Тўхта, деди-им...

Ҳовли айлантириб қува-қува ушлаб, уйга опкиради. Устидаги аза кийимини — «кўк»ни йиртиб-сиртиб, ечиб отади. Қўлтиқлаб келган кўйлагини уриб-дўқлаб кийгизади. Аммо ичдаги «кўк»ни — сарғаймайдиган, қаримайдиган, қуримайдиган, кўмкўк умидни бандаси суғуриб ота олармикан?! Умида момо ўттиз йил кутади яна. Паймонаси тўлиб, тоза кўтарам бўлганида ҳам шивирлайдики: «...дарвоза очиқ турсин! Кеп қолар?..»

***

Клуб (маданият саройи), кинозал, кутубхона, музей... харобаларида изғийман. Зах тортиб, нураётган бу деворларнинг кечаги кунлари ҳофизамда қад ростлайди.

...Ана, клуб: саҳнасида «Кулгиминятуралар» театрининг ҳассос қизиқчилари, зал зириллайди кулгидан, қишлоқ аҳли, айниқса, Эргаш Каримовдан кўз узмай куляпти;

...Ана, кинозал: синфдош ошналар «Илонлар водийси» деган кинони нимқоронғиликда нафас ютиб кўряпти;

...Ана, стадион: майдон ўртасида кураш тушишяпти, трибуна тўла одам — Наврўз. Томошагоҳ теп-пасида ўспирин йигитчалар, темир панжарага суяниб, тик оёқда туришибди. Олдиларидан тенгқур қизчалар ўта бошлади. Йигитчалар қизчалардан бирини — калта сочини тугиб олган, спорт кийимидаги, оппоқ крассовкалисини — «тухум» дея ҳазил-мазахлашга киришади. Орасида рангпаргина бири ҳам «туху-ум», деб илжаяди. Қизча икки қадам ўтиб-ўтмай, таққа тўхтайди, ортига бурилиш баробарида оппоқ крассовкаси билан унинг нақ тўшига, Роналдо расмининг устига ў-ўхшатиб тепади. Гурра кулги. Қулоғининг остида шивир: «...қиз боладан таяғ жединг, ў-ўле-ей-й!»;

...Ана, кутубхона: яқин орада катта «Камаз» келиб, ҳа-амма китобни опкетажагини эшитган қотма бир рўдапо кутубхоначи аёлдан ўсмоқчилаяпти:

— ...қайга опкетади?

— Қайга бўларди, макалатурага-да асосан. Қолган-қутгани тумандаги коллеж-мактабларнинг кутубхоналарига.

— Макалатурада нима қилишади?

— Туалет қоғози қилишади, бумага-а... Етиб бордими?

— Йўқ... Қандай?..

— Уф-ф... Сув тўла ка-атта ҳовузга оббориб тўкилади китоблар. Илвираб, бир-бирига қўшилиб кетар даражага етгандан кейин олиб, қайта ишлашади...

Рўдапонинг ранги баттар қочади. Ҳовузда хамирдай кўпчиб ётган китобларни кўз ортига келтирадию... ўғирлашга тушади китобларни. Қават-қават кийимларининг ичига тиқиб ўғирлайди, камарига қистириб ўғирлайди, деразадан ташлаб ўғирлайди... Қониқмасдан, бир-икки жўрасиниям ияртириб келади, шериклашиб ўғирлайди. Орада кутубхоначига пул ҳам узатишади, ими-жимида: «...карточкадаги китобларимизни «қайтарди» қип қўйсангиз?» Миясида биргина хавотир: «...ҳадемай «Камаз» келади, улгуриш керак, улгуриш!» Улгурмайди. Ўн мингтача китобни шу йўсин, қисқа вақт ичи ўмариб бўлармиди?

Ўзича кутубхоначини «сотволиб», китобларни «улгуржи» ташиш пайида қоп ола келган рўдапо ку-

тубхона эшигида калласидай қулф кўради. Кафтини пана қилиб, деразаларга битта-битта бет босади. Хоналар бўм-бўш, китобнинг «к»сиям қолмабди. «Қачон? Шунча тезми?..» ўйлари тугамай, калласидай қулфга калла қўйиб, ҳиққиллайверади-ҳиққилайверади. Ахир, у, мактабдаги олди-қочди «дарс»лардан, одамни масхаралаб, эт оладиган кимсалардан, ўйлагисиям келмай қолган эртасидан, тирикчилик талотўпларидан... шу ерда — шу эшик ортидагина жон сақларди-да;

...Ана, музей: бирда муаллимимиз бошловида, бирда ўзимиз бориб тургич эдик. Ичдан қулф эшиги очилишининг ўзи бир «томоша» тусини оларди. Чувуллашиб бақириб-чақиришганимиздан кейин йўтал аралаш «Ҳози-ир!»ни эшитардик. Ранги заҳил, мудроқ чол чиқарди иҳраб — Қулмат бува. Музейнинг фаррош ҳам қоровули, тилмоч ҳам ясовули эди, шу чол. Қий-чув солиб, ичкарига урардик. Бўсағада бирровга тик қотардик. Боши шифтга теккудай, сап-сариқ, тепакал, кузалган соқолли ҳайкал турарди шундоқ киришда — Ленин. Пойидан пилдирабгина ўтиб, хоналарга «юриш» ясардик. Кели, жоди, ойболта, қилич... амсолидаги экспонатларнинг ваҳми босарди қандайдир. Қишлоғимиздаги «Қаҳрамон она»ларнинг портрети ҳам, «мулла Араб» хатм этган Қуръон ҳам шунда эди.

Қулмат бува изимиздан тергаб юрарди: «...муюмларга (буюмларга) тейинманглар, хўппа? Кунчков-

лик қиганингди, айтиб қўяй, қамаб кетаман, кечаси мановлар тирилиб жейди!» Ҳеч қайсимиз қамалмадик-ку Қулмат буванинг ўзини қўйиб келишди (Худо раҳматига олган бўлсин). Музей-да кўпга бормади. Бир куни танаффусда кўрдикки, шалоқ тиркама унинг олдида бел бўлибди. Устига «тарақ-туруқ» ортишарди, кўҳна бисотни. Кейинги танаффусда ўзи шипшийдам. Эшигида тамба, деразалари михланган.

Ҳайкални қолдиришибди. Ташқарида юзтубан ётарди. Анча вақт шундай ётди. Бекор ётмади аммо — бекорчиларга ўриндиқ бўп ётди. Шуниям кўп кўришди бечорага, қаёққадир даф қилишди. Ҳафта ўтдими-ой, дараги келди — «доҳий» тоғда экан. Ўша, қишлоғимиз бошидаги Қоратов этакларида, қирлар орасида ётганини кўришибди. Қорайиб-занглаб ётганмиш. Яна қай бир эринмаган мардум чўкич билан аъзойи баданини уриб, пачақлаб чиққанмиш. Мис бўлса сотаман, дегандир-да...

Бугун-чи?.. Харобот тўла қўқим, қадамда оёққа илакишади. Телефоним экрани шуъласида сочилиб ётган гуноҳ қолдиқларига кўз югуртираман: «Белая акула» (арақ), «Pulsar» (пиво), «PallMall» (сигарет), «Nur» («mazali pista»), «Романтик» («простой презервативы»), кўрпача... Кўрпача матосида гуллар, катта-катта, оқ-сариқ-қизил гуллар... Босилавериб-эзилавериб, тайин бир туси қолмаган, увадаранг гуллар...

Тоза ҳаво, ёруғлик истаб, ташқарига ошиқаман. Катта йўл ёқасида кўраман ўзимни. Кунчиқаримиз-

да «Деҳқонобод», кунботаримизда «Султонобод» қишлоғи. Кунботарга юраман. «Султонобод»даги — чеврамиздаги энг катта ҳам қадим бозор биқинидаги бир тамаддихонага бош суқаман. Тепа ошёнининг бурчагини, дераза олдини бандлайман. Кўк чойга қўшиб бундаги яқин-йироқ ўтмишниям қайтараман. Юз йилча муқаддам, ўз номига монанд султону амирлар замонасида бу жойлар — яхшигина қатлгоҳ ҳам бўлган: ўғри-муттаҳамнинг қўлини кесишган, бадтарроғининг бошини... Сўнг-сўнг қайнаган бозорга айланган. Ойзода момокалонимиз патирларини шу бозорда сотган. Ҳозир ҳам, мана, чўтловчию чайқовчининг уяси.

Аммо менга бозоримас, мозори қизиқроқ бу жавонибнинг. Аниқроғи, мозоридаги яккаш бир мозор. Яккашки, унда ётганни ётлар кўмди, ювиб-кафанлаб. Турган бўлса, турбатида тори тургандир. «Кара гуз»ли ёри турмагани аниқ, лекин. Тура олса туради-да... Билганимдан келай.

## Йўлда қолган тор ноласи

2009 йил. Авжи ёз. Тик туш. Силлиқуритар иссиқдан қочиб, ҳамма уйига уриб кетган. Зоғ ҳам кўринмайди кўчада. Хонада ўзим, китоб қараб ўтирардим. Қайлардандир бир товуш... йўқ, хониш келгандай бўлди. Узилиб-узилиб, паст-баланд келаётган бу хо-

нишга дастлаб парво қилмадим унча. Тор жўрлигини илғагач, сергакландим янаям. Қизиқ, бундайи биз тарафларга ораламасди. Оралаганларим онда-сонда, гавжум жойлар, масалан, бозорларда, тўй-ҳашамларда бирравга пайдо бўлишарди-ю, бекорчига текин томоша, бакорчига дардисар бўла-бўла, оларини олгач, қорасини ўчирарди. Аслида ҳам улар, ўзларидаги ўша: доирани даранглатишу сурнайини салангглатишдан бошқасига ярамайдиган, «ҳунар»лари билан ҳисоблаганда ҳам тийинга тош босмайдиган томоқ телбаларию қорин қаландарлари, холос.

Лекин бу хониш... Хонам рўпарасидан ўтаётганда, деразага шошилдим. 45-50 ёшлардаги, жуссаси қорувли, бошида дўппи, эгнида, шу жазирамага қарамасдан, қора камзул-шим, кўзига ярим афт-ангорини эгаллаган қора кўзойнак таққан бир киши, кўксида тор, куйлаб борарди:

*«...Нигоҳи-инг на-айзадур ола-ар жа-анимни,*
*Гипригинг игнаду-ур, тўка-ар ка-анимни,*
*Бир караб гуйдирди-инг хо-онимонимнийе-е-й,*
*Ёр, кара-а гузлари-инг на-а иста-ар маннан?..»*

Куйларкан, ён-атрофига разм соп қўяр, гўё кимнидур излар, кимгадур илҳақдек умидсаро қидиринқирарди. Бироз кузатдиму эшикка чопдим. Йўл-йўлакай, қуруқ борсам бўлмас, андишасида ортга қайрилдим. Тўғри келган жойни титкилардим:

шкаф, тортма, кийимларнинг чўнтаги... Ҳа, эссиз-эссиз. Болаликда бир одатим бор эди, қанча топсамам ўша заҳоти бир қутичага солардиму, ҳув, бурчакдаги лўлисандиққа тиқиб қўярдим. Йиғаверардим, йиғаверардим ва «бойиганим» сари ўзимча «тужжор» режалар тузардим. Кўпинча умуман бошқа нарсаларга совуриб юборардим, аммо.

Индалло, «нарзу ниёз»га арзирли вақо топилмагач, йўқ тортиб кетмайдими-йей, деб кўчага учдим. Бу фурсат ичида тинчиб қолган хониш ҳақида ўйларканман, хаёлимда, у, бошқа-бошқа кўчаларга оралаб, узоқлашиб кетгандек эди. Чиқсам, хайрият, кўчамиз бошида, йўл гирдида ётган бетон устида, қатор экилган тераклар панасида ўтирарди. Кўча ўша-ўша, фақат сал нарироқда, ариқ бўйида чўнқайганча телефон чуқулаб ўтирган ҳамсоя болакайни айтмаганда, кимса кўринмасди.

Истиҳолаю иккиланишлар билан борарканман, у ҳам менга манглайини тириштирганча қараб ўтирарди.

— ...Ассалому алайкум... ака. Хуш кепсиз. Чарчамадингизми?

— Ваалайкум ассалом, иним... Раҳмат.

— Мен... овозингизни эшитиб... келятувдим.

— Раҳмат, иним, раҳмат! Дўғриси, ино бу гўчаданам хопо бўлиб гетятувдим. Ҳов, бу ёна ўтир-чи, аввал донишсак...

Абдураззоқ исмли бу одам Хоразмнинг Шовотидан бўлиб, мактабни битиргач, «соз сирларини билгали» Хива мадрасаларига отланибди. У ёқдаги таҳсилининг ҳам таги кўрингач, шу билган-ўрганганини кифоя санаб, торини олибдию «Энди мани ишим эл ичинда, сазимни сайратишу дилларни яйратиш» қарорида халқ хизматига шўнғибди. Элининг қаерида, қандай тўйми-маъракаси чиқса, бепайсал борибди. Бақавлиҳол ҳожатбарор бўлибди.

Шундай кунларининг бирида онаси уни чақирволиб, ўша азал мавзусини очибди: кўнглингда бирортаси бўлса, айт? Бўлмаса ҳам айт, мана, бизда бор!

Кўнглидагини айтибди. Дўст-душманга бирдай тотувли тўй ўтибди. Уёғи: турмуш, болалар, рўзғор...

Лекин тақдир бу бахшивор бошга ҳам синовини солибди. Ўзига бино тугул қаср қўйишсаям кам кўрадиган талтайма бир таннозга йўлиқибди. «Томоша» одатдагича кечибди: омонат «оҳ»лар, сўқир «воҳ»лар, уч йиллик улоқиш, сози билан сўппайиб қайтиш...

Қайтишга қайтгандию энди унга кўзи учиб турган кимидир қолмаганди. Ажримдан кейин аёли кўпам боши очиқ юрмапти, художўй бир киши оғиз солибди. Бир этак нонхўри билан қаёққа, қанчалик сиғишини билмай гаранг қотган жувон ҳам ортиқ оҳанжамасиз тегибди-кетибди. Онасига эса оғирлик қипти бу шармисорлик. Кўтаролмай кетибди мангуга. Ошна-оғайни, қариндошлар ҳам, табиийки, нари

тутибди ўзларини. Ота ҳовлиси ҳам кўп ҳувилламапти, аллақачон «эгаси»ни топган экан.

Нафсиламри, бедананинг уйи йўқ, қайга борса «битбилдиқ», бўпти. Элига ортиқ сиғмаслигини фаҳмлаб, эгик боши энган тарафга кетаверибди. Биргина сози ҳамроҳ бўлиб, мана, неча замонки, тоб бериб келаётганакан.

— ...Шуннан бари ўн йил ўтди. Алимда торим, юрт гези-иб юрибман-да. Ўзбекистонни ман бормаган тупкаси, сазим чолинмаган чаккаси қолмади, ҳовва-а...

— Хоразм-чи? Бориб турасизми?

— Э, иним, онадан гина қилиб нера борасан! Гўрдим: Самарқанду Бухоросиниям, Тошкенту водийсиниям... Дим яхши. Фақат шу Хоразма, уйина миймон галсаям сакраб ўйина душиб гетажак адамларина хос нанидир топмадим, топа билмадим... Бориб дуржакман, аммо Шовотамас, ёвуқ бир жойина.

— Нима... бирорта танишингиз...

— Йў-ўқ, иним, айтдим-ку, донишлар маннан алини ювган, даб... Ёшулли бир онахонникина. Бир-икки сафар уйларини олдина ўтириб, нафас ростлаб адим. Гузати-иб, эшити-иб юрганакан. Ина бир гуни толлари соясинда ҳаз ати-иб дурсам, галди. Салом-аликнан кейин бир жуфт сувора гуйладим. Тебраниб-тебраниб эшитди. Кейин муддаосини сулладики, суйимни йўқотдим: мани ўзина «ўғил» атмоқчи акан. Ҳар неча узрим иш бармади. Қараб дурсам, тиз чўкиб, тавал-

ло атажак. Нима, ман... Худомидимки, ёшулли бир бандасини тиз чўктириб, тавалло аткизсам! Шусизам бир она норизо гетди маннан... Хўп, дадим. Ҳов, шундай суюнди, шундай суюнди-и... Ичона бошлади.

Гунлар ўтди. Тўйлара бориб-галиб юравардим. Ҳаммаси жойина адию оқшамлари онахон... гўринмий-гўринмий қоларди-да. Ҳа она, дасам, хўрсинардию индамасди. Бир оқшам изина душтим. Ҳовли четина бир хона бор ади. Дишиннан ажува гуринарди. Ина шуни ичина кириб йўқолди. Ман ҳам шоппа кириб бордим. Онахон девора ёлпошиб қолди. Боқсам, дўрдаги тераза тайинда бир қийз ўтирибди: сачлари паришон, ранги солқи... «Касалванд акан-да, монглайи қара», даб турсам, онахон тиззама ёпишди:

— ...касалвандмас, аяқларини озроқ босолмийди. Уйлан шу қийзима, жаним болам, уйлан шу қийзима-а?..

Энди ман ёлпошиб қолдим девора. Қийз йиғламас, аммо гузлари-и...

— Шербек, ҳай, Шербек? Гаранг-паранг бўп қолдингма, ҳа-ай!, — дея чақирган аямнинг овозидан гурунгимиз бўлинди.

— Нима дейсиз?, — истамайроқ жавоб бердим.

— Кўрмаяпсанма, ариққа сув кепти. Маккайи (маккажўхори)лар қақраб кетган. Тез бўл, кетмонди олу сувди бошқар ичкарига! — дедию уйга қараб кетди.

— Оббо-о... Ҳозир шу шартмикан? — ғудраниб қўйдим.

— Ундай дама, бор, — пиёладаги чойини бўшатди (чойнак-пиёла опчиққандим орада).

— Улгураман, сиз бемалол...

— Йўқ, иним, ман энди турай. Йўла душишим гарак, — торини олиб қўзғолди, — Худо хоҳласа, гўришажакмиз.

— Лекин... Хўп, унда уйга киринг? Меҳмонимиз бўлинг? Йўқ деманг энди, ака?.. — нимагадур хайрлашгим келмас, бу дардчил дарбадарни кўп-кўп тинглагим келарди.

— Хўп, иним, хўп. Аммо бошқа сафар... Ҳов, онангни ўзи сув очажак ўхшийди. Бор. Манам борай, гутяпти ахир. Омон бўл...

«Кутяпти»? Ким кутяпти? Кимни кутяпти?.. Ўйларим яна жаранглай бошлаган тор овозига уйқашиб кетди.

Бир неча ойдан сўнг, Рамазонда кўрдим. Ўша-ўша: дўппи, қора камзул-шим, ярим юзлик кўзойнакда. Қўшниларимиздан бирининг дарвозаси олдида, тўнкага ўтирволиб куйларди. Атрофида ўтин майдалаётганлар эса бир бўзариб, бир гезариб қараб қўйишарди унга. Иккита қўшиқ айтди ё йўқ, секи-ин турди тўнкадан. Ошналарим келгани боис бу гал чиқмадим. Деразадан кузатиб туравердим. Ошналарнинг ҳам диққати динг экан:

— ...э, ҳув ўша ҳофиз акамасми, бу? Ҳа, худди ўзи... Сенам биласанми уни? — сўз қотди бири, ёнимга келиб.

— Ҳа, сал-пал, — деразадан кўз узмасдим.

— Қизиқ одамакан. Кўзидагини сира о(л)майди. Кўрми, деб ўйлайсан. Овози-чи, қалтираб чиқади қандайдир. Товба.

— Дуосиниям эшитдингларми? — гап қўшди бошқаси. — «Суйганинг билан яша, бўлмаса, тоқ ўт!» дейди.

— Сениям шундай дуо қилдими? Сену менга ўхшаганларнинг барини шундай дуо қиляпти эмиш, — қўшилди униси ҳам.

— Ўзича пичирлаб қўядиган тилагини-чи, униям эшитдингларми?, — ижикилади буниси.

— «Санъатти сақла, Худойим», дейишиними? Ҳа, эшитдим. Унинг калимасиям шуёв, тез-тез қайтариб қўяркан, — тасдиқлади униси.

— Шуни айт-ей, ҳайрон бўп сўрабам кўрдим, нимага шундай дейвурасиз, ака, санъаткорман дегани қўқиб ётибди-ку ҳозир, дедим.

— Нима дейди?

— «Шунинг учунам сақлашини сўраяпман-да Худодан. Комилжон оғадан, Олмахон опадан битта қўшиқ айтолмайдилару хоразмчага ҳаваскор. Қисқаси, санъатимиз жар ёқасида», дейди. Ростданам, қизиқ одамакан...

Ошналар бири олиб, бири қўйиб, уни «қалов» қилишаётган паллада у тобора узоқлаб борар, тори ҳамоҳанг хонишигина элас-элас кеп турарди:

*«...Ёр, кара-а гузлари-инг на-а иста-ар маннан?»*

2011-йилнинг кеч кузи. Тошкентда, ижара уй шифтига тикилиб ётганим бир кечада, телефоним тинғирлади. Уйдагилар: «...анов, хоразмлиқ хопиз ака бориди-ку, кўчамизга кеп турийди, шуни бугун катта жўл (йўл)да мошин уриб кетибди... Султонободлиқлар кўмипти... Эшитяпсанма?Ало?Ало-о?..»

***

Дафтарларим орасидан газит парчаси чиқиб қолди. Ёйсам, «Даракчи»нинг 2014-йил 6-ноябр сонидан саҳифа экан:

«Дунёни йиғлатган мактуб (Ўтган ойда Теҳронда қотилликда айбланган 26 ёшли Райҳона Жабборий устидан чиқарилган ўлим ҳукми ижро этилди)».

Биринчи устунчани тўлиқ ўқиёлмадим — йиртиқ. Ўқиёлганимча келтираман: «...Албатта, аёлни мамлакат ва жаҳоннинг бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ташкилотлари ўлим жазосидан қутқаришга уриниб кўришди. Аммо барча уринишлари бесамар кетди. 2009-йилда чиқарилган ўлим ҳукми орадан беш йил ўтиб, пойтахтдаги аёллар қамоқхонаси ҳудудида ижро этилди.

Суд ва тергов ҳужжатларига кўра, воқеа 2007 йилда юз берган. Райҳона мамлакат ҳуқуқ-тартибот идораларидан бирининг собиқ ходими Муртазо Абдул Али...*(йиртиқ)*га унинг уйида пичоқ билан тан жароҳати етказган. Оқибатда Муртазо вафот этган

(«тўнғиз қўпган» ёки «итдай ўлган» дейишса, тўғрироқ бўларди — Ш. Б). Райҳонанинг...*(йиртиқ)* гувоҳлик беришича, Муртазо уни зўрламоқчи бўлган. Қиз фақат ўз номусини...*(йиртиқ)* мақсадида Муртазони пичоқлаган. Шунингдек, қотилликда ўша уйдаги... *(йиртиқ)* одамнинг ҳам иштироки бўлган. Бироқ суд ҳам, прокуратура ҳам, Райҳонани қотилликда айблаш учун...*(йиртиқ)* етарли деб топди. Унинг кўрсатмаларига эътибор...*(йиртиқ)* ва унинг...*(йиртиқ)* ўлим ҳукми ўқилди. ...*(йиртиқ)* Райҳона Жабборий... *(йиртиқ)* куни дорга...*(йиртиқ)*».

Буёғи бутунлиги-чун саҳифадагиларни тўлиқ келтираман:

«...Райҳона қатл қилинадиган куни интернетдаги Facebook ижтимоий тармоғида онасига ўзининг васиятини ёзиб қолдирган. Ўтган ҳафтада Day.az электрон нашри хатнинг тўлиқ матнини эълон қилди:

*«Онажон!*

*Бугун оқшом мени қатл этишларини эшитдим. Ҳа, бу кун келиши аниқ эди. Бу кунни мен етти йил азоб ва изтироблар билан кутдим.*

*Мен бу дунёда атиги 19 йил яшадим, холос. Умримнинг қолган етти йили ҳибсда, тўрт девор орасида кечди. Буни ҳаёт деб бўлмайди. Аслида, мен 7 йил аввал ўлиб кетишим мумкин эди. Ўша машъум тунда мени ўлдириб, қай бир чоҳга ташлаб кетишар, орадан бир неча кун ўтиб, полиция ўлигимни топар, экспертиза мени зўравонлик қурбони бўлганимни*

*исботлар ва сиз ҳам бу мудҳиш ҳақиқатдан хабар топар эдингиз.*

*Қотилни бирибир топа олишмасди. Сиз эса бир умр армонда ўтардингиз. Ва қачондир бу мусибат, бу дард сизни ҳам олиб кетарди...*

*Бироқ шум тақдиримда бошқачароқ қисмат битилган экан. Яратганнинг менга атагани шу экан. Ўлимдан кейин ҳам ҳаёт давом этишини сиз мендан ҳам яхшироқ биласиз.*

*Онажон!*

*Эсингиздами, ўқувчилик пайтимизда сиз бизни ҳар қандай вазиятни босиқлик билан қабул қилишга, ўзимизни чинакам хонимлардек тутишга ўргатган эдингиз. Бу тарбия мени муқаррар ҳалокатдан асраб қололмади.*

*Суд залида менинг устимдан совуққон жиноятчи сифатида ҳукм чиқаришди. Мен суд залида бошимни эгиб тавалло қилмадим. Кўз ёш тўкмадим. Қонунга бўйсундим.*

*Ҳа, мени қотилликда айблашди. Онажон, ахир сиз мени туққансиз, мен ҳатто чивинни ҳам ўлдиролмаслигимни биласиз-ку!*

*Азиз онажоним!*

*Сизга илтимосим бор. Бу сиздан, бу ёруг оламдан, бу мамлакатдан сўрайдиган ягона илтимосим. Онажон, фақат йиғламанг ва бу васиятимни бажаринг.*

*Ўлганимдан сўнг вужудим чириб, кўзларим, юрагим, буйрагим, ўпкам ва бошқа ички аъзоларим туп-*

*роққа айланиб кетишини истамайман. Ахир айни лаҳзада ҳам қанчадан қанча инсонлар ўлим билан олишмоқда. Илтимос, тана аъзоларимни уларга инъом этинг. Токи менинг ўлимим беиз кетмасин.*

*Онажон, ҳаёт бизни севмади, бизни сийламади. Мен ишонаман, боқий дунёда ўша инспектор, ўша судя, ўша қораловчилар билан учрашамиз ва улар ана ўша онда ўз қилмишлари учун тазарру қилишади, аммо унда кеч бўлади.*

*Қадрдон онажоним!*

*Ҳозир ўлим олдидан сизни кўришни, бағримга босишни шу қадар истаяпманки!*

*Иншооллоҳ, маҳшарда сиз билан дийдорлашамиз.*

*Бахтиқаро қизингиз Райҳона...»*

Дунё йиғлаган бўлса йиғлагандир, буни ўқиб, аммо уларнинг ўзи — маҳкумалар йиғлаганмикин? Йўқ, уларнинг дийдаси тош, демоқчимасман. Балки уларнинг идроки биз «озод»у «оппоқ»ларникидан анча-мунча фарқланишини айтяпман. Биз шўрқиллаб эшитган нарсани улар кулиб сўзлаши ё аксинча, оғзимизнинг танобини қочирган нарсага уввос солишлари ҳеч гапмас. «У ёқ»дан эсон-омон чиқишган тақдирларида ҳам ичкин зиндоний зиллатдан қутулолмай ўтишади. Ташқарида эса тамға — «ўтириб чиққан».

Буларни қай бир китобми-кинога таассубан валдирамаяпман. Шундай бир шўрпешона соҳибаси оламида керагидан кўпроқ яшадим. Гоҳ жинкўчалар-

га бўлиниб, кишини тентиратадиган, гоҳ жанггоҳга айланиб, ҳар ёққа маҳобат соладиган бу оламда ўтган ҳар куннинг ўзи китобу кино бўлгулик. Қани унга қунт, қавл?.. Борича ёзиш тусовида бир-бир хотирлайман ўша кунларни, қайтадан «яшайман»...

## «Karvon» кампирнинг мушуклари

Мени бу: сиртдан кўримсиз, узоқ яшаб бўлмайдиган даражада нотинч туюлувчи, шароитлари шаҳар номига исноддек аҳволдаги бошпанага илк дафъа Акбар деган дўстим, 2011 йил июлининг ўрталарида бошлаб борганди. Дўстим талабалик отлиғ зангламас даврдан эндигина қутулган, мен эса абитуриентлигимнинг аччиқ ичакдай чўзилган беш йиллигидан қутулиб, эндигина талаба бўлиш арафасида эдим.

Тушга довур «Талабалар шаҳарчаси»ни кеза-кеза қўнимгоҳ топмадик. Шунда дўстим: «...Қорақамишда битта жойни биламан. Курсдошларим турган эди. Бир-икки марта борганман. Ҳовли. Квартирант кўпиди лекин. Борайлик-чи, хай. Каникул-ку ҳозир», деб қолди. Илож қанча? Иссиқда, тўрва-халта кўтариб юриш ҳам жонга текканди. Дўстимга «дум бўлиб» боравердим. Юришдан армон қолмади аммо: чорраҳалар, бурилишлар, кесиб ўтишлар, йўлаклар, ора кўчалар... Берк бир кўча адоғида тўхтадик. Иккита дарвозача турарди. Бири темир, бири ёғоч-

дан. Ёғочининг қўнғироғини босди дўстим. Сунъий булбул «чах-чах»и ке-етди, ичкарига. Лайча аккилла-ди. Кетидан эркакшода товуш келди: «...пашол!»

Эшик очилди: калта ҳам сийрак сочлари хино-га бўёғлиқ, юз-кўзларига ажинлар аёвсиз чанг сол-ган, қўлида тутаб турган сигарет, оёқлари остида оқ, қора, сариқ, кулранг ўнтача мушук ва битта пахмоқ, қоп-қора, жингалак жунлари орасида тугмадек кўз-лари зўрға кўринадиган пудел кучукча, эллик беш-олтмиш ёшлардаги кампиршо қойим бўлди бўсағада.

— ...ва-ай, Акба-ар, санмисан! Ваалейкум асса-лом... Ҳи-и... Келийла(р). Қўрқмий кируврийла(р), тишламийди кучувим. Ҳидлаб қўяди, просто... Па-шол, Шаҳло, иди на место!..

Кирдиму... етти йил қолиб кетдим, ўша ёғоч дар-возача ортида. Кираётганимда, ҳайтовур, кимдир бў-лиш иштиёқида ёнардим, менга ишонишарди ва мен ҳам ишонардим кў-ўп нарсаларга. Чиқаётганимда, айтарли ҳеч ким эдим. Тўғри, қайдадир чанг босиб ётган эса-да, университет дипломим, ҳовучгина бўл-саям газит-журналда ишлаб орттирган тажрибаю танишларим, беш-ўнта мақолабитиш нимарсаларим ҳамда ўқисам-ўқимасам, опташланган китобларим бор эди. Барибир ўзимни кераксиз ва ҳар кимса ба-лодай эплаб юрган яшашни ҳам эплолмаётган нуса, ҳис қилардим. Кўзлардаги умид ўрнини хафсала-сизлик, юзлардаги табассум ўрнини эснoқлар эгал-лаганди. Вазият таққосларда янаям ойдинлашади.

Инчинун, мени бошлаб борган, бирга-бирга кирган ўша дўстим — катта бир ташкилотнинг ишончли ишчиси, беш яшар полвончанинг отаси бўлиб улгурганди чиқаётганимда. Ҳа, тенг-тўшларим нима қилса қилишган, ишқилиб, «ёғоч дарвоза»ни ёриб чиқиб кета олишган, эвазига эл-уруғ, хотин-бола-чақа, ош-на-оғайни ичра умргузаронлик қилишарди. Мен-чи: Яссавий, Кафка, Чехов, Достоевский, Мушфиқ Козимий, Саъдулла Ваннос, Камю, Шерозий, Акутагава, Навоий, Маркес, Явдат Илёсов, Ўрхон Памуқ, Чори Аваз, Тўхтамурод Рустам... сўқмоқларида телвакезик тентирдим...

Хоналар кимсасиз, ижарадорлар таътилга кетишган экан. Кираверишдаги шифти паст хоначага жойлашдим. Дўстим эртасигаёқ кетди уйига. Тўрдаги кроватда, нима қиларимни билмай серрайиб ўтирганимда тавақалари ланг очиқ дераза ташидан тамакисини бурқситиб келиб, гапга тутганди кампиршо:

— ...Ларингитий бо(р)ми?

— Билмадим... Менимча, бу йод танқислиги... Кейин камқонлигимдан...

— Ҳи-и... Барибир буқоққа ўхшийди. Бўгандаям эркагини орттирибсан: шунақа бўли-иб организмдаги бор витамин, калорияларри ўзига тортувради, еган-ичганийни юқтирмийди.

— Балким...

— Дўхтир-пўхтирга кўринганмисан? Дори, укол-пукол, дегандай?..

— Х-ха-а... Бир пайтлар борувдим. Нимаямдир дори ёзиб берганди. Ичувдим. Шу...

— Ҳм-м, ўз вохтида серёзний қарамганси(з) ла(р)-де, мана, оқибат. Туришийни қара, шунақаям озғин бўладими йигит киши?!

— Э...эндиям кечмасдир?..

— Ну, да. Вохтинг бемалол бўган бирор кунни этсанг, биргалашиб бир табибникига ўтиб келамиза. А так, энди нормалний қаратмасанг бўмийди. Опасний нарса бу, нафасийни сиқиб-сиқи-иб боради-де, юракка битта пресс беради — всё! Понел?

— Иҳм, бўпти, бирор кун ўтиб келармиз... хола...

— Какой «хола», ҳамма қатори «Гуля опа» дейвур. Шуниси удобний...

Ўтиб келмадик табибга. «Табиб»нинг ўзи келиб ўтганди. 2013 йилнинг сентябрида, учинчи курсни э-энди бошлаган кезларим. Кундуз тўртларда келиб эди. Гуля опанинг гулдираб чақирганига чиқиб борсам... Шерқўзи Ғозиев турибди кўчада.

— ...Қани, қўлингни бер-чи? Ҳм... Буйрагингда бироз туз йиғилган, сахаринг жойида... Оғзингни оч-чи, тилингни чиқар, яна... Хў-ўш, бўлди. Томоғингни даволаса бўлади, бир-бир ярим ойча вақт кетади... Томир уришингни кўрай-чи... Ҳм-м... Юрагингда сиқиқлик бор экан. Ҳаммаси асабдан. Кўп ўйланасан, шекилли?..

Гуля опа гап қистирди:

— Ҳа, вой, сўраманг. Ўтган курсда фанларини ёпо(л)маганди-де, шунга ўйланвотти.

Кулгим қистади.

Таниқли «табиб» дори-гиёҳларни оғзаки айта кетди:

— Хў-ўш, энг биринчи навбатда, Чорсуга бориб, шотут шарбатидан бир литр опкеласан-да, холодилникка қўйиб қўясан... Йўқ, ичмийсан, ўзим сургидори тайёрлаб бераман, табиий, шунга керак...

«Ташхис» тугагач, озроқ валақлашдик, у ёқ-бу ёқдан: тўртта ўқишни тамомлабди — журналистика, санъат, солиқ, иқтисод.., деди адашмасам. Тиббиёт — бобомерос касби экан. Шунга йиллаб махсус курсларга қатнабди. Ҳозир қўлида Тибет тиббиёт академиясининг тасдиқномаси бормиш. Қолаверса, йигит кишига етмиш ҳунар ҳам озмиш.

Тим қора уловига ястаниб ўтираркан, нима бўлгандаям даволанишим кераклигини, айниқса, соҳам шунга — асабга боғлиқлигини, яъни нимадир ёзиб-чизган одам, албатта, ўйланиб-сиқилишини уқтирди. Касбдош ҳам «адаш» эканмиз-да, деб алқаган бўлди. Эрталаб саккизларга уйига ўтишим мумкинлигини айта-айта кетди.

Эртасига ҳам, индинига ҳам... бормагандим ҳеч ёққа. Аввало, «сургидори»га эҳтиёж сезмаётгандим, кейин... кеч ётардик жуда. Кундалик «саҳна кўриниши» — ичкиликбозлик томошалари сабаб. Шундай. Кампиршомиз ичишниям «қойиллатарди». Ун-

2012 йил, май якшанбаларидан бирининг субҳида таниш, тўнгиллаган чақириқдан кўз очдим:

— ...Шербат, турсанг-чи, борамизми ё... ухлийсанми? — деразадан қараб турарди.

— А?.. Ҳа, борамиз-борамиз! Мана, ҳо-озир, чиқяпман.

— Эй, Шербат, биб... бўлса агар... минг сўм овол-гин, ўрто(қ), керак эди-де... Опчиқасанми?

— Шу сафар йўғиди-да, Нағим ака, бўлгандайди...

— Йўқми-а?.. Ҳа, бўпти. Тезро(қ) чиққин, ҳаво исиб кетмасдан успет қилишимиз керак. Сан чиқувир, ман пахтани жойлаб тураман...

Анчадан бери менга, яқин бир жойда «водопад» (шаршара) бор, бирор кун кўрсатаман, деб келарди. Аравачани судрашиб, Қорақамишнинг гадойтопмас бир кўчасига бордик. Оқми-кўк, темир қопқадан соч-соқоли ўсиқ эскифуруш пешвоз чиқди:

— ...о-о, Нагим, как дело?

— Нормальний, Марат, а как ты?

— Неплоха...

Пахтани ўлчашди. Уч килоча тош босди. Ҳисоб-китоблари битгач, аравачани елдириб, изимизга қайтдик.

«Шаршара»ни кўриб, елкам тиришди бошда: канал кўпригининг тагидан сув вулқондай сачраб чиқаркан — шу. Қирғоғида чала битган иморат «скелет»и, деворларида уятсиз ёзув-чизувлар, теварак тўла чиқинди... Барибир, табиатдан — яшиллик ва

ёйилиб оқаётган сувнинг яхдай тафтидан тан яйрарди. Йўл ёқасидаги бетонга чўкдик. Нағим ака виносидан ҳўплаб-ҳўплаб қўяр, устма-уст сигарет сўрарди. Пастда анҳор, тепада қушлар.

— ...зўр-а, Шербат?

— Зўр!..

Бўш қоринга қўш шишани юмалатган Нағим аканинг ўзи ҳам юмалаб қолди тупроққа. Суяб-судрагаким сари янаям сулаярди. «Сис...сан б-б-борувир... Гиг...Гулшадга э...этмагин...», дедию тилдан ҳам қолди. Гулшад — Гуля опа исмининг асли. Нағим акагина тўлиқ, бузмай-нетмай айтарди.

Кўзойнакли бир ўткинчи тўхтаб, ўрисчасига эринмай насиҳат қилдию ёрдам қилмади. Иложсиз Гуля опага бонг урдим. Снаряддай учиб келган бекамиз пишқириб сўради:

— ...Қани?

— Ана, дарахтти тагида...

Бориб ёқасига ёпишди:

— Нимага ичдинг, чучела, нимага ич-ди-инг?! — афтига мушт қўйди. Ўнг яноғида қон йилтиради Нағим аканинг. «Ялт» этиб менга қаради бир нафас: «...айтма дегандим-ку!» Энди тилга кираётганди ҳамки, навбатдаги муштдан узала тушди. Кўйлагининг ён чўнтагидаги чақа-тангасидан ҳам айрилди.

— ...ётувир, бўқингга ботиб! Юр, Шербе(к)!

— Опкетмаймизми?..

— Ўлмийди. Ётиб-ётиб, боради ўзи...

Шундай ётиб қолган бир тунида оёғини олдирган, дейишарди. Қиш қаҳратонида ағнагану «ўчиб қолган». Ариқда муз қотган ўнг оёқ бармоқларини кесишган экан — қорасон.

Ҳаётдан аламзада, бедаво бир одамсуймасдек таассурот қолдирса-да, хорикулодда одамохунлиги йўқ эмасди. Уч йиллик улфатлигим хулосалари бу. Беҳаё латифалар, «шеър»лар тўқирди. Энг яхши кўрган мавзулари: тансиқ таомлар, сархил ичимликлар ва бузуқ хотинлар эди. Шуларни гапираётганда жўшиб кетар, оғзининг суви қочарди. Бироқ баъзида бир гапларни гапирардики...

— Нағим ака, қайтадан яшасангиз нима қилардингиз ёки нима қилмасдингиз? — деб сўраганимда, кутганимдан «километр» узоқдаги жавобни олгандим.

— Насибани таш(л)аб кетмасдим!

— Ким у?

— Биттаси-да... Ёқарди. Бошқачийди. Ман учун ҳамма нарсага тайёриди.

— Нима учун ташлаб кетгандингиз унда?

— Дураклик... Кўчада, остановкада таш(л)аб қочгандим. Росса йиғлаганди, қатга кетвосса-ан, деб. Трамвай келгандан, бўпти-бўпти дедиму алдаб-суддаб, шарт қочворгандим. Трамвайни орқасидан қара-аб қолганди...

Гуля опа билан даҳанаки жанглари дўппослашишгача етган кунларда ўкириб-ўкириб йиғларди:

— ...ё, Худо-о, бўлди энди, жонимни ол, илтимос, ол жонимни-и-иҳи-и-ҳи-и!..

«Ҳар кун уйғонарканман, биринчи қилган ишим ўзимни сўкиш бўлади — яна тирикманми-а, нимага, деб», дерди умрининг охирларида. Тоза ҳаво, офтобга чиқмас, саккиз ойдан бери ювинмаганди. Сув ҳам ичмай қўйган сўнгги кунларида кирдим хонасига. Кўзлари киртайиб, бурни суррайган, ҳансираб-ҳансираб нафас оларди. Рангли телевизорчаси доимгидай рус каналини кўрсатарди. Диванига ёндош креслога ўтирдим. Чираниб-амаллаб сўзлай кетди:

— ...Шер, иссув кийиниб юр... Қиш... қаттув келадиганга ўхшийди... Ман... уҳ-ҳ... у кунларри кўро(л)мийман... Аданг билан ойингни айтганларини қи(л)гин... Қўлингга қанча беришса... хиҳ... хурсанд бўлиб кетовур... Бошингдан телпагийни ечма... Ўзийни асра...

2013-йилнинг 23-октябрида, пайшанба кечқурун — 58 ёшда доди Худога етди.

Ўткир билан дўконга чиқиб кетгандик, келсак, хонасида чироқлар чарақлаяпти (ёқмасди чироқларини — телевизор ёруғида «яшарди»), дераза-эшиклари ланг очиқ, ҳаммада ҳадик ва... хотиржамлик — енгиллик. Квартирантлар унинг деразаси яқинида уймалашар, оққа ёпиниб, жаги танғиқ ётган жасадга қараб қўйишарди. Гуля опа бесаранжом ўтиб-қайтар, ўксаси тўлган, даҳани дир-дир титрарди.

Жума куни тупроққа топширдик. Мачитга элтдик аввал. Жаноза намозига бутун жамоат қойим турди. Тобут одамлар елкасида оқди сўнг. Осмон очиқ, тупроқ майин эди...

Қиссаи кўтоҳ, жонидан тўйганлар топилардию жонига қасд... Тўхта-тўхта, Дурдон-чи?! Ҳа, чиқиб кетганди. Ҳа, ўз уйида... Лекин бу ўзимизни «оҳаклаш»га кифоямикин?..

2015 йил, 24 август. Намозшомда Гуля опа гуриллаб қолди:

— ...Шербе(к)? Ҳой, Шербе(к)? Шербе-е(к)?..

— Нима?

— Бияққа ке(л)гин?

— Ҳозир...

«Тинчлимикан, бунча... Квартплатани тўлагандим-ку, сентябргача олди-бердимиз йўқ бўлса бошқа? Пива-мивага юбормоқчидир-да?..» янглиғ ўйларда чиқиб, даҳлиздаёқ сўраб қўя қолдим:

— ...ҳа, Гуля опа?

— Дурдона боридию, жиззахлик? — хобгоҳининг зинасига ўтираркан, сигарет ёқди. — Ўша ўзини осиб қўйибди...

— Қиқ... қачон?

— Ҳайитдан бир кун аввал.

— Қайси, шу йилги, рўза чиқишидагими?

— Ҳи-и, манши рўза чиқишидаги, чин арафа кунида осипти ўзини.

— Нима бўлганакан? — эшик тутқичига тирмашиб борардим.

— Қаттан билий... Табака тарафларга ўтувдим, қизла(р) этиб қолишди: Хадичани олдига ке(л)ганакан, сени яхши кўраман, кел, бир пас гаплашиб ўтирайли-ик, депти. Гаплашибди-гаплашибди, қайтибди и бу кунисига...

— Ўзи кечирсин! — дея хонамга қайрилдим.

Иккинчи курсдан учинчи курсга ўтар ёзда, ўқиш бошланишидан бир ойча бурун кеволгандим Тошкентга. Хўжайкамиз квартирантман деганини қалаштириб қўйган, хоналар ёппасига банд, биттасида — бурчакдаги энг катта хонада тўрт-бешта официант қизлар туришарди. Ашқол-дашқолим «хосхонамиз»да, ўзим эса ҳовлидаги чорпояни макон тутгандим.

Қизлар кун бошидан, саккизларда ишга кетишар, шу кетганча, ҳув, тунги ўн иккиларда бурунлари ерга теккудайгина бўп қайтишарди. Сув иситишарди, кирларини ювишарди, ювиниб-тараниб, алла-паллада хоналарининг чироғи ўчар, бироз ғужурлашгач, ухлаб қолишарди: Хадича, Малика, Соҳиба, Дурдона...

Дурдона ол яноқли, дуркунгина қиз... эди. Юзиям, кўзиям кулиб турар, истарали... эди.

Қуёш кўтарилган сайин чорпояда туриб бўлмай қолар, ёқса-ёқмаса, тушиб кетишга мажбур бўлардим. Кўрпа-тўшагимни сарištаларканман, Дурдона,

чорпоя панжаларига суянганча, юз-кўзларида гардсиз жилмайиш-ла кузатарди:

— ...ҳорманг энди, қалай, калла пишдими? — сўрарди туриб-туриб.

Битта бўсаға, битта зиналар, битта даҳлиздан кириб-чиқардик: ўнгда уларнинг, сўлда бизнинг хона эди. Дам олиш кезлари хонамизни супуриб-сидираётсак, уқувсизлигимизданми безовталаниб, келарди жадал:

— ...беринг-ей, ўзим супураман!

Остонада рўбарў кеп қолардик кўпинча. Қўлимдаги китобга қараб қўярди:

— ...китоб?

— Китоб...

Куз келиб, хоналарнинг асл-азалий турарманлари — талабалар қайтгач, Гуля опа қизларни бошпана топиб бериб, чиқариб юборди. Бошқа кўришмадик. Эшитардик фақат узунқулоқ гапларни: унаштирилганини, фотиҳаси бузилганини (хўжайкамиз иштироклари ила — бўлажак куёв боланинг қондошлари «ғирт афирист» ва уларга шундай қиз «жалко» эмиш), Жиззахнинг ўзидаги тиббиёт коллежига ўқишга кирганини, иккинчи бора унаштирилганини, унисиям бекор бўлганини (йигит бўлмиш унинг «фотиҳаси қайтган»ларданлигини билиб, айнибди)...

— ...анақа, Фарру-ух? Дурдона қизим бориди-ку...

— Эшитдим: ўлипти, осипти ўзини... Неччи марта айтасиз, мама, бўлди-да энди!

— Ҳей, онангни эшак...

Гуля опа икки соатда бу шумхабарни ўнтача одамга ёйиб-ўқловлади. Баҳонада яхшигина ичволди. Тавба, қичаб айтилаверса, шумхабарнинг ҳам шумлиги қолмаскан...

— ...Шербе(к)? Шербе-е(к)?.. Бахкегин, — зинасида чўнқайиб, яна мени чорлашга тушди Гуля опа.

— Уф-ф, бошланди! Бо-ошланди! — ошхонадан овоз келди (катта ўғли);

— Кериймас, мам, бўлди, дамиззи олинг, илтимос?! — раҳматли Нағим аканинг хонасидан уйқисироқ овоз келди (кичик «ўғли»);

— ...Ке(л), Шербе(к), ўтиргин ёнимга. Мана, манбитга... Ке(л), ўтирувир, ҳи-и... Вай-й, Шербе(к), ҳеч ўзимми успокоит қиломиёмман. Қандоқ қизидия! Кириб-чиқиб юрарди, ёнимга ўтириб, гаплашарди ман билан... Яхшигина юрганака-ан, Хадичани олдига борипти, икки соатча гапиришипти, хамирли овқат тайёрлаб ейишипти... Уйига борибдию қўйхонага кириб... Вай, жинни-и-и, вай, ҳа-а-аҳ, тчи-тчи-тчи! — карахтланиб сигарет солди оғзига. Хонтахтада ётган иккала ёққичдаям ёқолмади. Сўкинганча тимирскиланиб, гугурт қутисини пашалади. Учинчи ёққични олиб ёқдим:

— ...фуф-ф-ф, тутунини ҳидлашши яхши кўрарди сигаретимми. Чакиб ўтирсам, кеволиб ҳидлуврарди. Биламан, Дурдон, чакиб турасан, ма, торт деб берардим. Ютоқиб-ютоқиб тортарди.

— Чекканини кўрмаган эканман...

— Во-ой, ичибам турарди. Пиво только. Ҳеч ким йўғида бир-икки қултум кўтариб-кўтариб юборарди. Гов (гоҳ) маҳаллари-чи, клиентла(р)дан қолган сигаретларри кўтариб келарди, мана, Гуля-па-а, деб. Ваай, шундай қиз-а, шундай!..

— Ҳа, яхши қизиди... — деб қўяман. Ёмонлигини кўрмадик, ҳарқалай.

«...шафоатинг кенг қил, Аллоҳ, уни кечир? Бизни ҳам?..» дея-дея хонамга кирарканман, бўсағада таниш табассум «йилт» этди, худди:

— ...китоб?

— Китоб...

Шундай бўларкан-да ўзи, ўйлайман эндиларда: кимнидур ўзимизча кимларданми-нималардан асрамоққа уринарканмиз-у, аксинча, нобуд қилиб қўярканмиз.

Бу ўй бекамизнинг ҳам жонтомирига туташ чиқар. Гулларнинг барвақт сўлиши бу ҳовлининг бўлмаса-да, бу оиланинг номаи аъмолига тошбитикдай ўйилган. «Ўғил» деб Гуля опанинг кенжасини қўштирноққа опкелганим имло ёхуд истеҳзоданмас. Биргина тирноғи бор ўзининг (Фаррух). «Кенжа»си (Улуғбек) ва «қизи» (Малика) — опасининг болалари, аслан.

Гулчечак — сингли Гулшад (Гуля опа)нинг терси ўлароқ: нозиккина, чандон хушрўй ва «ичимдагини топ»лар хилидан бўлган экан. «Магазинчилик»ка

ўқиётиб танишгани Р.га эрга тегади («...тўққиз йил гаплашиб-гаплашиб, сўнг турмуш қуришувди»). Эрининг ҳамма «ҳунар»ига чидаб, тишини тишига босади («...опам мани тескарим эди — индамий ичига ютуврарди. Эрини неча марта ман ўзим ким-ким-ларрикидан ур-р-и-иб-уриб опке(л)ганман»). Сабр-нинг таги қабр ҳам бўп тураркан, ошиб кетса. Учинчи фарзандини туққанининг 28-кунида эрини жазмани билан «жавлон ураётгани» устидан чиқади. Ин-ндамай қайтади уйига. Кела солиб ошпичоқни олади-ю («...чопа-чопа болницага обборсак, уже кеч бў(л)ганакан, пичоқ тиғи юрагига қирқ миллиметр ботганакан, тирий қолармиди... Ҳи-и, ўзи нозий бўсиям севгиси кучли эди опамми. Йигирма тўққиз ёшда кетти, шунақ(а) қилиб. Болаларини ман олдим қаровимга»)...

— ...Сигареттиям паравоздай чекасиз-ей, Гуля опа. Яна «Karvon», бучоксизидан. Ўпкангизда қасдингиз борми? — сўрадим бир куни, зинасида елкама-елка ўтирарканмиз.

— Ҳи-и-и... Ман унуто(л)мий ҳалак, санла(р) эсимга со(л)ганларий-со(л)ган...

Ўрлаётган тамаки дудига термилиб қолди. Тасаввуримдаги кинотасма ғириллашга тушди:

...73-йил, ноябр. Кеч кузлигига қарамай, ҳаво илиқ. Тошкентнинг че-екка бир ҳовлисида гўдак қийқириғи эшитилади. Унга онасининг — ўн тўққиз баҳорли навжувоннинг масрур, серзавқ кулгиси ула-

нади. Эри ишда, қайнонаси дўконда. Она-бола ўзлари. Гўдак қўл-оёқчаларини силкитиб, тоғорадаги сувни шалоплатади. Етти ою йигирма беш кунлик бу жажжи жонни онаси кунора чўмилтиради. Отаси «ачом-ачом» қилгандагина тинчирди. Исминиям отаси қўйган — Гулнора.

Биринчи фарзанд биринчи экан-да, ота-онаси уни опичлаганча, буёғи Қўқондан уёғи Бухорогача бориб келишади... Ана-а, чўмилиб бўлдик! Жигарбандини татарча-ўрисча-ўзбекча алфоз эркалата-эркалата хонага опкирган онаси артиб-суртгач, шитоб айланаётган вентелятор олдига ўтқазиб қўяди... Кечга бориб, мурғак таннинг иситмаси кўтарилади: югур-югур, педиатр, палата... Эртан ҳолгинаси оғирлашади. Индинига тонгда... фалак фаришталарининг адади биттага кўпаяди...

— ...Ҳеч қатга сиғмасдим. Худди бир нарсам юқолгандий, танамми бир аъзоси етишмаётгандий... Кўзга кўриниб қолувди-де... Олдин пачти чакмасдим, ўшандан сўнг аввалига «Prima», «Astra» чака бошладим. Магазинда қирқ тийин, кўчада: хотинла(р), коровулла(р)да ўн беш-йигирма тийинга сотишарди... Тўқсон олтинчи йилдан «Karvon»га ўтдим... Шунақа, буни оти ман учун «Karvon»мас — «Гулнора»!..

— Хўжайнингиз..?

— Хўжайнимга тўқсон учинчи йилда «у ёқ»дан (қамоқдан) хат ёзганман. Янги йил арафасида. Чиқишимга икки йил қо(л)ганди, шунга, ўзимча байрам

билан поздравт қилиб ёзувдим: «...мана, срогимам оз қолди, ҳадемай қутуламан. Кегин постаянно бирга бўламиза. Сиқилманг, жони-им», деб. Хатти ўқиб, набарот, баттар сиқилган. Янги йил куни оғайнилари билан рос-са ичволиб, уйига зў-ўрга ке(л)ган. Оналари, раҳматли қайнонам: «...ке(л), болам, қорний очиб кетгандир? Сан ўтира тур, ман ҳозир, овқат опкеламан», деб у кишини тўрга ўтқизгану кухнияга кетганла(р). Беш минутла(р)дан кегин, қўлида овқат, кириб қарасала(р), ўғли ўша ўтирганча, деворда осулиқ тўйимиз куни тушган расмимиздан кўз узмасдан, қимирламасмиш. «Болам, мана овқатинг, совуб қо(л)масдан евол», десала(р) ҳам шу аҳвол, кипригам қоқмасмиш. Елкаларидан туртсала(р), сирғали-иб тушибди. Кўзлари очу... Шу ўтиришида юрейи қисиб...

Срогим тугаб, чиқиб келдим. Кўп юрмадим, тағин қайтаришди: битта «казёл»да аламим бориди — кўприй тегида кийим-кечий сотардий-де, бир тўда хотинла(р), шўпиримиз айниди, пулли кам бервотсанла(р) манга, ундоғ-мундоғ... Ментларри етийлаб келувди кегин — тў-ўғри бориб, оч биқинига пичоқ урдим, доконца урдим... Жони қаттув экан, педараззи, тирий қолди. Ҳозир Юнусободда такси ураді. Мани кўрса, қочворади узо-о(қ)данам... Олти йилга кесишди. Вохт ўтиб кетувраркан. Орадаги узилишларри этмасак, о-общий ўн икки йил ўтирганман зонада.

Ўттаги (у ёқдаги) хотинларри ҳар биттаси бир история. Мундо-о(к) қарасанг, фарқи йў(к)дий, бир-бирлигидан, лекигин стрессга тушишса-а... Маняк хотин бориди, масалан. Карцерга тиқиб қўйишарди кўпинча. Бир кун тўпол-ло-он бўп кетти. Камерасини олди од-да-ам. Ҳалиги маняк трусигига осиб қўйипти ўзини, вейх-хех-хе-е-е... Деворда қон билан ёзилган иккита анақа... сўз: «Прости, мама!»

Ёшгина қиз бориди яна. Ўгай отаси кайфда кеп зўрламоқчи бў(л)ган. Кухнияда масаллув тўғравотганда, орқасидан келиб ёпишган. Шартта бурилиб, пичо(қ)ни тиқворган.

Чақалоғини ўлдирган аёл бориди. Споко-ойна юрарди, бировга зиёнсиз... Ёш болани овозиними, яғловотганиними эшитиб қолса-а... Шокка тушиб, шун-нақ-қа қалтирарди-и...

Шундоғам-чи, «пара»лари бориди кўп-пини. Туғилган кунларида, праздникла(р)да келишарди. Киришши иложисини қило(л)маганлари опкелган подаркаларини девордан ошириб отишарди ичкарига. Бақир-чеқи-ир билан отишарди: «На-астя!», «Ве-ера!», «Мари-ин!»...

Ҳаммасидан қутулиб қайтсам, ўғлим Фаррух коп-котта парен, уйланса бўладигон. Кўриб, вопшим ҳайрон қо(л)ганман, отасининг коп-пияси-де, как... эрим бор, ўлмагандий. Ўша юриш-туриш, ўша характер... Ўз-зи! Просто мўйлови йўқ. Отаси мўйлов-

дориди. Тағин формада юрарди. Майориди. Майор Маҳмуд Юсупип...

Уйлантиришшиям ўзи бў(л)мади ўғилларимми. Киммикига борсам, «ўтириб чиққан»лигимми этишарди. Ўзимга этишмасаям, орқамдан гап қилишарди. Шун-чунам кўп кўчганмиза, бир томондан: тўйимиз бўлган йили — етмиш биринчи йилда Янгийўл район, «Боғбон» маҳалласидаги 1-уйда яшардик. Эрим военкоматда ишларди. Беш йилдан сўнг кўчдик. «Чилонзор» метронинг о-олдидаги 5-дом, 24-квартирага. Ўша йилли апрелида иккинчи болам — Фаррух туғилувди. А, бўтга (бу ерга) — Қорақамишга 2005-йилда кўчганмиза.

Хўжайнимми ўтганига энди-энди-и кўниквомман. Вохти-вохти билан зиёрат қип келаман... Ман шу пайтгача яшаш учун, тирикчилий деб, эҳ-ҳе, нимала(р) қилмадим: овқат пишириб сотдим кўчада, уборщица бўлдим, кийим-кечей опсоттим, банкда пул «ямадим», официанкалий қилдим, уй бозорда маклерлий... Фақат-чи, ҳеч қачон, эшитвотсанми, ҳеч-ч-ч қачон ҳаромга юрмадим! Хиёнат қи(л)мадим! Зонадаям, волядаям!.. Ишонасанми шунга?!

— Ишонаман...

— Ман-на, ишонасан!.. Кў-ўпчилий ишонмийди. «Ишонаман» деб иршаяди, оғзини эшакникига ўхшатиб. Нечево, Худо олдида юзим ёруғ, главнийси.

— Давлат ишини кўрмадингизми ҳеч, Гуля опа?

— Битимга олишадими довлат ишига, мактаббиям томомламаган бўсам.

— Бормай қўйганмидингиз?

— Ҳайдашган... Олтинчи синф эдим. Чет тили дарсийди. Қурт е-еб ўтирсам, қулоғимми тегидан бир нима визиллаб ўтдию орқадаги деворга тегиб-титилиб кетти. Қарасам, ўқитувчимиз ўқрайиб турипти манга. Сиёҳдонни улоқтирдим қайтариб: «...мель отиш манбиндай бўлади!» деб. Точьно пешонасига тегиб, тит-пити чиқди сиёҳдонни. Узу-ун говда гурсиллаб ағанади полга. Шляпаси учиб кетти бошидан. Срочно директирри хонасига чақиришди. «Кечирим сўра!» дейишди. «Сўрамийман!» дедим... Ҳайдашди-де, кароччи.

— Ҳм-м... Гуля опа, ота томондан татармисиз, она томондан?

— Иккови томонданам. Просто бошқа-бошқа жойдан келишган: анийим («аний» — «она», татарчада) — Қрим, атийим (отам) — Қозон татарларидан.

— Қандай топишишган?

— Та-ак.., — кампиримиз «Karvon»ини, мен тасаввуримни ёқдим яна:

...50-йиллар. Тошкент. Чорсунинг биқинидаги «бутик» олдида одамлар турнақатор навбатда. Улкан КООПТОРГнинг кийим-солим кунжида — кейинчалик, тизиму тузумлар чархпарраги чириллаб, «Детский мир» дегич савдо уйига дўнган, вақтики, худкуш бир хотиннинг портлаши касрига қанчалаб одаму

ойналар тутдай тўкилган жойда: Уфадан келмиш, асли-насли қримли, шаҳри Шошнинг «Олчазор» (ҳозирги «Зарқайнар») кўчасида опасию акалари ила истиқоматдаги, қўл-оёғи чаққонгина, қароқларига қайғу чўккангина, орастаю оҳорли, йигирма уч баҳорли, жисми кўркам, исми Марям бир қиз ишларди. Ҳар рўз, кун ёйилгандан ёнбошлагунча, пештахта ортида, сотқилиғу оларманлар орасида савдони зичларди.

Навбат кутмишлар ичра эса: Қозондан кўч ортиб, кўзи тўқ хешларини қора тортиб келган, Зангиотада қўнақ турган, бақувват бир йигит бор эди. Оти Ноил, уст-боши жандаи соил эди. Шунинг-чун ҳам шунда бўлиб, ўша давронда «урф» ўлмиш ҳарбийча фасонда (нархиям арзон-да) кийиниш муддаосида эди.

Оралари қисқара-қисқара, юзма-юз келишди, охир: кўз кўзга, сўз сўзга... борей, юлдуз юлдузга тушди. Ўшанда бир муддат, лаҳзаларгагина сукутда термилишаркан, ўрталарида пештахта ва пешана турарди. Пештахтада-ку шинел, шим, нимчалар бор эди. Пешанада нималар бор эди?

Хў-ўш («Та-ак»): ҳадемай тўй бўлиши («...битта ястиқ, кўрпа и кўрпача билан ўтказишган тўйй-и-чи»); янги оила куёвнинг амакисиникида — «Октябрский» (ҳозирги Шайхонтоҳур)да — бир неча ой бўлиши; майда гаплар маддалайвергач, «Шопоес»да, беш сотих ер устида уй қилиши («...адамла(р), эслашимча, пожарнийда ишларди. «Солдат» бол(а)ла(р)

ни опкелардила(р), шанби-отдих. Ула(р) учун бу бир дам олишиди. Питанияга-чи зўр-зўр овқатла(р) тайёрларди, ойимла(р). Адамам винони тоз-засидан қўярдила(р)-де»); икки қизу бир ўғил ўстириб, олдин Ноил (70 ёшларда), кейин Марям (77 ёшда) ўлиши... бор эди, пешоналарида.

— ...Кис-кис-кис, ке(л), Чернеш, келовир. Ва-ай, нарвонни опқўйишиптими? Ҳо-озир қўяман-де... Ўзимми хулегани-им! — томдан тушолмай миёвлаётган қумғондек қора мушуги сари жадаллади кампиримиз. Ҳа, унинг гала мушуклари бор: катта-кичик, семиз-ориқ, зотдор-ҳашаки... Уларни «болаларим» деб папалайди. Ўзи оч қолса қоладики, мушукларини тўйдиради. Шулари учун кунора кафе-ресторанларга қатнайди — суяк-пуяк, овқат юқлари опкелгани. Паспорту пропискаси бор барининг. Участка нозирларию қоғоз «ғожир»лари қонимизга ташна қилганда, биз квартирантлар, пайровлашардик, ўзаро: «...одаммас ҳайвон бўп келиш керагакан-да, асли. Мушукларига уйланволамизми ё, прописка балосидан қутулардик!»

Ургочилари ҳар кўклам болалайди. Хумпарчалар узоқ яшамайди, аммо. Кампир ҳаммасини целлофанга соладию ҳовлининг бир бурчагига кўмиб ташлайди — тириклай кўмади: бу ерларда мушук ҳеч кимга керакмасмиш, сотса, пули сотиш-чун бориб-келишга сарфланган йўлкираниям қопламасмиш...

Мушукларидан бирининг ўзи ўлиб-пўлиб қолгудай эса «мотам ҳафталиги» эълон қилади. Йўқ, бирламчи, «дафн маросими» ўтказади, тантанали равишда. Жасадни «Махсустранс»га топширмайди. Катта йўл рошидаги гуллар остига кўмиб келади. «Мотам ҳафталиги» мобайнида бўккудай ича-ича «раҳматли»нинг хислатларидан сўзлайверади-сўзлайверади. Ора-чора «зиёрат»ниям канда қилмайди. Гандираклаб бориб, гуллар тагидаги дўнгакчани дўнқайиб ўпади. Ўтиб-қайтаётган машинаю махлуқотга бепарво арзиҳол айтади. Йиғлаб-сиқтайди...

Умуман, Гуля опа ҳамроҳлигида кўча кезиш марокли. Қадамда ҳажвияю фожия. Бамисли, бани башарни минг йилларки таниб-биладигандек, одамлар ҳам унга ўрганиб қолгандек. Кўргани-ла кўришиб-сўрашиб кетаверади, йўл-йўлакай: уловлими-пиёда, алкашми-аравакаш, бадавлатми-бедавлат... Қусиғига қоришиб ётган мастданам ҳол сўраб ўтади. Маст ҳам хурсанд жавоб қайтаради унга:

— ...Ҳи-и, Саша, оширворибсану?

— Дўппим... ҳқ-қ... ярашиптими, Гуля-па?

— Томий кетипти сани, жиннихонага оббориб ташлаш керий.

— Шусизам жиннихонадамизу...

«Беш» ташлаб, кулишадию йўлида давомлайди. Солиқхонага «қўшин тортади» — уйига келган катта коммунал қарз маънносидаги хат важҳидан. Кира

солиб, худдики ҳаммасига шу айбдордай, концеляри-яда ўтирганга ўчакиша кетади. Пировардда ҳукмини ўқийди, баралла:

— ...а так, сан бола, кўп ўтирмийсан жойингда! Тем более, бу йил, қарияларри анақ(а) қилиш йили-да!..

«Қарияларри анақ(а) қилиш йили» аллақачон ўтиб кетгани аҳамиятсиз, сиёсат уриб чиққани — ҳи-соб. Шундай юра-юра, оқшомги пивохўрликда айтиб беришга етгулик «масала» йиғгач, «сўнгги бекат»и-га — «Вино-водка» пештоқли эшикка бурилади...

Рўзи маҳшардай ваҳшат бир кун кўпчисаю тал-васада ўз жонинигина ҳовучлаб югураётганлар аро шу кампир чиқиб келиб: «...қорнинг қалай?», деса, кўпам ҳайрон бўлмасдим. Йўқ, у фаришта эмас. Рух сокинлигига эришган донишманд ҳам эмас. Етти туғиб, бир қолганим ҳаммас... У — Гуля опа! Қорақа-мишдаги даллол хотин: уй даллоли, мусофирлар дал-лоли, кўчада қолганлар даллоли, прописка сизлар — ўз ватанида ватангадолар даллоли.

...Ҳозир қишлоқдаман, ота уйимда. Тошкентдан 450 чақирим олисдаман. Аммо аминманки, ярим тун эса-да, у айни дам уйғоқ. Ошхонасида ў-ўтириб-ди: столда «Weston» қора чойи дамланган, қўлида «Karvon», телевизорчасида ўрисларнинг криминал сериали, тиззасию пойабзали узра мушуклари «хр-хр» мизғияпти...

## Хотима

...Юртни ёв босибди. Ёв шу-да: босади, осади, хўрлайди, зўрлайди, дўқ қилади, йўқ қилади... Уй-ма-уй талон-тарож ясаб юрган ёғийнинг нафс итлари ириллаб, бир эшикни тепиб киришса, чолгина турибди ғазаб-ла титраб. Унга қилич санчишгани ҳамоно уй ортидаги қирлардан чинқириқ эшитилибди. Қарашса, тўрт бўй етган қиз, йиқилиб-суриниб, ортларига қарай-қарай қочишяпти. Бундан ғанимнинг ҳирси хирсдай бўлиб, қувлай кетибди. Қизлар қоча-қоча энг баланд тоққа ўрлабди. Из-ма-из баднафслар ўрмалабди. Чўққига чиққан опасингиллар кўрсаки, ҳар тарафдан ўраб келишаётир. Кўкка қўл чўзишибди: «...ё, Тангри, қудратингни кўрсат! Шундай қилки, танимизга тирноқлари ҳам ботмасин?!»

Мутаъққиблар чиқиб кўришса: тўрт сулув — тўрт ҳарсанг ҳолида, бир-бирига жипслашиб, чўққининг «чўққиси» бўлиб қолганмиш. Илоҳ каромати ваҳмидан қўрқа-писа жуфтакни ростлашибди. Ёв-ку изига қайтибди, қизлар ўзига қайтмабди.

Неча аср, неча авлод алмашибди. Қизлар тош қўйида «буви» бўлибди. Тоғни эса — «Қизбуви», номлабди улус. Эмишки, ҳар куни, тонгги шафақ шуъалари Ерга етиб келишидан бироз аввал қизлар аслига айланади. Тоғдаги булоқ сувида ювиниб, соч-

ларини ўриб-тарашади. Қуёш нурлари келиши билан тош қотишади яна...

«...Гурс-с-с!»

— ...Ҳа-а, энача-ангди...

— Астароқ, ошна, кўзга қараб ҳайда!

— Кўз бў(л)са қарайман-да, фаралар куйган-ку...

Тунгги бирлар. Тоғ йўлида «Виллис» чайқалиб-чайқалиб боради. Ичида ўн чоғли «тиллатопар» ва битта бузуқ мотоцикл. Ёмғир савалайди – баҳор ёмғири. Яшин «ялт-юлт»ида кўраманки, қазиб ташланган забойларни оралаб, Хитой деворида кетаётгандекмиз. Турқ-турмишимизда ҳорғинликдан бошқаси билинмайди. Автоҳалокатлар, тош-тупроқ босиб қолиши, давлат қўриқчиларидан қочиш... Тирикчилик қаршисида ҳеч экан. Мана, исбот: ташқарида — ғиж-биж хатар, ичкарида — ҳазил-ҳангома. Пойинтар-сойинтар, аммо самимий гаплардан кайфиятинг кўтарилади:

— ...Амир Темурди қайси оёғи чўлоқ бў(л)ган?;

— ...кеча тарракдай қотиппиз-ей;

— ...са-ал сурил, ўтириб ол-а, Аширди энасидай;

— ...сигарет қо(л)мади, «сигара»м бор лекин, опчиқайми, «Гаванна» чаккандай бўласан;

— ...Лелин (Ленин) кўмилдими, ҳалиям шанг-райиб ётибдими ё?;

— ...бу матсикил (мотоцикл) энди одам бў(л)мийди;

— ...тирмиз (тормоз)диям босиб тур, шопи-ир!

— ...тирмиз? Нима у? Ейдиган нарсами? Бу машинда шундай матоҳам борми?

— ...ҳали тузатмадингми-йей, ҳе, калла гўшингга сени...

Кетяпмиз, шуйти-иб. Ортимизда, ҳув, зулмат бағрида: Қизбувининг қораси. Олдимизда: ўр-қирлар, ўр-қирлар пойида тош конлари, тош конлари пойида заводларга тош ташийдиган эшелонларнинг темир изи, темир из пойида экин далаларию тутқаторлар, уларнинг пойида симтўсиғу симёғочлар иҳотасидаги электровоз рельслари, унинг пойида эса — бошига отасининг телпагини бостирган, бўйнида Тошкентда талай йил чидаган ижара уй бекасидан эсдалик оқ йўлли шарф, устида чопон, оёғида маҳси-калиш, ўнг қўлида бир учи эгри таёқ, чап қўли нимчасининг чўнтагида... кимдир.

**P.S. («Пистирма сўз»):**

— ...Уҳ-ҳ, озроқ ўтирай-да, тинкам қуриди... Ҳа, ёзяпсанма?

— Ёзяпман, ая, ёзяпман.

— Мениям ёздингма?

— Йўқ...

— Ёз-да, эбий!

— Нима деб?

— Унисини ўзинг биласан-да... Кимларди ёздинг ўзи?

— Ўзингиз қулоғимга қуйиб келган бува-момоларни, хоразмлик хопиз акани, Гуля опани... Э, хуллас, дарддан дувва тўкилаёзган, лекин чидаб-кўниб-кўндириб ўтганларни, ўтаётганларни... Қунтим етганча-да.

— Ха-а... Майли, ёзибир. Менам турай, эмаса. Донини бермасам, анов товуқларинг бир-бирини жеб қўяди... Вах-е-ей, мениям қуруқ расмим қопти, ҳамма жойим зирқирайди. Суякларимам қоп-қора бўп кетгандир, бу оврув (оғриқ)лардан. Би-ир замонлар кеп, олимлар, қорайиб жотқан (ётган) суякларди топади: «...эбий-а-ай, манов одам жониб (ёниб) кетганакан!», дейди ўзларича. Билишмайдики, менинг суякларим бўлади улар... Ёзувчилар ёза кетади: «Қора суяк»лар драммаси... Ҳа, сенга кулиш бў(л)са-да-а?..

Ўзи ҳам кула-кула чиқиб кетаётган аямга қараб қоламан: «драмма» нималигини билармикан? Мен, масалан, билмайман. «Комедия»сини биларман — ҳамма кулади, «трагедия»сини биларман — ҳамма ўлади. «Драмма»си нима бўлди?.. «Қисса», деб ёза кетса-чи, ёзувчилар — «Қора суяк»лар қиссаси... Буниси билгичларга тан. Бизнинг билдигимиз шугина, ҳозирча. Янаям Ўзи билгувчироқ.

# ЭССЕЛАР

## Оғиш бурчаги

*...Менда виждон йўқ, асаблар бор, холос.*
**Рюноскэ Акутагава**

Хотира:

Мактаб. Олтинчими-еттинчи синф. Алгебра дарси. Ҳамманинг дами ичига тушган. Сўзлар тил учида, кўзлар синфхона ўртасида қаққаймиш қотма, рангпар болапақиру унинг қаршисида тобора тажанглашаётган «раҳбар»да. «Раҳбар» деганимиз — Синф раҳбари: «Шомуродип домилла». «Биринчи муаллим» кетдию «Синф раҳбари» келди. Математика ҳам улғайганакан — Алгебра бўлди...

Шундай қилиб, дарс... йўқ, дарз кетаётганди нимагадир. Он сайин «раҳбар» тутақади, болапақир ютақади. Теграсига олазарак аланглайди. Худдики саволнинг жавоби синфхонада сочилиб ётибдию, йиғиб-терса бўлдидай. Савол нимайди ўзи:

«...Яна бир марта, ўзбекчалаб сўрайман. Сонди (!) иккинчи (!) даражаси (!) квадрат (!), хўш, учинчи даражаси (?)...».

Болапақир боз ютинди. Сўлагига қўшиб жавобни-да, ютиб юборди, чоғи, томоқ қирди. Буни ҳар

ким ўзича тушунди. Сукунат лахта қотди. Айниқса, «раҳбар»нинг сукути ... Йўқ, энди нимадир дейиш шарт! Майли, нотўғри бўлсаям... Нимадир дейиш ша-артт... Қани...

***

**Тирикчилик:**

— Танаффус, у-ув, уйғон!

**Тириклик:**

— Ухламаяпман. Хаёлим қочибди...

**Тирикчилик:**

— Шу «қочоқ» хаёлларинг бир кун бошингни ейди.

**Тириклик:**

— Ўзини ўзи еркан-да?

**Тирикчилик:**

— Нима деганинг у?

**Тириклик:**

— Бу бошда хаёлдан бошқаси йўқ, деганим. Тўғрироғи, хомхаёлдан.

**Тирикчилик:**

— Пишиб қолгандир? Яшаётганингга яраша.

**Тириклик:**

— «... Наҳотки, мен яшаётган бўлсам?»

**Тирикчилик:**

— Нодир-ноёб жумлалар жимжимасига ўчлигинг қачон қолади-а?

**Тириклик:**

— Нодир... мас, Нодар — Нодар Думбадзе. «Абадият қонуни»да шундай ёзган. «Манучар» деган мараз тилидан.

**Тирикчилик:**

— Маразмисан?

**Тириклик:**

— «Соғ» бўлганимда, бошқача ўтармиди кунларим... Ҳаммага ўхшаб, дейман-да.

**Тирикчилик:**

— Қандай?

**Тириклик:**

— Шундай. Фаол, намунали, ошиғи олчи, топармон-тутармон...

**Тирикчилик:**

— Ҳасадми, бу ҳавас?

**Тириклик:**

— Ҳайрат... Ҳамма деганни деб, ҳамма еганни еб юриш қўлимдан-ку балонинг ўқидай келади, аммо...

**Тирикчилик:**

— Виждондан ваъз айтмаган сен қолувдинг ўзи...

**Тириклик:**

— Виждон... Нима у: «...сувми, шўрвами, адёлми?» Мендақаларнинг луғати учун «виждон» — санскритча сўз. Исботини кўрасан ҳали...

**Тирикчилик:**

— Яхши-яхши... Финалга ниманг бор?

**Тириклик:**

— Сени бир кулдирай. Ҳеч нима...

**Тирикчилик:**

— Сабаб?

**Тириклик:**

— Нимани ёзишни билолмай қолдим. Шу.

**Тирикчилик:**

— Туре-е! Шуям «сабаб»ми? Мавзу-муаммо бижғиб ётибди-ку, қадамда қоқиласан.

**Тириклик:**

— Шуни айт. Лекин... ишонч чатоқроқ-да.

**Тирикчилик:**

— Нимасига ишонмайсан?

**Тириклик:**

— Нимадир ўнгланишига. Матбуотни ол: ёзасан, ёзғирасан, дод солиб қоровул чақирасан... Ким ўқийди? Мажбурий обуначиларми? Пистафуруш, сомсапаз, носкашларми ё? Ошиб борса, уч-тўрт-та зиёлисиёқлар, эллик марта эснаб-эснаб кўз югуртиради. Ёқиб тушсаям, нима дейишлари аён: «...тузув-тузув, манби жойларини бироз ишлаш кере, атак, ўсиш бор болада... Уп-пҳҳ, чёрт, ошши кўп еворипан...»

**Тирикчилик:**

— Эҳ-ҳее... Оролингдан чиқ, Жумавой, кема келгани қачониди?

**Тириклик:**

— Нуҳ кемасими? Бориб сўра-чи, жуфти йўқ махлуқни ҳам олишармикан?

**Тирикчилик:**

— Одам бўмайсан!

**Тириклик:**

— Албатта, ахир олдимда сен турибсан. Одамзод сенга йўлиққунча яхлит бўлади, кейин... майда бир мавжудотга айланиб қолади.

**Тирикчилик:**

— Ҳай-ҳай-ҳай, сенга гап бўлса... Ие, ҳа, тусинг ўзгарди?

**Тириклик:**

— ...эски бир ярамни эсимга солдинг. Биттаси айтганди қачонлардир: «...сиззи гапда енгиб бўмиди!» Ахмоқлигим далили ўлароқ, илжайгандим ўшанда. Ҳалигача ундай... ширин ҳақорат эшитмадим.

**Тирикчилик:**

— Балки йиғлаб берарсан?

**Тириклик:**

— ...Нима деятувдинг? Ҳа, финал... Кенгаш бер-чи, хўп, бозор кўргансан, ҳайтовур?

**Тирикчилик:**

— Бозорбопи керакми? Им-м... Во... Раҳбарни мақта! Ишларини алқа...

**Тириклик:**

— Кўпга қўшилиб кучаниш ўз йўлига. Улгурарман. Кейин... нима учун айнан? Ортиқча оҳанжама-

ни йиғиштириб, гапнинг гарткамига ўтсам, мен учун аҳвол ўша-ўша ҳалиям...

**Тирикчилик:**

— Нима «ҳалиям?»

**Тириклик:**

— Ҳалиям хоҳлаганимни ёзиб, ҳохламаганимни ёзмаяпман. Ҳалиям тусаганимни ўқиб, тусамаганимни ўқимаяпман... Хўш, китобларми? Уларнинг нархи ҳалиям ўша-ўша. Лекин, рости, бундан кўпам куюнмаганман: кутубхона бор, китобхўр таниш-билишлар дегандай... Ойликми? Ҳалиям ижара пули, йўлкира, қорин, телефон... ўртасида «улоқ» бўп кетяпти. Прописками? Чин, ишхоналарда ижикилашмаяпти.., деб оғиз тў-ўлдириб айтгим келяптию, вилоятлардаги кепатани кўриб, тилимни тишлаб қоляпман. Тошкент ҳам жуда-а «Сусамбил»га айланиб қолгани йўқ. Махсус суриштирув шартмас, иссиқ жоннинг иситмаси қўзиб, бирорта давлат клиникасига кир, кўрасан «ислоҳот»ни. Тиши оғриб кирган, тўшини ушлаб чиқади...

Бош ролда Дензил Вашингтон ўйнаган «Ота меҳри» киносида, юрак операциясининг ўта қиммат-лигидан, жон талвасасида ётган ўғлини асраб қолиш-чун чорасиз ота... бутун округ шифохонасини гаровга олади. Ўша ерда анчадан бери «енг ичидаги» кирдикорлардан бохабар юрган, ёш бир амалиётчи

кутилмаганда «портлаб», шундай дейди: «...Эҳтимол, бешинчи қаватда адолат ҳукм сураётгандир, аммо бу ерда...». Шу гапни са-ал ўзгартириб айтмоқчиман: эҳтимол, пойтахтда, айрим ташкилотларда адолат ҳукм сураётгандир, аммо бошқа жойларда, айниқса, вилоятларда...

**Тирикчилик:**

— ...Ўпкангни бос, «Бу ер сенга Монако эмас, ошна, бу ер Боғдод!» Мен ҳам бир кинони эсладим ва эслатдим: «13 ҳудуд». Французларники. Кўрганмисан... Ҳазил! Хў-ўп, нима, ҳеч нарса ўзгармадими, сенингча?

**Тириклик:**

— Ундай демадим, кўпиртирма! Ўзгаришига лафз очилган, бироқ ҳалиям муз ҳолича ётган оғриқлардан жаг урдим. «Яхшилик мақтовга муҳтожмас, аммо ёмонлик қораланиши шарт!» (Карим Баҳриев). Ҳа, ёмонни ёмон дейиш керак, фақат ўзига, юзига дейиш керак, ортидан сасимай! Умумий ўзгаришларга, ўнгланишларга келсак, нимаям дердим, бажарилиши шарт бўлган ишларни бажариши шарт бўлган одам бажаряпти. Вассалом! Нимасига мақтов-алқов? Манзилимизга эсон-омон элтиб қўяётгани учун ҳайдовчига ҳамду сано ўқимаймиз-ку? Йўл ҳаққини берамиз, кетаверамиз. Бунда «йўл ҳаққи» — фуқаролик бурчларимиз...

**Тирикчилик:**

— Унда... олдингисининг гўрига ғишт қала. Аҳли қаламнинг «қийқирик мода»си-ку ҳозир.

**Тириклик:**

— Қўрқаман.

**Тирикчилик:**

— «Худсовет»данми?

**Тириклик:**

— Худодан!

**Тирикчилик:**

— Уф-ф...

**Тириклик:**

— Йўқ, сен «...берди»синиям эшит-да энди. Ўша, гўрига ғишт қалаб юрганлардан озми-кўпми хабарим бор. Кечагина, отаси ўлгандай, марсия ёзишганди. Ундан олдин, тиригида, мадҳиялар ёзишарди. Бугун эса... Тонгда мадҳия, шомда марсия. Шундайми? «Аҳли қалам»мас, аҳли аламга хос «ҳунар» бу. Сигири қисир чиқса ҳам айб сигиримдамас, фалончининг ҳўкизида-а, деб жар солишни қойиллатади улар...

**Тирикчилик:**

— Маддоҳлик, деяпсан. Шуни «руҳий рағбат» дейиш ўринлироқдир, балки, «далда»ми ё?

**Тириклик:**

— Сендан яхши муҳаррир чиқаркан... Исмини эслолмадим, ишқилиб, қайсиямдир саркарданинг ҳайкали остига шундай сўзлар ўйилган экан: «Товонингни яламоқчи бўлаётганни эзғилаб ташла!» А, биз-чи? Товонни ялашу ялатишга иштаҳамиз карнайлиги касрига товон тўлаймиз доим.

**Тирикчилик:**

— Демоқчисанки, ҳамма бало ...

**Тириклик:**

— ...ўзимиздан ўсиб чиқади: ўзимиз овоз берамиз, ўзимиз кўтарамиз, ўзимиз мақтаймиз, ўзимиз бузамиз, ўзимиз ёмон қаритамиз, ўзимиз кўмиб келамиз, ўзимиз йиғлаймиз, ўзимиз зиёратига борамиз, ўзимиз «номини абадийлаштириш» чора-таклифларини ташлаймиз ва ўзимиз... ғийбатини ғовлатамиз. Янгиси сайланди ахир энди навбат унга! Азиз Несиннинг мақтову хушомадлардан эси оғиб қолган арбоб, аниқроғи, мақтову хушомадлари билан ҳар қандай арбобнинг эсини оғдирувчи омма ҳақидаги ҳикояси калламда кўп айланяпти охирги пайтлар.

**Тирикчилик:**

— Китоб ҳақида гапиргандай бўлдинг боя. Шуни ёзсанг-чи: китобхонликнинг фойдаси, мутолаа гашти... Сен тенгилар «Spark»ка даъвогар.

**Тириклик:**

— Бу мавзуда икки оғиз айтарим бор: то қўлимизда китоб борлигидан қисиниб-чимтиниб-уялиб юрарканмиз, то китоб варақлаб ўтирган жойимиздан тўрттаси туриб кетаверар экан, то «кино»ю «клип»ларимизда китоб қўлтиқлаб, кўзойнак тақкан-лар — «лох», «ботаник»... сифатида кўрсатиб-кулинаркан, то китоб дўконларимизда китоббехабарлар сотувчилик қилар экан, то олигархлар — «аллома» саналаркан ва то хўжакўрсинга китобхонлик «тарғибот»лари олиб борилар экан... бугунги жамиятимизда китоб мутолаасининг аҳволи ўнгланмайди, ўнгланмайди, ўнгланмайди!

**Тирикчилик:**

— Тошиб кетди-е, ошишам гапми... Шу-унча фестиваллар, ярмаркалар, шоулар... озмунча одамнинг бошини китобга эгмагандир?

**Тириклик:**

— Унсини билмадим. Китобхонлик бобида саноққа урғу бериш, фикримча, қандай ҳаводан нафас олишмас, неча марта нафас олиш муҳим, қабилидаги гапдай... «Китоб савдосининг, умуман, китоб тарғиботининг тепасида турган одам камида Баҳри Ғуломовадай бўлиши керак!», деганакан раҳматли профессоримиз Азиз Қаюмов.

**Тирикчилик:**

— Қаерда ўқий қолдинг?

**Тириклик:**

— Курсдош жўраларимдан бири у кишининг вафотларидан бир неча ой олдин, топшириқ юзасидан хонадонларига ўтганди. Суҳбатларини олибди. Баҳри Ғуломовага қизиқиб, телевидение кутубхонасига кирибди. Бир қучоқ китобу китобчалар кўтариб келганди. Эртаси тушгача қопкетдим. Ўшаларни варақлаб-да... Ў-ў, йигирма йилдан зиёд китоб олди-сотдиси билан шуғулланган бўлса, ҳа-ар келган янги китобни аввал ўзи ўқиб, кейин растага чиқариш одатини ҳеч қўймаган экан... Олтмиш олтинчи йилдаги Тошкент зилзиласида ерпарчин ётган мингта китобни, вайроналар остидан ковлаб оларкан, боласини ковлаб олаётгандай эзилиб йиғлаганакан. Буни кўриб-кузатиб турган акаси — Ғофур Ғуломнинг ҳам ўпкаси тўлиб кетган экан... Ҳозиргилар-чи?

**Тирикчилик:**

— ...оқ байроқ! Бошқа «вагон»га ҳатлаймиз. Кейинги бекат, Худо хоҳласа... Айтганча, диндан доклад қилсанг-чи? Ҳа, нима, не-ечтаси минг йиллик мулладай «амру маъруф» қиляпти-ку. Асос эса бор: муқаддас ой, муқаддас амаллар, мақаддас сўзлар ...

**Тириклик:**

— Икки қароқчи бир дайдини ўрмонда сўйишибди. Тўрвасини титкилашса, озроқ қоқ гўшту шароб чиқибди. Қароқчилардан бирининг иштаҳаси очилиб, «ўлжа»га ташланган ҳам эканки, иккинчиси «тарс!» урибди қўлига: «Нафсингни тий, худобехабар, бугун рўза-ку!»... Кўк гулдураса, ўғрига инсоф битармиш. Инсоф битгани яхшику-я, гулдурашнинг тинчиши баробарида инсоф жониворнинг жонига қасд қилишимиз яхшимас-да. Рўза чиққунича нафсга тортган «бисмил»ларимиз узра рўза чиққач, «пахмел»лар карахтлигида «қайта қуриш» бошлаймиз. У қилдик, бу қилдик, тақвониям тақвимга илдик.

**Тирикчилик:**

— Давом эт-давом эт?

**Тириклик:**

— Бўпти. Давоми жинингга ўтирмаса, айбга буюрмассан. ...Қишлоқ «имом»ларимизнинг илинжи — қавмининг дастурхонидан: никоҳ, хатна, ақиқа, жаназа... Қавмининг илинжи-чи? Тезроқ «расмий қисм»лардан қутулиб, даҳлиздаги «бўйни узун»ларни дастурхонга тортилишидан. Бунинг учун биргина кимса — тўрда ўтирган саллалию соқолли «мушайт беряпти». Буни унинг ўзиям илғаб ўтирибди — чўғ устида ўтиргандай. Ҳамияти миталамаган имом зоти аввали келмайди бунақа даврага. Келса-да, бир шар-

тини бошданоқ кўндаланг қўяди уй эгасига: «...охиригача арақ-парақ қўймайсан!». Аммо-лекин-бироқ бунақаси думли юлдуздай юз йилда бир ўтади.

Чор-ночор «мулла бува» битта ютинадию ваъзга тутинади: «Ўзи-и ичиш гуноҳмас ундай, энди-и ичибоп, кайпда кимгадир зиён-заҳмат етказсак, ана у — гуно-оҳ...». Кечадан қолган овқатдай тўнглаган турқларда «ренессанс» қўпади: «Боракансиз-ку-йей... Опке, қуй-қуй!» Тамом. У ердан галдираб-алжираб чиққанларга оят-ҳадис айтдинг нима — эшакка азон айтдинг нима! Эшитганинг шу бўлади: «...епсаней, гуноҳ-пуноҳмасакан ичиш, палончиникида пистончи «мулла» айтти-ку..!?». Кўп ўтмай, шу ширакайфлардан қайсидир бировини, қандайдир жинояти важҳидан ТВда «пушаймон қилиб» ўтирган афтини кўриб, ғижинишниям «қотирамиз» кейин.

Хўш, ўша пистончи «мулла», тўғрисини айтганида, қайтарганида нима бўларди? Ўша «палончи» уни бошқа айттирмасиди мавлуд-маъракасига. Камига ўша даврадагилар ҳам... Алвидо, назр-ниёз! Албатта, тишини берган Худо ризқиниям беради. Лекин... тиланиб топилган ризқ... Билмадим.

Кейин... хонаси келганда айтай: фатвою фармон, қонун-қоида... ҳар кун чиқяпти, деярли. Хўп, унинг ижроси-чи? Амалда-чи?.. Чакаги тинмайдиган зулфиячи, тарғиботчи... ва ҳоказо «...чи-...чи-...чи»ларнинг чиранишидан ишонгинг кеп-кетади бир нималарга. Не шомки, қабулхоналардаги кети кўринмайдиган

навбатларни, порталлардаги адоқсиз арз-додларни, марказларга босим қатнаётган шикоятчиларни кўрасану...

Жамғармалар, хайрия ташкилотлари борлиққа-ку бор бизда. Фақат, кўпикка ботган ОАВимизни бир четга суриб айтсак, байрам-пайрамларда, ҳиёбонлардаги музқаймоқларни текин тарқатишгани янглиғ «жонбозлик»лардан ташқари нима каромат кўрсатишяпти улар?! Чораси кўрилаётган бўлса, яхши. Кўрамиз: номи ила номаи аъмоли ўзаро мувофиқ нимадир оёққа турадими ёхуд тағин битта номи улуғу супраси қуруқ ташкилот қаққаядими...

**Тирикчилик:**

— Охирги марта қонунми, қарорми ўқиганинг қачониди?

**Тириклик:**

— Ўқишга-ку ўқиб тураман, кунора. Уқиш қийин, уқиш! Қонунчилигимиз тили — диққинафас тил. Такрорий кириш сўзлари, қайтариқ жумлалар, мажҳул нисбатдаги феъл-кесимлар, узундан-узун эргаш гаплар... сил қилаёзади одамни. Шуни қисқа, лўнда, халқчил ёзишса, нима, «қонун» отлиғ салобатига соя тушадими? Буёғи Напалеон Бонапартнинг гапи: «Қонунларни шунчалар тушунарсиз ёзингки, авом изоҳ сўраб, ўзимизга келсин ва биз уларни ўзимизбоп алфозда изоҳлайлик».

**Тирикчилик:**

— Зулфиячи, тарғиботчи... Хўп, буларнинг, ҳеч бўмаса, одамга ўхшаб гапиришлари учун нима қилиш керак, дейсан?

**Тириклик:**

— Мухолифат керак! Аҳмаджон Мелибоев дегич домламиз талабаликда айтарди: «Партия дегани, мақсад-муддаосига биноан — мухолиф, дегани. Яъни ҳар бир партия ўзидан президент опчиқиши керак. Сайлов пайти ҳар бири ЎЗИНИНГ НОМЗОДИНИ югуриб-ютоқиб пиар қилиши керак».

Бизда ҳам бирмас, тўртта партия бор, Худога шукр. Сайлов мавсумида, қизиқ, биттаси — «O'zLiDeP» югуриб-ютоқади, қолганлари... унинг ортидан ҳаллослайди.

Индалло, мухолифати чалажон юртда, ана шундай — иссиқхонада етиштирилган мадҳиябозлар урчийди. Етмагандай, жўровоз машшоқлар қўшилади. Машшоқ кўпайса, қашшоқ... Э, ҳаммага отнинг қашқасидай маълум-ку уёғи.

**Тирикчилик:**

— Тўғрику-я...

**Тириклик:**

— Бўлар-а? Чўзилса, ҳатто латифаниям тузи қочади. Мен айтаримни айтдим, қайтарим йўқ. «In God we trust» — долларда шундай ёзув бормиди...

**Тирикчилик:**

— Доллар, де... Сўнгги сўроқ. Нима дардда қатнашяпсан-а, бу танловга?

**Тириклик:**

— Тўрт йил «учлик» стипендияга ўқиган, сўғин уч йилча олти юз минг сўм ойликка ишлаганнинг «дард»и нимаям бўларди? «...Нега ҳар нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайдур, ўғлим!»

**Тирикчилик:**

— Тфу-ей...

***

Хотима (...ўрнида хотиранинг давоми):

...Болапақир жавобмас, жон берди, гўё: «Ки... куб...». Энди «раҳбар»нинг жони чиқди: «Билийкансан-ку жавобди, мана? Шуни айтиш учун желкамди жовурини чиғаришинг шартмиди, Бобоқулип? Отангди калласи кампитир-ку, сен нимага ундаймассан, Бобоқулип? Ё нимага чичип қўйган боладай ў-ўтирасан, билганингдиям гапирмайсан-а-ей, Бобоқули-ип?..»

Болапақирнинг боши эгилгандан эгилиб борар, хира нигоҳлари партадаги дафтарида чизилган параболанинг оғиш бурчагини пайпасларди ҳадеб.

## Дадам, тирикчилик ва журналистика

Бу сафар изғирин сабабчи бўлди. Ишхонанинг совуқлиги жондан ўтди. «Аристон»нинг аввал баки сувга тўлиши керак, кейин у сувни газ иситади, ана ундан кейин эса электр токи исиган сувни бутун хоналар бўйлаб айлантираверади. Қисқаси, бу мураққий матоҳнинг тўкис ишлаши учун сув ҳам газ ҳам электр токи баб-баравар ланғиллаб туриши зарур экан. Афсуски, бизнинг юртда бу уч ресурс — бир уйдаги уч кундошга ўхшаб қолган: бирови бўлса, иккинчиси йўқ, иккинчиси келса, учинчиси «қовоқ уюб» ке-етади. Шунга, тушлик маҳали, бозорга йўрғаладим. Электропеч кўргани. Дўконлар олдида кетаётиб, устма-уст тахланиб ётган қалин, енгу ёқасиз бичимдаги, қишки нимчаларга кўзим тушди. Шундоққина йўлак четида ётарди. Тўхтаб, узо-оқ қараб қолдим. Дадам ҳам шундай қараб қолганди...

Султонободдаги бозорда дадам, аям ва мен расталар оралаб юргандик ўшанда. Рўзғорга керакли ул-булни олиб бўлгач, дадам, мен билан аямни сарупо кийинтирди. Ўзига келганда, бўлди, қайтамиз, деди ҳар доимгидай. Илғадимки, чўнтагидаги пулнинг таги кўринган. Аям саволомуз қаради: «...Сизга-чи?!»

Дадам, аямнинг нигоҳларидаги норизоликни ризолиққа ўндирмоқчи бўлдими, ҳайтовур, бир ёймачининг ёйиб ташалган кийим-кечаклари устида оёқ илди. Тах-батах ётган қалин, ўша пайтлар эндигина урф бўлаётган нимчаларга сер солди. Кўзлари билан бир муддат чамалагач, бармоғини улар узра нуқиб сўради:

— ...буларингиз неччи пул, ув-в, мудир?

Сотарман нархни айтди. Ҳозир эсимда йўқ, аммо чўтлаганидан анчагина қиммат акан, чоғи, дадам ортиқ савол бермади. Фақат нимчаларга жимгина, узо-оқ қараб қолди. Сўнг даъфатан уйғонган кишидек бошини кўтардию «Кетдик!» деди, бизга. Аямнинг алқовлари наф бермади. Бозордан қайтдик. Уйдаги телевизор эса, омон-омон, яхши замон дея лоф урарди, ҳар куни. Ҳолбуки, ҳалол, виждонли, қора меҳнат одами учун «яхши замон»нинг келиши тобора хомхаёлга айланиб бораётганини кўриш учун — кўчага чиқиш кифоя эди. Шунгами, каналларимиздаги даранг-дурунг томошалардан энсаси қотган дадам тезда пултни қўлига оларди: «...Ўзбекистонда ҳар кун байрам, Худога шукр. Қани, бошқа жойлардаям байраммикан, би-ир кўрайлик-чи!» Хориж каналларидаги хабарларга қўярди. Ўрисчани тушунмасам-да, қизиқиб кўрардим мен ҳам. Таажжубки, хориж каналларидаги одамлар йиғларди, арзини айтарди, сўкинарди... Одамга ўхшаб гапирарди, хуллас. Дадам кўпинча «ОРТ»ни («Первий канал») берилиб кўрар-

ди: «...ў-ў, ана, Маскувада битта милиса ўғирлиқ қип қўлға тушипти... Беш йилга қамалипти...»

«9+3» таълим тизими, яъни коллежлаштириш сиёсати авж олган йиллар. Ҳамма ёқда коллеж қурила кетди. Бизнинг туманда ҳам бир нечтаси учун усталар иш бошлади. Дадам ҳам эл қатори қурилишга жўнади. Ойлаб кетди шу кетганча. Ниҳояти, коллеж битди. Битгандаям ҳашамдор, данғиллама коллеж бўлиб битди. Ҳовлисидаги кафелларгача астаҳидил қилинган меҳнатдан дарак бериб турарди. Шундай. Дадам ишлайдиган усталар гуруҳи, хоҳ у давлат биноси бўлсин, хоҳ у одамларнинг уйи бўлсин, пишиқ чиқади. Баъзи ароқхўр, ялқов «уста»ларга ўхшаб, бир кунлик ишни бир ҳафтага, бир ҳафталик ишни бир ойга, бир ойлик ишни эса бир йилга чўзиб ётишмайди. Коллежни ҳам шу тариқа: ўз вақтида ва мустаҳкам этиб қуришди. Аммо... «пешана тери»ни — иш ҳаққиларини олишолмади. Дадамнинг бир оёғи иш бошқарувчи («прораб»)никида қоп кетди. Иш бошқарувчилари, нариги кўчада яшовчи Бой ака, ахийри, бир кўрпа бўлиб, ётиб олди. Ҳаққини сўраб борганларга Бой аканинг хотини чиқиб: «...касал бўп қолди. Ўзини осмоқчи... Тепасида «ҳай-ҳай»лаб ўтириппиз...», — дейдиган бўлди. Шу-шу усталар ундан умидларини узишиб, Тошкентга боришди. Йўлгир бир юристни топишди. Судлашамиз, дейишди. Юристнинг нафси юҳо чиқиб, оладиган пулларингнинг ярмичасини менга берасилар олдиндан, деб

ҳали кўрсатмаган «каромат»ига нарх бичибди. Усталар иккиланишибди. Агар судда ютиб чиқмасак-чи, деб сўрашса, юрист елка қисибди. Алқисса, ҳеч вақосиз қайтишди. Ҳар битта устага, шартномага мувофиқ, берилиши шарт бўлган олти юз минг сўмдан пул қайсидир ҳаромхўрларнинг юғон ичагидан ўтди-кетди. Телеканалларимиз эса ҳануз қарсак чаларди.

Бугундан туриб қаралса, олти юз минг сўм пул... югур-югурга арзимасдир, эҳтимол. Лекин ўша замонда бу пул сезиларли тош босарди. Ҳозир ўша коллеж қуруқ савлат бўп турибди. Ишчилари ойлик маош деярли олмасаям ишдан айрилиб қолмаслик-чун бориб туришибди. Маъмурияти эса битириб кетган собиқ талабаларининг йўқолган дипломлари баҳона «соққа қилиш» билан, ходимларининг йўқ ҳисобидаги мояналарини янада «йўққа чиқариш» билан... қиссаи кўтоҳ, шусизам мамлакатда тарвақайлаб кетган коррупциянинг тагига «маданий ўғит» бўлиш билан банд. Бўм-бўш ётган хоналари кўплигидан ҳокимият турли бошпанасиз ташкилотларни шу ёққа юбораверади. Ҳозир, масалан, Экология партиясининг туман ташкилоти ўша ёқдан қўним топган... Дадам эса ҳамон қора меҳнатда... Бой аками?.. Йўқ, ўзини осмади негадир. Ора-чора кўриб қоламан. Қарипти, шуям. Охирги марта кўрганимда, бир ҳамсоямиз ила, арақнинг қандайидан, қачон ичиб турилса, «фойдали» бўлиши борасида қизғин баҳслашаётганди. Худонинг ургани шудир-да!..

Яна бир кунлар келди. Одамлар гурра-гурра Россияга, Қозоғистонга кетишга тушди. Ҳозир ҳам кетишяпти. Начора, тирикчиликнинг тоштегирмони ўлсаккина бошимизда айланмайди. Дадам Қозоғистонга кетганди. Ўша ёқларда қозоққа уй қуриб, ватан қуриб, текшир-текширдан қочиб... қишнинг чилласида «қув-қув» йўтални орттириб қайтди. Топган танга-чақасини укол-дорига сарфладик. Каналларимизда, ўша-ўша, давомли қарсаклар гулдурарди.

Боз бир замона қўпти. Одамлар қўшимча томорқалардан, узумзору олмазорлардан кун кўришга ўтди. Баҳонада боғдорчилик, зироат, чорванинг кўкайига кун тегди. Ем-хашак, ўтин ташвишидан қутулишди. Давлатга солиқ ҳам тўларди, сарватга фойда ҳам кўрарди. Ола ичингдан чиқса, ёмон бўларкан. Туппа-тузук олмазори бор битта Калбошнинг иштаҳаси палак ёзиб, бутун-бутун узумзорлар барқ ураётган ерга «ишқи тушди». Фермер бўлиш даъвосида хат-ҳужжат тўплаб, у ёққа чопди-бу ёққа чопди, ўша ерларга эга чиқди. Узумзорларни буздиришдан бошлади биринчи «фаолият»ини. Камида ўн беш гектарлик токларни қўпортириб, бошидай тақир бир майдонга айланган ерга ёппа пахта экди. Ҳосили унмади. Келаси йил яна чигит қадади. Яна унмади... Ҳали-ҳали шу пайкалдан ёлчитиб бир мартаям ҳосил олгани йўқ. Олмазоридан ҳам айрилди. Узумзорлар «жувонмарг» кетгач, олма боғлари ҳам пахта даласига қўшиб юборилганди. Ҳозир ўша Калбош на фер-

мер, на боғбон. Уйининг олдидаги харракдан кетини узмай ўтиради кун бўйи. Ўтган-қайтганга салом ҳам йўқ, алик ҳам, аламзада қарайди. Жуда зерикса, ўзига ўхшаган уч-тўрт бекорчию бефайзни йиғиб, гап сотади. Эссиз умр!..

Ва эссиз боғлар, дейди эндиларгача ҳамма. Ҳа, ўша увол кетган узумзорлар ичида бизники ҳам бор эди. Эллик сотихга ястанган, уч йилгина бурун янгитдан экилган, ўн хил навдаги узумлар ҳам жойи ростонига кириб ке-етди. Йигирма йилдирки, ўтин деб бошини қотирмаган кўпчил орасида дадам ҳам, мана, кексараётган чоғида даладаги қолган-қутган ғўзапояни уйга ташийди ҳар тийрамоҳ. Илож қанча, тирикчилик... Дадамнинг ўз таъбирича айтсак, битта кал бошлаган ишни иккинчи кал бузаркан доим. Бу гапига оламшумул мисол, ана, Ленин кал тузган иттифоқни кал Горбачёв бузди. Мухбирларимизми? Сайрашди, сайрашяпти ва сайраяжак: «...ур-рааа!»

Ўзим ҳам шу сайроқи «тўтиқуш»лар сафидаман. Дадам аёзли ҳавода ғўза юлиб, таппи териб юрган, аям онасидан қолган кроватда қалин кийимларига ўранганча тинимсиз йўталаётган, жигарим печканинг кулини титиб, кўзи ачишаётган, аёлим муздай ошхонада, бир қўли билан ҳомила қаппайтирган қорнини оҳиста ушлаб, бир қўли билан гази қуюлиб қолган баллонни силкитиб-лиқирлатаётган бир палада, мен, супрадай-супрадай саҳифаларни тўлдириб ёлғон ёзаман, депутатлару турфа ташкилотнинг

расмий югурдакларидан келган уюм-уюм ёлғонларга сайқал бераман: «...шароитлар янада яхшиланмоқда», «...куз-қиш мавсумларига тайёргарлик ишлари изчил бошлаб юборилди», «...халқнинг ичида юриб, уларни рози қилиш асосий вазифамиз»...

Тирикчилигим шундан. Бироқ барибир, дадамнинг юкини енгил қила олмаётганимдан асабларим қақшайди. Уйга ўзимча чарчаб қайтаман. Аммо дадамнинг кўзларидаги асл ҳорғинликни кўриб, чарчоғимга тупураман. Дадиллигу ғайрат отининг сохта чавандозига бир думалаб дўнаману жағимга эрк бераман: «...бугун фалон идора каттаси билан гаплашдим, дада, аҳвол нимага бундай деб сўрадим!» Шу икки пуллик ишчамни бемисл қаҳрамонлик кўрсатгандек гапириб бераман. Улар ҳам менга қаҳрамонга қарагандек қараб, тинглашади. Ваҳоланки, ўша «каттакон»га бундай саволларни минг биттаси бериб кўрган ва уям ёдаки бўп кетган минг битта жавобларидан бировини айтган-қўйган бўлади, менга ҳам. Вассалом. Балки, шу алфоз ўзимни дадам олдида... йўқ, дадам тимсолидаги виждоним олдида оқлашга уринарман. Мана, нимадир қиляпман, демоқчи бўларман... Билмадим. Билолмай ўтиб кетсам керак.

Дадам бугун ҳам телевизорни кам кўради. Кўрганиям, нима, корейсу туркларнинг тарихий сериаллари. «Дунё бўйлаб» каналини кўради яна. Икки оёқли махлуқларнинг олди-қочди валдирашларидан кўра ҳақиқий жониворларнинг яшаш учун курашлари-

ни кўришни маъқулроқ билади. Хабарлардан фақат «Замон»ни («Замон» информацион дастури) ҳамда «гапчи бачалар»ни («Марказий студия») кўриб туради. Не тонгки, шулар каби дастурларни кузатиб билдикки, наинки Москвада, балки Ўзбекистонда ҳам «милиса»лар ўғрилик қиларкан, пора оларкан, бировнинг хотинини йўлдан ураркан... Москвадан фарқимиз — бизда улар қамалмас экан. Нари борса, ишидан бўшаркан. Бери келса, пушаймоннинг «п»-сиям сезилмайдиган оҳангда битта кечирим сўраб, қутулиб кетавераркан.

Оз қолди. Ҳадемай, дадам олтмиш бешинчи қишини қарши олади, иншоолло̂ҳ. Нима дейишгаям ҳайронман. Шу чоққача, қозонда бирга қирқ кун қайнасаям қоним қўшилмайдиганларни қутлаб келдим. Сўзларнинг сараларини атадим шулар учун. Чин яқинларга келганда, тилнинг айланиши душвор кечади. Айниқса, дадамга. Яхши, уриниб кўраман. Дада, табриклайман! Умрингиз «Бақара» сурасидай узун бўлсин!..

## Опамни ахтариб...

Саҳарлаб супадан онамнинг жекириги эшитилди:

— ...қайдаса-ан? Бияққа қара-а!..

Чопиб чиқдим:

— Ҳов, ая?!

— Ай, анов, опангди партиги («фартуги» — шева. «Этак», «чойшаб» маънoсида) қоп кетипти-ку! Пахтани нимага теради энди?.. Ма, чо-оп, орқасидан! Ҳали узоққа кетмагандир...

Дарвоза тутқичини тутганимда, миямга «лоп» урилди: «Телефон!» Ўша тезликда изимга қайтиб, уйга кирдим. Телефонимни токдан суғуриб қарасам, қуввати энди эллик фоиздан ошибди: «...палакат! Ойлик олай-да, бир-ринчи сенинг баҳрингдан ўтаман!..» Тўнкарилиб қолган шиппагимни тепиб ўнглаётганимда онам алағда тикилиб турарди. Кўчага қадамим тегар-тегмас онамнинг овози қулоғимни қувиб етди:

— ...мачитти олдига бориб бақи-ир! Эшитиб қайтади, узоққа кетмаган бўса!

Мачитнинг олдида йўл иккига айрилади: бири кунчиқарга — жарга, бири кунботарга — Можорга (қўшни қишлоқ) қараб кетган. Можор чегарасидаги

чорраҳада «Damas»лар теримчиларни тепага, қирлар этагидаги пахтазорларга ташийди. Пулга, албатта. Опамлар ўша тарафга кетишгани аниқ бўлса-да, ҳар икки йўлниям қўйиб, мачит ортидаги сўқмоқни танладим. Онам айтгандай бақиришнинг бенафлигини кимсасиз кўча бесас «айтиб» ётарди. Телефон устига телефон қилавериб, асабларим чарчади — ўчиқ. Турқим тиришиб, ғўлдираб бораман: «...нокерак пайтда ёниқ, керак пайтда ўчиқ телефонни боридан йўғи яхши!»

Сўқмоқ катта лоток ариққа етиб тугайди. Ариқ кўпригидан ўтиб, дашт йўлига тушдим. Орқаю олдимга олазарак кетяпман: «...боягина кетишганди-ку, шу-унча узоқлашишга улгурдими! Йўлкирага кетадиган шу тўрт минг сўмниям тежаб, пиёда бориб келяпмиз, деганди. Аёлларнинг майда қадами унмасди-ку унча?» Телефоним экранидаги соатга кўз ташлаб қўяман: «...ишга кечикмасам бўлди!»

— ...ассалому алайкумдан бошлайман ҳар бир сўзимни! — ортимда велосипедли кишининг келаётганини кўргандиму кимлигига разм солмабман. Беш яшарликда танишганимиз, синфдош ҳам қўшни жўрамнинг отаси Ғулом ака экан. Хиёл димоғда, кесатиброқ гапиради. Кесатиқлари тагдор, бир жойингни ўпирмасдан ўтмайди. Лекин ўзи яхши одам: ҳалол, меҳнаткаш, тиними йўқ. Эсимни танибманки, забойда, оҳактош конида ишлайди. Оғир иш: уззу-кун ҳарсангга кувалда урасан, лом урасан, пона қоқасан, тош

бўлакларини тўплайсан, юк машинасига ортасан, кейин оласан пулингни... Бир замонлар беш-олти кун чиқиб, товбамга таянганман. Бу одамнинг эса умри шу меҳнатда ўтди, ҳисоб. Қизларини ўқитди, узатди, ўғлининг ҳам маълумотини олий қилиб, ишга жойлади, уйлантирди. Ва, мана, ҳануз ўша оҳактош конига, ўша велосипедида йўл тортяпти. Ҳа, Пахтачининг пешанасига шу тоғу тошларнинг борига шукр. Йўқса, юртдаги ялпи ишсизлик касрига бу элни ўғрию ғар босиб кетарди.

— ...ваалайкум ассалом! — етиб келиб, велосипеддан тушди. — Аҳа-а, бемаҳалда бияққа қараб?

Қўлимда тугилган фартукни кўрсатиб, муддаомни маънилатдим. Ошнамнинг отаси уловидан қандай ошиғич тушган бўлса, шундай шошиб минди яна:

— ...майли, чарчама!

Тезлашиш ўрнига секинлашди, нарироқ бориб. Тўхтади. Сўл оёғи ерда, эгарда осиғлиқ қолган ўнг оёғи тиззасига қўлини қўйиб, ярим ўгирилди менга:

— Қайси фермерда теряпти опанг?

— Санжарда..?

— Аниқ шундама ё...

— Шунда, ака, шундамиз деганди...

Ғулом ака боз индамай, эгарга ўтирди. Мен-да индамадим: «...йўлимиз бошқа экан».

Ариқ лабидаги йўл тугаб, Нарпай канали узра ўтган катта йўлга ўтдим ҳамки, опам кўринмасди. Камига телефоним ҳам хайр-маъзурни насия қилиб,

ўчди-қолди. Минғирлаб ўзимни овутган бўлдим: «...яхши бўлди, ана энди бор диққати фақат йўлга қадалган чин йўловчисан!»

Икки ёни симтикан билан иҳоталанган темир йўлга яқинлашиб борардим. Ёнгинамда «ўтарава»лар ўтиб-қайтади. Аксари «Damas»у мотоциклар: «Урал», «Минск», «ИЖ»... Ҳар ўтган «Damas»га син соламан: «...шунисининг ичидадир, балки, опам?» Хаёлимда ана-мана биттасининг тормоз чироқлари чўғдай ёнадию эшиги «ғур-р-рт» сурилиб, опам сакраб тушадигандек... Ва менга сари ҳадаҳалаб келадигандек: «...зарилмасиди шу, ука, шеригимди ортиқча партиклари кўп. Бир амаллардим, ука. Ишинг нима бўп кетти сени?! Валсапид-палсапид топилмадима битта?! Чарчаб кетгандирсан?.. Шопир ака, укамди уйга оббориб қўйинг? Мана, пули. Биз шу ердан тушамиз. Пиёда юрсагам ўлмаймиз. Гўрам қомади ўзи. Ўтир, укашим...» Опамдан кутса бўлади буни. Кўнмасам, йиғлаб ҳам беради: куппа-кундузи, ҳамманинг кўзи олдида...

Талаба эдим. Опам Бўкага пахта теришга борди. Қайтишда ҳамроҳларига кутиб туришларини тайинлабдию шаҳарга, менинг олдимга шошибди. Ҳали дарсларим тугамаганди. Шунинг учун опамни, танаффус пайтини мўлжаллаб, тўғри факультетга бошлаб келдим. Қизлар кўпроқ эди ўқишимизда: бир-биридан сулув, бир-биридан оппоқ, бир-биридан кибор қизлар... Опамни улар билан йўл-йўлакай

таништирарканман, чаноқлар тилиб ташлаган қўлларини қаёққа яширишини билмаётгандек қимтинарди. Чарақлаб сўрашаётган сабоқдош қизларнинг чарос кўзларию лўппи юзларига ҳайрат ила, анқайиб-танқайиб қарарди. Қўзғалган қовоғари уясидай ваҳиллаётган синфхонага кирдиму «Танишинглар, бу менинг опам!», — дедим баралла. Олд партадаги қизлар «Ў-ў-ў!» — деб ўринларидан туришди. Ўзларига хос «салом-алик»ка ўтишди. Қайси қучоқлаган опамни, қайси ўпган... Курсдош жўралар эса сипогина ияк қоқишарди: «...саломалайкум, опа, яхшимисиз?» Дарс бошланди. Ваҳир-вуҳур тинай демасди. Қарасам, опам бошини ушлаганча менга мўлтираб ўтирибди. Жавоб сўрадигу чиқиб кетдик. Йўл устида тушлик баҳона чойхонага судради. Гарчи таомномадаги энг арзон емишни кишибехабар буюртма қилган эсам-да, шунгаям опагинамнинг бир кунлик терган пахтасининг пули кетдиёв. Чойхонадан чиққач, бозорга борайлик, деб қолди опам. Уйдагиларга ўлбул олмоқчидур-да, тусмоли билан автобекатга етакладим. Автобусчи томга одам ортмадиям, хайрият. «Отчопар» бозорида сулайиб автобусдан тушдик. Ур-сур бозор расталари аро менга нимадир тутқазди, опам: «...кийиб кўр-чи?» Жемфер экан. Керакмас, дедим: «...неччи кунлик пахта пули экан нархи?!». Опам боз ундади. Боз бош чайқадим. Опам ялинишга тушди. Сўнг ёлворди. Сўнг... йиғлади. Ит эгасини танимайдиган, таниса-да, тан олмайдиган шаҳарнинг

гавжум бозори ўртасида, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага қарамасдан, «ҳўнг-ҳўнг» йиғларди. Иложсиз олдиму қўлтиққа урдим. Опам уйдагиларга оларини олдию ҳамроҳлари олдига ошиқди. Хайрлаша туриб, мени маҳкам бағрига босаркан, кўзларининг ёши қуримаганини кўрдим. Катта йўл ёқасида ёлғиз ижарахонамга қайтарканман, янги жемферни қаттиқ қучган кўйим елкаларим титрарди. Энди мен йиғлардим...

Темир йўлдан ўтадиган дарчага етиб келиб тўхтадим. «Damas»лар пайдар-пай аёлларни «тўкарди». Опам кўринмасди ҳануз. Битта-иккитасидан Санжар фермернинг ерини сўрагандим, кунчиқарни кўрсатишди. Ўша ёққа қайрилдим. Эски разъезд ўрнидан, симтиканларни кўтариб ўтишаркан одамлар. Шундай, тайин йўл бўлмаса, «йўл»ини очволади йўловчи. Ажабки, одамларни тезюрар поезд эмас — тирикчиликнинг шиддати кўпроқ чўчитади. Илло, қанчасининг оёғини кесиб кетди поезд. Қанчасининг подасини сочиб кетди... Бирда ўғринча, бирда тўғринча ўтаверишади, релслар устидан.

Ўзим ҳам энгашиб ўтдим. Тутқатор бўйлаб бордиму... саноқсиз аёллар қий-чуви фонидаги пахтазордан чиқдим. Қидирганим фермер даласи шу экан: ғўзалари калта-калта, жўякларини ўт босиб ётарди. Опам кўринмади. Қаторбергич хотин пилдираб кеп қолди. Ниятимни уққач, олдимга тушди: «...юрингчи, у бошидадир майдонни!» Пахтазор биқинидаги шудгорда лўккиллаб борамиз. Хотиннинг даҳани дам

билмайди. Менинг эса хаёлларим. Аҳёнда ғўлдираб қўяман:

— Ишга кечикдим-да...

— Менга ташлаб кетаверинг унда, ўзим бериб қўяман? — деди «Қаторбека» олдинда бораётиб.

— Йўғ-ей, хола, раҳмат. Бўлари бўлди энди. Ўзига топшириб кетаман...

— Дала ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олинг, бўмаса. Пахталаримизни кўринг!

— Кўряпман... Қачондир нимадир ёзарман ҳам, балки...

— Ёзувчимисиз?

— Шунга яқинроқ.

— Мен ҳақимда ёзинг, мана! Маҳаллакомман, асли. Ўн уч тонна пахта топширдик, мисол учун...

— Шу уч кундами?

— Бир кунда-а. Кечанинг ўзида!

— Ҳа-а...

Опамнинг қораси кўринмасди ҳеч ерда. Пахтазорни ўрталадик. Қаторбергич хотин теримчи аёллар узра овоз қўйиб, опамни чақирди. Бирови бошини кўтармади. Беш-олти аёл қатор сўраб кеп қолдию қаторбергич ўзи билан ўзи андармон бўп қолди. Сўқмоқдан ўзим кетдим уёғига. Бирда-яримда бош кўтариб қолганидан опамни сўрайман. Елка қисишади. Пахтазор тугаёзиб қолди ҳамки опамни... таниганни топмадим ҳатто. Эгнимга илашмаган ўтми-тиканак қолмади бу орада. Майдон тугаб, тутқаторларга, ун-

дан йўлга чиқдим. Бошқа пайкаллар, бошқа фермерлинг ерлари сарҳадида серрайиб қолгандим. Пахта гўзалари қирларга, қирлардан ошиб уфққа туташиб кетганди. Олис-олисларда кимлардир эгилиб-букилар, пахтага мук тушганди. Шуларининг биттасидир опам?.. Тоқатим тугади. Бу юртнинг чегараси бор, аммо пахтасининг адоғи йўқ. Қайтдимей!

Гоҳ ўзимни яниб, гоҳ опамни қойиб, гоҳ пахтазорини ўтоқ қилдирмаган фермерни сўкиб... уйга қайтардим. Ярим йўлда телефонимни «зўрлаб» ёқишим ҳамоно жиринглади: «Опам!»

— ...алло, ука, мен уйдаман! Тез қайт!.. Бўлди, қизишма... Аям мени ўйлаб сени юборган, сен аямди ўйлаб кўнгансан, мен ҳаммани ўйлаб уйга қайтдим. Бор гап шу...

Телефоннинг ҳам, менинг ҳам уним ўчди. Иккинчими-учинчи курс маҳалим, қишда уйга келганим ёдимга ёпирилди негадир. Опам ишда, шаҳарда экан. «Кетиб қома, ука, эртага рухсат сўраб бораман!» деди телефонда. Бироқ мен эртаси кун тонггидан Тошкентга отландим. Опамга бир оғиз ҳам айтмадим бу ҳақида. Оқибатда, бехабар опам қош қорайганда кириб келибди ҳаллослаб. Йўқ, аввал қишлоғимизда «Қизил уй» деб донг таратган тамаддихонага борган шаҳардан қайта-қайта. Иккита иссиқ нон, қайноққина шўрва олган. Обдан ўратган. Ва қўлларида авайлабгина, ҳув-в, ўша тамаддихонадан, пиёда опкелган. Тун бўйи ёмғир эзиб ёғиб чиққанди. Йўллар лой, кўл-

мак кўп... Дарвозадан кирибоқ, мени сўраган: «...укам қани? Шўрва совиб қолади. Иссиққина ичиб олсин!»

## Мурғак иситма

*...Дунёни олсам-да жаҳонгир бўлиб,*
*Гўдак йиғисига йўқдир тоқатим...*
**Абдулла Орипов**

Ўғлим...

Яна кула бошлаганингдан хурсандман!

Йиғлаб чиққан ўн кечангда онанг иккимиз ўн ойга қаригандаймиз.

Бува-момоларинг эса ўн йилга...

***

...ўша кеча, айниқса, ухламадинг ҳисоб. Тонггача мижжа қоқмадик. Одатда, тунги бедорликдан танаси ҳам асаблари қаттиқ толиққан онанг субҳда ёстиққа йиқилиб қоларди. Ўрнига мен сени қўлларимда кўтарганча, хонада юриб турардим. То билагимга бошчангни қўйиб, ухлаб қолгунингча... Аммо бу субҳ сенинг йиғинг билан оқарди. Жажжи бошинг қизиб кетган, ичинг ўтиб, нажасинг кўкиш тусга кирганди... «Тез ёрдам»ни чақириб ўтирмадик — ўтган сафар қирқ дақиқада етиб келганди. Кейин... менга шу

тиббий машинадагиларнинг ўзини тутиши ёқмайди: овозларини баланд қўйганча, беҳижолат ҳазил-ҳанг-гома қилишади, ўзаро. Худдики уловлари салонида оғир аҳволдаги бемор ва унинг ғамдан чўккан яқинлари эмас — бир қоп картишкани сотишга опкетаётган чайқовчилар ўтиргандек...

Супада бобонг (отам) ортимиздан етиб боришини айтиб қолди. Момонг (онам) эса ҳассасини тутганча, ташвишманд тикиларди. Очиғи, бобонг ҳам боришини жуда истагандим. Бобонгнинг бақувват, қадоқ қўлларидагина хотиржам тин оласан бу уйда. Мен, масалан, эплаб бола кўтаришни билмайман: ё бошинг осилиб, ё белинг букчайиб қолади...

***

...ҳар куни ўн дақиқада яёв ўтадиган кўчамизни ўша кун бошида — сени кўтарганча кетарканман — соатлаб юргандек бўлдим. Ичимда биргина хавотир: «...йиғлаб қолмаса бўлди, ишқилиб!» Ахир сени олиб, меҳмонга ё эмлатиш учун поликлиникага, ё ҳиёбонга, ё боғчага... эмас — касалхонага кетардик. Шусизам тез юраман, лекин ўшанда қадамларим янаям жаддаллашиб кетибдики, онанг орқада қолиб кетганини пайқамабман ҳам. Кўча адоғида, катта йўл ёқасида қайрилиб қарасам, онанг, а-анча нарида, қўлларида лиқ тўла иккита сумка, кўзлари бизда, жон ҳалпида келарди... Раҳмим келди. Нимадир ширин сўз ай-

тишим керагиди. Бироқ мутлақо тескари оҳангдаги сўзлар отилди бўғзимдан:

— ...тез-тез юрсангчи-ей!

Сен йиғлай бошладинг. Қанақа машина келаётганигаям қарамасдан, ёппасига қўл кўтардим...

***

...улов ичида йиғинг кучайди. Онанг лақашиқилдоқни ахтариб типирчилади. Тиззамдаги сумкада экан. Оласолиб, шиқиллата кетдим. Йиғидан тўхтаб, қароқларингни юмдинг. Юз-кўзларимизга олддан гувуллаб шамол урилари — ҳайдовчи ҳам, ёнидаги йўловчи аёл ҳам ойналарини охиригача тушириб қўйишганди. Кафти билан сени шамолдан тўсишга уринган онанг уларга ойналарини ёпишини астагина айтди. Ҳайдовчи хиёл кўтарди. Аёл эса йўқ. Салқин елвизак кучайганидан кўзларимиз қисилиб борарди. Онанг алаҳда ҳолда бир сенга, бир уловнинг очиқ ойналарига қараркан, кафтини юзингга яқинлаштирарди тобора. Сен ҳам юмуқ қовоқларингни янада қисганча, елвизакдан юзингни ожизгина буришга уринардинг...

— ...Ойналарингни ёпинглар, илтимос! Ҳозир тушганимиздан кейин томни очиб кетинглар, менга деса! — дея бақириб юбордим. Аёл дарров тўлиқ ёпди ойнасини. Ҳайдовчи бироз очиқ қолдирди... Бақирмоқчи эмасдим. Начора, қулоғи ёки қилиғи оғирга шундай гапирсангина «етиб боради»...

***

...туман Тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими эшигида эрталабдан одамлар ҳаво каби қайнар эди: чақалоқ қучган ким, бола етаклаган ким... Йўлакларда машиналар тизилган. Бўлим остонасидаги бетартиб издиҳомга яқинлашдик: олдинда мен — ноутбук солинган сумка тасмаси тўшимни кесиб ўтган (ишгаям боришим керак ҳали!), қўлларимда лашлуш тўла йўлхалта, сувқоғоз; ортимда онанг — сени маҳкам қучиб олган. Кўпи хотинлар ва болалардан иборат издиҳомга ёвуқлашдик. Битта-иккита эркаклар ҳам иложсиз қаққайиб турарди. Коридор эшигини ўрта ёшлардаги, оқ-сариқдан келган ҳамшира асабий очиб-ёпарди. Ҳар очганида, бола кўтарган аёллар гурра урарди ичкарига. Навбат-савбат деган нарсани кўрмаган эсам-да, ҳамма эшитадиган қилиб сўз қотдим:

— ...бу ерда охирги кимакан?

Тўпланмишларга бир-бир қарадим. Улар ҳам менга бир-бир қараб қўйди, аммо ҳеч биридан садо чиқмади. Ниманидир ўринлатмадим, чоғи...

***

...сен яна йиғлай бошладинг. Ва мендаги тоқат тугади: аёллар, болалар, коридор эшиги, оқ-сариқ ҳамшира... барчасини четлатганча, музёрар кемадай

бўлимнинг бош врачи хонасига кириб бордим. Ортимда онанг, сени опичлаган кўйи иярганди. Бош врач — Пирназаров қабулида одам бор экан. Сендан сал каттароқ бир одамчани обдан текширарди. Врач мени кўриб, «Ҳозир» ишорасида бош ирғаб қўйди. Қарасам, хона бўсағасида оқ-сариқ ҳамшира онанг билан сени кутиш залига итарар, ортларингда бояги издиҳом аҳли норизо бақириб-чақирарди. Мувозанатдан чиқиб бўлганим боис ортиқ сиполик қилишга хоҳиш ҳам, ҳол ҳам қолмаганди менда. Оломон рўпарасига чиқдим. Норизо нигоҳлар яхлит менга қадалди. Сўнг сўзларни садоқдан олатасир уза кетишди:

«...биз бир соатдан бери кутяпмиз!»;

«...бошқаларниям ўзингиздай билинг!»;

«...нима ҳаққингиз бор бундай қилишга!..»

Ораларида биргина эркак боракан. Шунга қараб, борки шовурни босиб тушадиган пардада гапирдим:

— ...навбатнинг охири кимлигини сўраганимда бировинг бир нима демадинг-ку, нима қилишим керагиди?!

Эркак нимадир деб ғўлдиради. Аёллар товушиям анча босилди. Оқ-сариқ ҳамшира ҳануз бизни коридордан чиқариш ҳаракатида эди. Унга-да тик қарадим:

— ...қани рўйхат, қани навбат?!

Ҳамшира синиқ бир оҳангда битта гапни қайтарарди: «...мени бақиришга мажбур қилманг!»

Шундай дерди-ю, кўзларидаги ҳадик ва овозидаги синиқлик мажбурлаганингда ҳам бақира олмаслигини айтиб турарди...

***

...Пирназаров қоринчангни ушлаб кўрди. Онанг иссиғинг борлигини, ичинг тинимсиз кетаётганини, уйқунг йўқлигини... айтарди куюниб. Мен эса бир гапни қайтарардим ҳадеб:

— ...ўтган сафар ҳам Сиз сабаб тузалиб кетгани учун яна опкелдик, Анвар ака!

Врач ўтириб, дори ёзишга шайланаркан, онанг иккимизга қараб олди: «...уйга ёзиб берайми ё..?»

Онанг икков лаҳзаларда келган қароримизни баравар тилга кўчирдик:

— ...шу ерга ётқизамиз!

Лаҳзалар деяпман-у... бедорликда, ҳаловатсиз ўтган уч кеча-кундуз муаллақ қотганди кўз ортимизда...

***

...ўн бешинчи палатага жойлаштиришди. Бўлимнинг иккинчи қаватида экан. Палатада ёш бир келинчак ҳам бор эканки, кўриб, хиёл хотиржам тортдим. Ахир ҳадемай ишга кетаман, онанг ёлғизликда, айниқса, сен бетоб бўлсанг, қийналади.

Дорихонадан қайтаётиб, йўлакда бобонгни кўрдим: бўлим ҳовлисида, болалар майдончасининг кўҳна панжарасига суянганча ҳорғин турарди. Бироз гаплашдик. Палатадалигингни эшитиб, кўнгли бузилди. Иккинчи қават деразаларига қараб-қараб қўярди... Кўп ўтмай, тарқалдик: бобонг уйга, мен ишга, дегандай...

***

...кунига икки марта касалхонага кирардим: ишга ўтишда бир, ишдан қайтишда бир. Боришда кўтарардим кўпинча сени. Озроқ палатада, озроқ коридорда кечадиган «сайр»имиздан юрагимга қувват ингандек бўларди. Ҳа, қўлларим толиқарди, белим зирқирарди... аммо ич-ичимдан ўзгача мадор, жиддий бир масъулият қўпарди қандайдир. Кафтларимда жажжи жонни эмас, осмонни тутиб турардим, гўё.

Ишдан қайтишимда ухлаётган, ё йиғлаётган, ё сут ичаётган, ё бобонг қўлларида айлани-иб юрган бўлардинг. Охирги кунлар адоғида пастга кўп тушардинглар: онанг, бобонг, узоқ момонг (қайнонам)... Шу момонгдан ҳам Аллоҳ рози бўлсин! Тунлари палатада қолиб, онангга қарашар, кундузлариям ҳали дори, ҳали овқат таширди. «Тинч-омон бўсанглар бўлди!» деб қўярди кулиб... Беш кун шундай ўтди...

***

...олтинчи кун, шанба пешинида узоқ момонг уйига кетди: қаттиқ чарчаган ҳам оиласидан ўйда эди. Ўрнига мен бордим. Шанба-якшанбам касалхонада ўтди, шундай қилиб. Бу икки кун ва тунда икки қайта дунёга келдим, ўғлим. Ў-ў, бутун туманнинг гўдаклари шунда эди-ёв! Бўлим остонаси эрталабдан аёллар «қий-чув»ию болалар ғишавасига тўларди. Яна барида бир хил аҳвол: иситма, ич кетиш... Қизиғи, бошқа вилоятлардаги дўстлар ҳам жужуқларини касалхонага ётқизганини, уларни ҳам иситма, ичкетар, уйқусизлик қийнаётганини ёзишарди интернетда. Мамлакатдаги болаларга ёппа шамоллашми-нимадир тарқалаётганди-да, ишқилиб. Аммо айнан нима дард бу?.. Хорижнинг оғзига термилиб турадиган тиббиётчиларимиз оғзига термилишдан наф йўқ бу борада...

***

...тепадаги хоналар қизиб кетгани боис Пирназаров пастги ошиёнга кўчирди бизни. Чинданам пастги палаталарда нисбатан салқин ҳаво бориди. Нафаси бўғилмасди одамнинг. Лекин ҳаммагаям пастда жой етмагани-чун тепага ҳаво парраклари опкелар-ди, «папаша»лар. Унгаям электр керак, ҳаво ҳайдаб туришига. Ток узилган паллалар ҳаёт ҳам узиларди

худдики. Димиқиб кетган аёллар шартта болаларини олиб, ҳовлига отиларди.

Биз ҳам ҳовлидаги дарахтлар панасида жон сақлардик кундузлари: қўлимда сен, қабатимда онанг, бирга-бирга касалхона йўлакларида бориб-келардик; толиқсак, ўриндиқларда ўтириб, нафас ростлардик; уйқунг келса, палатага қайтардик... Ҳаммада шу эди ўзи. Нима бўлгандаям, бу ер — оромгоҳ эмас! Бунга келгувчилар, қанчалар шароит қилиб беришмасин, алалоқибатда тезроқ шифо топиб, уйларига жўнашни тусашади барибир...

***

...тунлар. Асаблар тегирмондан чиқарди тонггача: касаллик, пашшалар, иссиқ ва шовқин — шу тўртта «тегирмон тоши» остида майдаланарди бундагилар боши. Пастдаги палатамиз муолажа хонасининг биқинидалиги туфайли сутка давомида чинқириқларга чидашга мажбур эдик. Камига, ўртадаги девордан туйнукча очилган бўлиб, болаларнинг дод-войи оғизчаларидан қандай чиқса, шундай қуюларди қулоғимизга. Болаларни эса опкелишаверарди-опкелишаверарди: тонгги бешдами, тунги учдами, тик тушдами... фарқсиз.

Йўқ, ўғлим, менинг асабларим болалар йиғисидан кўра уларни дўхтирдан қўрқитиб катта қилаётган калтафаҳм ота-оналаридан кўпроқ адо бўлар-

ди!.. Кўриб-эшитиб ётардим: касалхона эшигигача тинчгина келган болакайлар оқ халат кийганларни кўриши ҳамоно даҳшат босиб, шайтонлаб қоларди. То уларни муолажа столига ётқизиб, осма уколни улаб, дорини митти вужудчасига ўтказиб бўлишгунича, чириллайвериб, бўлари бўларди ҳаммасининг... Интернетда кўргандим: аллақайси давлатда (ҳозир эслолмадим) болаларни операция хонасига ўйинчоқ машиначага миндириб, икки четда тизилган шифокорлар олқиши остида оборишаркан. Тошкентда ҳайрон қолардим: ижарачи бекамиз — татар кампир, невараларини тиббий текширувга элтаркан, сира алдаб-сулдамасди уларни. Невараларим чопқиллаб кетаверарди бувисининг олдига тушволиб...

***

...шанбада осуда тонг оттиргандинг. Якшанба тунида эса... думбангга уйқудори юборишгачгина қўлларимда кўзинг илинди. Сен-ку йиғидан тўхтагандинг, аммо менинг ўпкам тўлиб келарди нимагадир. Аввал сени кроватчангда, кейин онангни коридордан опкелганим ўриндиқда бир амаллаб ухлатгач, ўзим стулни деворга тираб, қаршингда ўтириб олдим. Соат учларда шу кўйи пинакка кетибман. Кимдир елкамдан оҳиста туртарди. Қовоқларимни зўрға йирдим. Онанг меҳр ила ўриндиқда ётишимни, буёғига ўзи қарашини шивирларди. Ўриндиққа чўзилганимча

эрталабки еттига яқин турдим. Коридорда фаррошлар челакларини тарақлатар, палаталарда болалар инжиқлик қилар, санитарлар ҳовлига сув сепишар... қисқаси, касалхонада яна бир кун ёйиларди...

***

...Пирназаров аёли билан кўргани кирди. Қоринчангни, бошчангни ушлашди. Зарур билишган осмадорилар номини врач айтиб турди, аёли қоғоз парчасига ёзиб узатди: глюкозалар, «АМІКОС»...

«АМІКОС» — ўта кучли витаминлигини, шунинг учун тенг ярмини бугун, қолган ярмини эса эртага томиринга юборишимизни қатъий тайинлади. Катта йўлдан наридаги мирбозорликлар очган дорихонада нархлар анча арзон ҳам дорифурушлари илмли дейишарди. Ўша ёққа йўналдим.

Юз минг сўмча пулим қолганди. Хўп, глюкоза, шприцлар, система... булар-ку арзон, лекин манов «АМІКОС»и қанча тураркан, билмасдим. Касалхонада икки савол ичимда муз қотади доим: нега дориларнинг бунча қимматлиги ва нима сабабдан беморларнинг ўзлари дориларини сотволишларини?! Омборда шифтгача тахланган дориларни, шприцларни, ҳимоя қўлқопларини... кўрганман, ахир. «Ҳа, булар — захирамиз!» деганиди бош ҳамшира. Ҳатто пандемияда ҳам халққа берилмаса, қандай «захира» бўлди у?!

Мирбозорликлар дорихонаси, дарҳақиқат, айтишганича боракан. Берганим қоғоз парчасига бир қаращдию сўрашди: «...Пирназаров бугун ҳам ишга келдими, якшанбада-я?» Тасдиқлашим баробарида ҳайронлигимни икки ҳисса оширган иккинчи саволларини беришди: «...лекин бу хотининнинг ёзуви-ку?..» Дориларни сувқоғозга солгач, жаъми олтмиш олти минг сўм бўлганини айтишди. Атай касалхона ичидаги икки дорихонадан ҳам суриштирдим қайтгач. Олтмиш саккиз минг сўм, дейишди. Гап-сўзларда жон борга ўхшайди...

***

...«АМІКОС»ни охиригача жўната олмадик. Ичинг қисиб, йиғлашга тушдинг. Ҳамширани чақириб келдим. Осмадорини узди. Йиғинг узилмади, лекин. «Қўшни»ларимиз — Муолажа хонасидагилар ҳам авжга чиққанди. Касаллик шу қадар тарқаяптимикан?..

Ҳовлига опчиқдик сени. Орада тушлик қилволганимизни айтмаганда, якшанбани ҳовлида ўтказдик. Аср вақтларида касалхона дарвозасидан кириб келаётган бобонгни кўриб, нажот фариштасини кўргандай суюниб кетдик. Бобонг сени адл кўтардию йўлаклар бўйлаб ке-етди. Онанг билан бўлимга қайтарканмиз, ўриндиқда ўтирган Пирназаровга кўзи-

миз тушди. Палатага онангни бораверишини айтиб, врач ёнига чўкдим...

***

— ...биз эртага қайтмоқчимиз..?

— Қолган уколлар нима бўлади?

— Уйда олармиз...

— Яхши, унда...

— Шовқинга чидаш қийин бўляпти. Болаларни айтаман... Ўзи қандайдир вирус тарқалган кўринади республика бўйича?

— «Қандайдир» эмас, коронавирус тарқалган! Фақат детскийси. Болалар коронавируси, яъни.

— Нима, ўғлим ҳам...

— Ҳа!..

— Иситма, ичкетиш... Шуникимиди бари?

— Шундай. Ана, ўн беш кунлаб иссиғи тушмай ётган болалар бор бўлимда...

— Давоси борми буни?

— Бор, лекин қачон тушади иссиғи, неча кунда... Аниқ айтолмаймиз олдиндан.

— Тушунарли...

***

...Душанба. Саҳархўрликдан кейин бир ташқарилаб келсам, онанг тугунларни тугиб қўйипти. Пирна-

заров билан хўшлашгани бордик. Эрталабдан боши шишиб, болаларни текширарди. Қоғозчага дори ёзиб берди. Сенга уйда икки маҳал ичиришимизни айтди. Юксак миннатдорлик ва эҳтиром ҳиссида қўлини қаттиқ қисдим.

Чап кафтинг ортига санчилган игналарни олдириш учун Муолажа хонасига опкирдик сени. Ҳамшира лейкопластирни ечаркан, шафтолининг пўстини арчиётгандек шилиб-шилиб оларди. Игналарниям қўпол суғургани касрига қон сизиб чиқди томирингдан. Йиғламадинг ҳам, бақирмадинг ҳам... Силкиниб тушдинг, аммо. Кўзларинг катта-катта очилди оғриқдан. Ҳайрон қараб турардинг ҳамширага. У эса молтабиатлигининг намойишини баралла давом эттирганча, ерга тушиб кетган спиртли пахта тутамини олиб, целлофан билан боғлаб қўйди қўлингга. Етмагандай, вадаванг валдирарди хонадаги халатдошига... Сенинг беғубор нигоҳларингдаги ҳайрат ҳануз қуюқ эди...

Нега ўшанда йиғламадинг, ўғлим? Жонингни оғритди-ку, ахир, анов урғочи!.. Балки, онамнинг қўлларидаман, отамнинг ёнгинасида, мени ҳеч кимсага хафа қилдириб қўйишмайди, деб ўйлабмидинг? Ёки оппоқ кийинганлардан қора қилиқ кутмаганмидинг?..

Ўғлим, ўшанда сенинг жим турганингдан қанчалар ҳайратда бўлсам, ўзимнинг «сукут»имдан шунчалар нафратдаман!..

***

...қайтяпмиз: олдда сени маҳкам қучган мен ва ортда тугун-тўрваларни кўтарган онанг. Болалар бўлимининг очиқ деразаларидан олашовур оқади ташқарига. Қарамасам-да, қулоқларимга келиб урилари: қай бир аёл боласини алдаяпти, қай биридир дўқ қилмоқда, яна қайси қарғашу боз бошқаси авраш билан банд... Йўқ, то аёлларимиз болалари тарбиясида алла ўрнида — анальгин-димедролни, эртак айтиш ўрнида — сўрғич сўрдиришни, китоб ўқиб бериш ўрнида — сунъий сут тайёрлаб ичиришни... маъқул топавераркан, бу миллат оналаридан Астрид Лингрен, Жоанна Роулинг, Стефани Майер... чиқмайди!.. Булар ҳам ОНА бўлган, ўғлим. Оддийгина уй бекаси эдилар: бири — швед, бири — инглиз, бири — америкалик аёлларидиди. Биттаси оғир хасталикка чалинган қизалоғига тунлари тўқиб, айтиб чиққан эртаклари кейинчалик дунё болалар адабиётининг дурдоналарига ўнди (масалан: «Миттивой ва Карлсон» эртаги жуда машҳур). Биттаси, шунчаки, Эдинбург вокзалида келиши тўрт соатга кечиккан поездини кута-кута, ён дафтарига ёзганларини, энг аввало, саккиз яшар қизчасига ўқиттирди ва унга маъқул тушганини билгач, китоб қилиш учун нашриётга берди («Ҳарри Поттер саргузаштлари»). Биттасининг эса рўзғор юмушларидан ортиб, ёзган романи қўлёзмасини дастлаб ўқиб чиққан оила аъзолари кутилмаган эътирофла-

рини айтишган («Сумерки ёки зулмат остонасидаги муҳаббат»)...

Ҳа, ўғлим, она бўлиш — бола туғиш дегани эмас, фақат!..

***

...икки-уч кунгача миямдаги болалар йиғиси тинмади. Қаёққа бормай — ишдаманми, кўчадами, уйдами... — навраcталарнинг биғиллаб додлаши эшитилаверди. Сен эмасми дея гарангсиб қоламан...

Ўғлим...

Яна кула бошлаганингдан хурсандман!..

## Ўлмас жонлар

*(ёки бир «папка» ҳужжатдан бир халта таппигача)*

Мактабда унга «Кашшей» деб, лақаб ёпиштиргандик. Бундан у хурсанд бўлармиди ёки хафа... эслолмадим. Эслаганим, шусиз ҳам қисиқ кўзларини янаям қисганча, тиржайи-иб қараб тураверарди афтингга. Унга сайин биз ҳам ҳазилни ҳангомага, ҳангомани мазахга «хамиртуруш» қилиб, лақиллайверардик. Бўлмаса-ку гавдаси қорувли, бақувват бола. Ёлғондан уриб қўйсаям ростдан туролмай қолишимиз аниқ... Кўнглиям кенг-да! Шуни билганимиз учун ҳам ҳаддимиз сиғарди ҳазил-мазахга.

Йиллар ўтди. Ўзимизча улғайдик. Ва шунга яраша ўзгардик ҳам. Буни бугун, мактабдош жўралар, аҳёнда ўтириб-нетиб қолганимиздаям пайқаш қийинмас. Заҳримизга ютволган уч-тўрт пиёла «уйинг куйгур» таъсирида ёппасига алжирай кетамиз. «Милиса»миз сиёсат уришга ўтса, «маалим»имиз болаларнинг тарбияси расволигидан олади. «Кончи»миз чўлнинг ҳавоси хит қилганидан келса, «банкда ишлайди»ганимиз кредитдан кетади. Мен барчасини битта қилиб, «ғиди-биди»лайман... У эса гарчи бутилка бўшатишда мутлақо қатнашмаган бўлса ҳам, «кайфи бор»лардан

баттарроқ қизариб-бўзариб, баҳслашади. Ўтирганлар билан битта-битта, эринмай тортишади. Бехабар бир одам кириб қолса, ҳа-а, энг кўп арақни шу ичипти-да, деб ўйлаши тайин.

— ...ичишни қандай ташлагансан, жўра? — худдики пўстини ташлаган илонни сўроққа тутгандай, хорикулодда ҳайрат билан сўраймиз.

— Э, кўп тентакчилик қилдирган шу ичкилик! — олис бир замона хотиротини сўзлагандай, вазмин жавоб беради уям. — Кейин... ошнамиз Хирожам қайтарган. Намоз ўқиб қолувди-ку бир пайтлар... Ҳозир у намозди ташаган, мен ичкиликди...

Бувасига «дум бўлиб», каттаргани учун гап-сўзлари ҳам чолларга монанд: салмоқла-аб, эзили-иб, мақол-матал қўши-иб гапиради. Элда у танимаган одам йўқ. Оилалар ҳақида маҳалла раисларидан кўра тузукроқ бохабар. Кимнинг қизи қаерга тушган, ҳозир нечта боласи бор, ким қаерга ишлашга кетган... у тирик «маълумотхона» барига. Эринмай, ҳижжалаб айтиб беради.

Отаси Жалил ака қулоғи оғир одам эди. Бақириб-бақириб гапирсаккина эшитарди. Ўзи трактор-чи зотининг қулоғи «енгил»ини кўрмадим ҳеч. Икки йилча бурун уйларининг ёнгинасидан оқиб ўтган катта ариқдаги темир сувбандни кўтараман деб, бир қалққан-у юраги «ушлаб қолган»... Худойисига борганимизда, дарвозада қойим жўрамиз, бу дунёсида

ортиқ суянчиғи қолмаганини тўкис туйган каби ўз дардига суянганча адл турарди.

Онаси оламдан ўтганда, бу ҳали энди эсини таниётган бола бўлган. Аммо бола қалбидаям онаси қаттиқ муҳрланганини бултур кузда нохос илғаб қолдим. Амир Темур ҳақида бир китоб берди менга... Йўқ, уни оғиз тў-ўлдириб, «Китобхо-он» деёлмайман. Шунчаки, тарихга ўч. Айниқса, тарихимиздаги саркардаларга, шоҳларга... Амир Темур бобида гап кетса-ку, ўзининг отиниям эсдан чиқаргудек кайфиятга минади! Қўйиб берсанг, эрталабгача «Амир Темур»лаб чиқади. Бир ўғлининг исмини «Темурбек» аташ учун уйланганидан бери ғайрат қиляпти. Ниятига яраша Худоям бир эмас иккита ўғил берди. Таассуфки, бирида қайнотаси, бирида яна кимидир «мухолиф келиб», бул исми муборагини қўя олмади ҳалича. Унисини — Исломбек, бунисини — Улуғбек қўйишди. Аммо ҳануз ниятида собит...

Алқисса, менга берган китобининг варақлари орасидан «тўп» этиб бир расмча гиламга «калла ташлаганди». Олиб қарадим: оқ-қора, митти форматдаги, кў-ўҳна расм. Истаралигина, одми кийинган бир аёл, икки жужуқчаси билан тушган... Ўзига кўрсатдим бир-икки кундан кейин:

— ...аям бу! Мановиси опам, буниси мен... — дегандию томоғига нимадир тиқилгандай гапирмай қўювди, — ...ҳа, шу кўзимдан бир нима чиқяпти-да, намлангани намланган...

Онасининг барвақт вафотидан сўнг, отаси, ёш-ёш қолган болаларини ўйладими, боз уйланганди бир аёлга. Не шомки, ўгай онага жўрамиз, жўрамизга ўгай она... татимади. Улар ҳали-ҳали бир идишдаги сув билан мойдек...

Мактабни тугатгач, бир муддат биз «тўпламчи» (абитуриент)ларга қўшилиб, дафтар-китоб қўлтиқлаб юрди. Репетиторга қатнади... Қарадики, калласига билим уйини тополмаётган чумолидай киролмади-киролмади. Бор-ей деб қоғоз-ручкани йиғиштирди-да, армияга жўнади. Жўнагандаям унча-мунчасигамас, Тошкентнинг «Уч қаҳрамон»идаги «час»га кетди. Биз эса ҳадеб ўқишга топширавердик-топширавердик. Яна яқинроққа ҳаммас, нақ Тошкентга кўр чумчуқдай урардик ўзимизни.

Ана шундай ёзларнинг бирида Соҳиб деган ошнамиз икков уни кўргани бордик. Деворлари қадим қалъаларникидай баланд, устига симтикан тортилган ҳарбий қисм дарвозасидаги мудроқ соқчи, бизни кўриб, ажабки, ичкарига имо қилди: «...ҳи-и, келдиларингми? Кираверларинг. Анчадан бери кутишяпти силарни...» На ҳужжат кўрди, на сўраб-суриштирди... Президентни қўриқлайдиганларни тайёрловчи, муҳим стратегик ҳудудга кўчадан қандай борган эсак, шундайимизча кириб борардик?.. Анқайиб-танқайиб, ҳовлига энди қадам қўювдик ҳамки, ортимизда бақир-чақир қўпди: «...Сто-о-оп! Орқага-а!.. « Ҳозиргина бизни ўтказиб юборган соқчи, қўлида автомат,

югуриб келарди бизга. Ортида эса қориндор бир ҳарбий наъра тортарди: «...санга иш вақтида ухлашни кўрсатиб қўяман! Онангни уйими бу, жал-лаб!..» Аён бўлдики, соқчи бизни «мардикор» фаҳмлаган экан.

Ҳарбий хизматдан қайтган жўрамиз анча вақтгача «гражданский» ҳаётга кўниколмади. Ҳайтовур, «лигота» олиб қайтганакан, Навоий кон-металлургия институти талабаси бўлди. Шу орада уйландим. Уйланиши ҳам турфа ривоятларга туртки бўлди, аммо. Уйдагиларининг не-не орзуларда мўлжаллаб қўйган жамики «кандидат»ларини қатиъян рад этиб, Конимех тарафлардан танлаганига бор «овозини берди».

Талабалигининг қоқ ярмида ташлади ўқишни. Ҳаммасига «тилла» айбдор... Йўқ, «тилла» жилвасида бани Пахтачини «гипноз қилган» тирикчилик айбдор! Жўрамиз-да кўп қатори хомчўт қокди ўша маҳаллар: «...нима учун ўқияппан ўзи? Диплом учун! У нимага керак ўзи? Давлат ишига кириш учун!.. Шу давлат берадиган бир ойлиқди тиллаға чиқиб, бир ҳафтага қолмай топсам, газагимга дорими шу ўқиши?!» Угина эмас, қанча-қанча йигитлар ўқишу ишидан кечиб кетди ўшанда. Вақтнинг олий ҳакамлиги чин экан. Бугун бари англаб етяптики, ўқиб, илм олганга, «давлатти одами» бўлганга етмас экан!..

Ўша куни туманимиз марказидаги бир идора пойида, асабий авзода телефонга томоқ йиртардим. Қаёқдандир у пайдо бўлди: шусиз ҳам қисиқ кўзла-

рини янаям қисганча, тиржайи-иб қараб келарди аф-тимга. Қўлларида бир «папка» ҳужжат. Кўришдик. «Иримига» сўрадим:

— ...нима дардда юрибсан?

— Ўқишимди тикладим, ошна. «Заучни»га, фақат...

— Ие, кулли бўсин! Неччи йил деганда қайтдинг охири?

— Етти йил... Шу тиллани, тошди, тоғди ўйласам, бир жойларим оғриб кетувради. Тоза жонимга тегди ҳаммаси! Ўқийман-ей, онасини эмсин! Эртагаям жон керак менга...

— Бунча қоғоз нимага?

— Эй-й, шу банкка-да... «Кантракт» бўйинга илинди. Етти миллионли бойвачча бўлдим-қолдим. Шунга-а... кредит оламан десам, биранта бинкда таъ-лимга лимит жўғакан. А, биякда бир ҳапта срогим қолди. Қайдан топдим энди шунча пулди, каллам қотди, ошна-а...

«Полвонлик қоним қўзиди!» деб ёзади Тоғай Мурод таржимаи ҳолида. Шунга ўхшаб, мениям мух-бирлик қоним қўзиди. Бирга-бирга туман ҳокимига тикка бориб, айтаримизни айтдик. Ҳоким узил-кесил лафз қилди: «...ёрдам берамиз!» Бироқ махлуқнинг эмас, Холиқнинг айтгани бўларкан. Шу-шу бир ҳаф-та «тинчиб кетди» туман ҳокимлиги. Ахийри амал-лаб, тагига етдикки, ҳоким ҳам, ўша лафзига биноан бириктирилган масъуллар ҳам «ковид»га чалиниб

қопти. Шартнома муддати эса тугаб борарди. Бошқа йўлларини ахтардик. Ва қуёш Kun.uz сайтидан чиқди! Аниқроғи, сайтнинг Самарқанд бўлимида Ҳақни таниган, охиратини бу дунёнинг «қилпанг-жилпанг»ига алишмаганлар бор эканки, жўрамиз ўқишига зарур бўлган ярим йиллик шартнома пулини — уч ярим миллион сўмни эҳсон этишди!..

Қолган ярмига, лафзидан чиққан ҳолда, туманимиз ҳокими ёрдам берди. Ў-ў, жўрамизнинг шодлиги дунёларга сиғмасди! Туриб-туриб, ҳоким номига «Ташаккурнома» ёзмоқчи бўладими-ей. «Келиштириб бир раҳматларимди ёзиб сенга берсам... сен уни газитга берсанг... қандай бўлади, ошна?», дерди, ўзича ҳаприқиб. Кулимсиб, елкасига қоқардим:

— ...йўқ, жўра! Мен ўз вазифамни бажариб бўлдим. Ҳокимам ўзининг вазифасини бажарди... Майли, дуо қил, ҳурмат қил, жойи келса, баҳосини қил... Бошқаси ортиқча, деб ўйлайман...

— Шундайлиққа шундай-ку-у... Ин-ндамай кетишгаям бет чидамаяпти-да?.., — ўйга чўмиб қоларди.

Индамай кетмади, дарҳақиқат. Бир якшанбада уйғониб қарасам, уйимиздаги печга дадам таппи қалаяпти. Таппики, баркашдай-баркашдай. Билсам, ухлаб ётганимда, у катта халта тўла таппини елкалаб кептию супага суяб, қайтибди. Кирмабдиям, мени уйғотишларига кўнмабдиям. Тавба, ўзи-ку уйидаги печга эски-туски пойабзалларини ёқиб ўтирганди...

Сессиясини ёпди. Улгурди... Ҳозир «ИЖ» мотоциклини вариллатиб, тоғлар орасида елиб бораётгандир, эҳтимол. Ёки Конимехда, қишнинг совуғидан соғ опчиқиб олай деган хавотирда оббориб қўйган болаларининг олдида, қайнотасининг уйидамикин. Балки, қишлоқнинг қайсидир хилватидаги тегирмонда навбат кутиб ўтиргандир. Теграсидаги қай бир «тиллачи»га тарихдан куйиб-пишиб, ваъз айтаётган бўлса ҳам ажабмас: «...шундай қип Амир Темур отиға шаппа минганда, чўлди ў-ўртасиға борип, қумға чўк тушган. Худоға сўз берган, энди ичкилик-пичкиликди ташайман, хотинларимға ҳаптасиға бир марта жақинлашаман, деган!»

Унинг тилида, унинг талқинида тарихий шахслар гўё бир қўшнисидек қад ростлайди. Улар тўғрисида кўзи билан кўргандек, заррача гумонсиз гапиради. Қўлига тушган китобни, илми зўр темуршуносникими у, «темирчи»никими у... ишониб ўқийверади. Иштаҳа билан ўқийди. Сўнг, маврид-бемаврид, айтиб беришга тушади. Беғараз сўзларини тинглаб, танг қотади киши. Темур ўлмагандек худди. Узо-оқ бир ўлка фатҳига кетгану эрта-индин қайтадигандек... Ҳа, унингча, Соҳибқирон ҳам, Мирзо Улуғбек ҳам, ҳазрат Навоий ҳам, шоҳ Бобур ҳам... «ўлмайдиган жон»лар! ЎЛМАС жонлар...

## У барибир ишсиз қолаверади...

*(...эртак эмас!)*

Унинг орзулари катта эди. Ишонарди: илмга, аъло баҳоларга, олий таълимга, дипломга, давлат идораларига ва ўша идораларда ўтирадиганларнинг гапларига...

Мактабда аълога ўқиди, ҳамма фандан. Унинг дадил жавоблари янграмаган, қўли кўтарилмаган дарс йўқ эди. Зеҳни зўр эди-да! Бир ўқишда ёд оларди. Семиз-семиз қомусий китобларни ҳам унинг уйида кўргандик илк даъфа. Биз тўртинчи синфларда амал-тақал «Ўқиш китоби»ни ҳижжалаб юрган бир пайтимизда, у кирилл алифбосида битилган кўҳна энциклопедияларнинг жилдларини излаб юрарди кутубхоналардан. 1996 йилги февраль фожеасига мутаассиран ёзган икки энликкина бадиҳаси туманимиз газетасида чиққанди. Шеърларини ўқиган Олқор Дамин уни қидириб келганди қишлоғимизга. Ўн бир ёшидаги кечмишлар — бу!..

Тўққизни тамомлаб, Иштихондаги тиббиёт коллежига кетди. Ва уч йилда бутун қишлоғи аҳлини бемалол текшириб-ташхис қўйиб-муолажа қилар даражадаги фелдшер бўлиб қайтди. Ҳозир ҳам шу тиб-

бий билими билан марказий шифохонада ишласа ёки дорихона очса бўларди, аммо...

Коллеждан сўнг мустақил тайёрланиб, Навоий педагогика институтига топширди. Олийгоҳ талабаси бўлди — грант. Гарчи биринчи курсдаёқ дарслардан хафсаласи пир бўлган эса-да, ўқиди охиригача. Ҳамсабоқлари «беш»га ёпиш-чун ҳаллослаб юрганда, нимқоронғи хонада — мисол-масалага тўла қоғозлар узра мук тушиб ўтирарди. Тик тушларда телефонимни жиринглатарди: «...тез етиб келинг-да!» Телефон ўчарди. Каллада минг ўй, уйига кириб борсак, сочилиб ётган китоб-дафтарлар ортидан бақирарди: «... масаланинг жавобини топдим охири-и! Институт профессори, жавоби йўқ буни, деганди. Боракан-ку, мана-а...»

Институт дипломини олгач, ошиғич иш излади. Мактабларда иш чиққандай бўларди-ю, бўшарди-кетарди кўп ўтмай. Сабабини сўрасак, индамай сигарет ёқарди. Тирикчилик кўчаларининг барида изғиб кўрди: қурилишда бетон қорди, тош конида кувалда урди, томорқасини иссиқхонага айлантирди, курка боқди, қуён қаради... Меҳри тушди, албатта, бу юмушларга. Лекин бошидаги ғиж-биж илм тинч қўймасди уни ҳеч. Чидолмай, курс очволди уйидан. Ўнлаб болаларни қовоқмияликдан қутқариб, олий ўқув юртлари талабасига айлантирди. Ҳар сентябрда навбатдаги «учирма»ларидан кейин яна чўкиб қолаверарди: «...давлат ишига тенг келмас экан, барибир.

Эркак одам эрталаб уйидан чиқиб кетиб, кечга чарчаб кириб келсагина қадри бўларкан! Уйда ўтирибсанми, нима қиляпсан, нимани ўйлаяпсан... — фарқсиз, бекорчи кўринаверасан...»

Диплому паспортини кўтарганча иш излаб, Пахтачида бормаган биноси, кирмаган эшиги, кўришмаган раҳбари қолмади, ҳисоб. Жавоб ўша-ўша: «...ҳужжатларингизни ташлаб кетинг, бўп қолса, хабар берамиз». Ташлаб кетади ҳужжатларини. Улар эса сувга тушган кесакдай жим-м бўлиб кетишади.

Ниҳояти, бир куни вилоят ҳокими ҳам келди Пахтачига. У ва унга ўхшаганлар номидан бориб, айтдим айтаримни ҳокимга. Ҳоким тегишли раҳбарларга тайинлади: «Ҳал қилинглар!» Тегишли раҳбарлар эса менга лафз уришди: «Ҳал қиламиз!» Вилоят ҳокимининг ўша сайёр қабулига... уч йилдан ошди... ҳамки, у ҳамон ишсиз. Жавоблар ҳар галгидек: «...иш йўқ ҳозирча, соҳангизга тааллуқли. Ҳужжатларингизни ташлаб кетинг, бўп қолса...». Ана шундай: у барибир ишсиз қолаверади!

«У» деганимиз — бор одам. Исми Анвар, фамилияси Қурбонов, шарифи Абдумўминович... Ёши ўттиз учда. Оилали. Фарзандлари бор. Яқинда оиласи бузилиб кетишига бир баҳя қолди. Шу ишсизлик аламига... «Сарой» маҳалласида яшайди. Ўз устида аёвсиз ишлайди, аммо. Бунинг исботи — ўқишга кирган шогирдлари. Ҳа, у илм олишда ва беришда чарчашни

билмайди. Бироқ кутишдан чарчади. Беҳуда елиб-югуришлардан чарчади. Ишонишдан чарчади.

Унинг орзулари катта эди...

## Ҳафтанинг саккизинчи куни

*Ижодий-маданий ишлар бўйича таргиботчи... Кулгим қистаганди бошда. Шунақаям лавозим бўладими? Хўп, у нима каромат кўрсатади мактабларга борволиб? Китоб ўқишни ўргатадими? Йўг-ей, буни богчадаёқ ўргатишади-ку болага!?.. Китобни кўп ўқишга қизиқтирадими, бўлмаса? Адабиёт ўқитувчилари нима қиляпти унда?! Ўқишга арзийдиган ва албатта ўзиям ўқиб чиққан китобларни, битта-битта саралаб, навбати билан ўқувчиларга тарқатиш ҳамда қайтариб олаётганда, фикрлашиш, хулосаларини сўраш... бўлса керак-да, у ҳолда вазифаси? Хўп, унда кутубхоначи нима учун керак?!.. Ҳа-а, мактабдаги китоб ўқишни яхши кўрадиган ва ўзича нималардир ёзиб-чизиб юрадиган ўгил-қизларни аниқлаб, уларнинг шу қизиқишлари устида ишловчи, шунингдек, улар ёзган-чизган хомаки нимарсаларнинг у ёқ-бу ёгига «қалам теккизиб», матбуотда олиб чиқувчи... Шундайми? Биринчи муаллимлар ва кейинига синф раҳбарлари қилмасмиди бу амални? Ҳарқалай, биз ўқиган пайтларда муаллимлар «йилт» этган иқтидоргаям бефарқ қарашмасди. Синфимиздаги шеъриятга ҳавасманд болаларнинг*

*ёзганларини хатжилдга солиб, туман газетасидан тортиб, Тошкентгача юборарди муаллимларимиз. Ҳатто бир сафар пойтахтдан катта бир болалар шоири мактабимизга келганди — айнан шеър, мақола, иншоларни қойиллатиб ёзадиган бир синфдошимизни ахтариб!.. Хўш, унда нима иш қилади бу «таргиботчи»? Тақвимдаги «қизил кун»лар муносабати билан тадбир-падбир ясаб юрадими, мактабда? ММДЎ — маданий-маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари, эскичасига айтсак, «замдиректор»ларнинг иши нима унда?.. Бундан чиқди, яна битта «ойликхўр» давлатга! Агар Ўзбекистонда ўн мингта мактаб борлиги рост бўлса — ўн мингта бюджет учун «ортиқча одам» дегани бу!..*

Мана шундай мушоҳадалар мени беш ойча мактабга бордирмади. Директори чақирди, ходимлари чорлади, халқ таълим бўлими суриштирди, ҳокимиятдагилар ундади, яқинлар қистади... Мен эса ўйларимдан ўза олмасдим ҳануз. Аммо... ТИРИКЛИГИМИЗ сабаб кўнмаганимизга тирикчилик баҳона рози бўларканмиз бир куни, барибир. Ҳа, мени: икки-уч ойда бир бериладиган арзимас маош, унгача уюлиб кетадиган қошу қарзлар, ташвишманд хўрсиниқлар, ҳисоб-китобдан тиришган пешоналар, фақат ва фақат кўтарилиб бораётган нархлар, танг қишлоқ шароити, яқин қолган қиш... қисқаси, тирикчилик кўндирди, ахийри. Шундай қилиб, сентябрь ўрталаганда,

чон «олабўжи» кўриниб қолганимни пинҳон тутганим боис ўзим қониқмадим жавобимдан. Начора, юнонлар айтмоқчи, Димокрит менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан устунроқ.

— Менинг ёзганларимни газетада чиқармасликнинг иложи борми? — дея бот-бот сўрайди беғубор табассумли Бинафша хиёл қизариб. — «Чалашоир» деб, устимдан кулишяпти-да...

Чапақайлардан, мана шундай, терс мулоҳазалар чиқади, одатда. Бизнингча, терс туюлади, тўғрироғи. Пировардда эса наинки ўзларини, балки бутун башар ҳаётини ўнглаб юбориши мумкин мулоҳазалари. Дейлик, да Винчи. Ҳа, ўша машҳури жаҳон кашшоф. Чап қўлида ёзарди, чизарди, ҳисобларди... Бироқ илк сувости ғаввослари кийимидан то парвоз қилиш мосламаларигача у ихтиро қилмабмиди?! Унга қадар буларнинг бари миф эди, холос. Шундай экан, бугун мазахларга мўлжал бўлган кўйи ёзганларидан ийманиб юрган шу қиз истиқболида инсоният фахри мужассамдир!..

Йўқ, бунинг учун айнан ниманидир ихтиро қилиш шарт эмас. Эҳтимол, ўзи орзулагандек, рус тили фани ўқитувчиси ўлароқ қадр топар. Ёки уйдагилари орзусича, доктор бўлар, буям (қизиқ, элдошларимиз фарзандларида фақат «дўхтир» ё «военний»ни кўришади. Нима, бошқа касбга эҳтиёж йўқми бу юртда?! Борликка-ку бор, саноқсиз. Ҳамма бало шундаки, юртнинг эмас, шахсан ўзимизнинг эҳтиёжларимиз-

ҳар шанба қишлоғимиз бошидаги билим ўчоғига — 47-мактабга қатнашни бошладим...

— ...Нима учун шу-унча мактаб турганда, бизни танладингиз?, — сўраб қолди бир сафар 5-синф ўқувчиси Ёдгор. — Ўқиган мактабингизга борсангизам бўларди-ку, масалан..?

Бу саволни беришлари тайин эди. Аммо ўн икки яшар боладан чиқишини кутмагандим. Фаранг чоли Гюгонинг гапи чинакан: масхарабоз билан болани мот қиламан деб, хомтама бўлма! Бироқ Ёдгорнинг болалиги туғилганидан уч кун ўтибоқ тугаган. Онаси уни келтирган дунёни тарк этаётиб, ўғлининг доктор бўлишини истаган негадир. Шунга исми Ёдгор. Истаги эса ҳарбий ҳам дарвозабон бўлиш. Бир бошида докторлик, ҳарбий ва дарвозабон бўлмоқ амалини қандай эплашга ҳайрон. Ҳарбий врач бўлишини кенгаш бердим. Истеъфога чиққач, дарвозабонликкаям улгурар. Миллий терма жамоамизда қирққа кирган тўптепарлар лўкиллаб юрганини кўрдик яқин-яқингача.

— Бошқа мактаб — бошқа олам, қайсидир маънода, — дейман самимий кайфиятни йўқотмасликка тиришиб. — Мен учун бошқа оламларни кашф қилиш қизиқроқ. Қолаверса, бу мактаб ҳам менга жуда-а бегона эмас, болалигимнинг ярми шу теваракда ўтган.

Улар жавобимдан қониқишди, чоғи, саволлар ўзани ўзгариб кетди ва бу мавзуга қайтишмади. Аммо асл ҳақиқатни айтмаганим, яъни бир мақолам баҳонасида ўқиган мактабим маъмуриятига аллақа-

дан келиб чиққан ҳолда зурриётларимиз келажагига «тамға босамиз»!). Менга қолса-ку, ўз орзусига эришгани маъқул. Хўп, нега бу қиз рус тили ўқитувчиси бўлмоқчи ўзи? Фаҳмимча, уларга рус тилини ўта хушфеъл, очиқюзли ва меҳрибон ўқитувчилар ўргатган. «Малика опа», «Лола устоз» каби исмларни қайта-қайта учратаман дафтарларида. Баланд, тоза бир эҳтиром ила эслайди барчасини. Ўша ўқитувчилар ўз соҳаларини қанчалик эгаллашган, билмадим, аммо қисқа вақтда ўз хулқлари билан ўқувчилар қалбидан чуқур жой эгаллашибди. Ва энг муҳими, улар ҳеч бир болани мазах қилмай, кўнгилларини рағбатлантира билган!

— Иложи-ку бор, албатта, — дейман аввал Бинафшага, сўнг бошқаларигаям бир-бир кўз ташлаб, — хўп, шу билан устингиздан кулишни бас қилишадими? Мазах қилишдан тўхташадими шу билан?.. Одамларга қулоқ солсанг, одам бўлмайсан, дейди Тоғай Мурод. Ич-ичингиздан тўғри йўлда эканлингизни ҳис этиб турибсизми, бас, валломати гапирмайдими — қайтманг!

Шу гапларни айтяпману ўзимиз қанчалик амалда эканлигимизни хомчўтлардим. Мактаб даврларимга хаёлан сафар қиламан. Синфимизда иккитаси шеър ёзарди. Ва уларга ҳавас ҳам ҳасадан боз биттаси ўзича қофия ясашга тушган эди. Шоирчаларимиздан бири — дипломат, бири — президент бўламан дерди. Учинчиси эса гарчи қишлоқ бозорига боргунча ав-

тобусда сулайиб, ҳамаёққа қусса-да, «Катта бўлсам, фазогир бўламан!» деб, иншолар ёзарди. Бугун-чи: «дипломат»имиз — шаҳар кузатув камералари узра бошлиқ, «президент» — кимё-биологиядан репетитор. Учинчисими?.. Униси ҳануз ёзяпти. Камига, юрагини бўшатолмай юрганларни ёзишга ундаб ҳам туради. Уни ўшанда ҳам мазах қилишарди, ҳозир ҳам орқа-олдидан ҳиринглашади. Аммо у ибодат қадар ҳаловату сакинатни ёзишда ва мутолаада топдики, қолганига оғиз тўлдириб тупургани бор...

— Кўп нарсаларга қизиқаман... Аммо Мессидай футболчи бўлгим келади.., — дейди Зафар қимтиниб. — Ўзбекистонга кўп ғалабалар опкелсам... жаҳон чемпионатларида голлар урсам...

Худдики ортиқча гапириб юборгандек, жимиб қолган Зафарга бироз қараб тураман. Бошқалар ҳам унга тикилади. Айниқса, ёнида ўтирган Ёдгорнинг кўзларида «Гапир, жўра, гапирсанг-чи!» хитоби ёлқинланади. Зафар гапирмайди.

— Зўр-ку! — дея Зафарга рўпара ўтираман. — Нега ўз орзунгдан уяласан?.. Лекин бир гап: Мессидай голурар бўлиш учун Неймардек елкадошинг ҳам бўлиши керак! «Barsa»да тўп суришган пайтлари бу иккиси эт билан тирноқдай эди. Мессига тўпни рақиб дарвозаси олдида айнан Неймар ў-ўхшатиб ошираради. Ва Месси бо-оплаб голини урарди... Европа футболининг ютуғиям шунда! Хўш, сенда шундай елкадош борми? Ҳаётдаги «Неймар»инг ким?..

Зафар қабатидаги Ёдгорга қараб қўяди. Ёдгор эса менга мамнун ва мағрур жилмайиб қарайди: «...Ана шундай жўрам бор!» Қандай яхши! Ўзлари каби ғуборсиз ва бетама дўстлик. Тайин бир дўстга ёлчиш ҳам улкан бахт. Бу риштани охиригача сақлаб қолиш — саодат!..

— Шу чорак тугагандан кейин Навоийга оилавий кетяпмиз... — деган Маржонанинг сокин товушидан ҳушёр тортаман. — Бутунлайга!.. Охирги топшириғингизни бажариб келдим. Ўргимчак тўрини топиб, чизиб келишимни айтгандингиз. Мана...

Кўзойнак ортида жавдирабгина турган кўзларида хижолат қалқди. Чизиб келган расмига қарайман: оддий қаламтасвир, ўргимчак ҳам, тўрига илашиб қолган ўлжалари ҳам жилмайиб турарди... Ажаб, болалар чизган ҳамма нарса кулиб туради доим. Аввалбошда ҳамма уларга кулиб қарагани учундир, эҳтимол. Маржона яхши сурат солади. Натюрморт, натура, мойбўёқ... барчасида тасвирни тасаввур учун кифоя даражада ифодалай олади. Китобни ҳам кўп ўқийди. Ҳуснихатиям тез ва равон... Кетаётгани хабари оғир ботган эса-да, сездирмасликка уриниб, расмларини узоқ томоша қиламан.

Гўё бари ана шундай, аста-аста мактабни тарк этаётган каби қараб-қараб оламан. Улар ҳам менга син солиб ўтиради: ана, митти Гулсанам — мендан бир мўъжиза кутгандек, чарақлаб тикилади; ана, тўпори Меҳриддин — дафтарига берилиб ёзяпти; ана, эрка

Гулсевар — ёзувтахтани биринчи бўлиб артиш-чун югуришга шай кайфиятда; ана, камгап Муҳаммад Али — сокин қароқларига жиддият чўккан; ана, шаддод Саломат — қўлидаги эртак китобни тутилиб-сутилиб бўлса ҳам ўқиб бериш пайида... Қай бирларини кейинги шанбада кўришим даргумон: ё касал бўп қолади ё кимидир оламдан ўтади ё иши чиқади ё шунчаки, киргиси келмайди.

— ...уйга вазифани ёзинглар! — дейману бўрни ҳорғин оламан. Ёзувтахтани тўлдириб, учта сўз ҳосил бўлади: «Ҳафтанинг саккизинчи куни»

Бир муддат дафтарлар шитирлаши тўхтайди. Нигоҳларда муаллақ қотган саволларга жавобан лафз очаман:

— Бут-тун ҳафтани иш-ўқиш-ташвиш... билан ўтказиб юборамиз. Тасаввур қилингларки, ҳафта кунларидан ташқари, яна бир кун берилса? Ўз-ўзларингга! У кунда ҳеч-ч қандай мактаб ҳам, уй ишлари ҳам, бошқа ташвишлар ҳам бўлмаса!.. Хўп, ким қандай ўтказган бўларди, ўша, ҳафтанинг «саккизинчи куни»ни?!

— Мен бир-р тонна китоб ўқиган бўлийдим! — деди дарҳол бирови ҳаяжон-ла бижирлаб. Қолганларим бўлак бир тараддудга тушади.

— Кейинги шанбага ёзиб келасилар! — дейман хайрлашув оҳангида. — Бўлди, соат... ўҳ-ҳў-ў, иккидан ошиб кетибди-ку! Қоринларингам очиб кетгандир?..

— Ие... Дарров икки соат ўтиб кетиптими?! — дейди Бинафша ишонқирамай. — Бошқа дарсларда танаффусни кутавериб, зерикиб кетамиз!..

Ҳа, бизнинг машғулотлар шундай: на вақт, на танаффус, на йўқлама, на рўйхат, на баҳо-балл... Барчасидан холи, эркин ва ихтиёрий, бир ўйин мисоли ўтказамиз. Бирда стул етмай, жой талашиб қолишса, бирда тўрттагинаси, синф бўйлаб сочилиб ўтиради. Ижод учун, китоб учун ҳеч замонда мактаб аҳли ёпасига ёпирилиб келганмикин ўзи?!

Машғулот кунимиз бўлмиш шанбани ярим истеҳзо ичида — «ҳафтанинг 0-куни», дейман. Тўғри-да, мазмунан: (як)шанба — биринчи, (ду)шанба — иккинчи, (се)шанба — учинчи, (чор)шанба — тўртинчи, (панж)шанба — бешинчи, (одина) жума — олтинчи... кун бўлгач, шанба-чи? «Еттинчи кун» десак — «ҳафт-шанба» дейилиши керакмасмиди форс-тожик забонида? Соф туркийча айтилиши йўқми ёки?! Мисол учун, Хоразм тарафларда — «бозорнинг биринчи, иккинчи, учинчи... куни» деб юритилишини ўқиганим бор. Қишлоғимиздаги ёши улуғлардан ҳам шундай тартибда санаганларини эшитиб қоламан. Ҳафта-пафта дейишмайди. Ислом ақидаси бўйича ёндашсак, янаям маъқулроқ аталарди, аммо: якшанба эмас — «Яралишнинг биринчи куни», душанба эмас — «Яралишнинг иккинчи куни» ва ҳоказо.

Бироқ барибир шанба куни, қайси томондан қарамай, ортиб ёхуд етмай қолаверади саноқ бобида.

Шундаякан, шанба — «ҳафтанинг нолинчи куни» экан-да деб, кулимсираб қўяверамиз. 47-мактабдаги қоракўзлар эса — ўша «нолинчи кун»да ЎҚИЙДИ-ганлардур! Рост, улар шу куни астаҳидил ўқигани келади мактабга. Шу куни улар кутубхонагаям фарқ-ли бир иштиёқда ўзларини уриб, китоблар кўтариб чиқишади. Ва шу кунда улар асарлар ичига шўнғиб, қаҳрамонлари бирла саргузаштларни «бошдан кечи-ришади»...

Мен эса... ҳали-ҳануз ўзимни «ортиқча одам» ҳис этаман! Ҳали-ҳануз бу «тарғиботчи» деган кимса-нинг раҳбарият доирасида белгиланган (аниқроғи, қолипга солинган!) вазифаларидан энсам қотади! Ҳали-ҳануз «ҳамкасб»ларим сингари беш-ўнта бо-лани йиғиб-териб, «жиддий-жиддий» қиёфаларда суратга туширтирган аҳволда, ўзимни «иш устида» кўрсатолмаяпман! Ҳали-ҳануз «тадбир», «конкурс», «мусобақа»... саналувчи қуруқ ҳисобот учун уюшти-риладиган, хўжакўрсин томошаларга рағбатим бўл-маётир!..

Аммо ҳар шанба — «нолинчи кун», тушга яқин кийина бошлайман. Илож қанча, мен ўз виждонимга фириб беришим мумкиндир, бироқ болаларни — ту-манимиздаги 47-мактабдан топган «маъдан»ларим-ни алдашга ҳаққим йўқ.

## Қулоқ остидаги «граната»

— ...Мактабдаги ишингиздан кетдингизми, ака?! — дея хушхандон рўпарамдаги курсига жойлашган ҳамкасбимга бир муддат қараб қолдим. Гап ерда ётмаслиги-ку тайин, аммо унга буни ким айтиб, суюнчи сўради экан? Уйимдагиларга ҳам айтмовдим ҳали. Айтсам... отамни ўй босади, биринчи навбатда. Ва кўп ўтмай, шу етмишга етаёзиб қолган ёшида, шу жазирама иссиқда, шу оқарган соч-соқоли билан қора меҳнатга чиқиб кетади, яна — рўзғор!.. Шунга, лоақал бошқа иш топгунимча, айтмоқчи эмасдим... Аммо энди яширишнинг фойдаси йўққа ўхшайди. Кўнгил етиб сир берганларингни-да «сирдош»лари бўлиши мумкинлигини ўз вақтида ўйлашинг керак эди...

Енгил хўрсиниб, тасдиқнамо бош ирғадим:

— Ҳа, бир ойдан ошди.

— Нимага? — янаям ёйилиброқ кулганча сўрашда давом этди у. Феъли ажаб-да шу мухбиримизнинг: ичи идраб турсаям табассумни уддалайди.

— Шунчаки... одам қачон кетишиниям билиши керак, дейишади-ку, — дея мен ҳам илжайишга урингандим, истеҳзоли нимтабассумда қотди-қолди

авзоим. Қизиқ, нега виждонини ҳалича тамоман соб қилмаган одам вижонан адо этган қарорини... яшириб юришга маҳкум? Виждон иши — «уятли иш»-ми, шуқадар? Жиноятми ё — жазосидан қўрққулик? Гуноҳмиди, жаҳаннамга тиқса?.. Ҳолбуки, не-ечтаси еб юрган «ахлат»ини ошкора айтиб, ғурурланиб юрипти, ҳатто: кимни қанчага чув туширганидан тортиб, кеча ким билан ётганигача... Сенга ўхшаганлар эса — эътиқоди буюриб, қонунан бажарган қарорини олазарак беркитиб яшайди. «Ноутбук»инг жилдида «беркитиб» келаётганинг, Малак ёзган «очиқ хат» каби...

***

...Ҳар гал «ноутбук»имнинг жилдидан олаётганимда қоғоз парчаси қўлимга илашиб чиқади. Умумий дафтарнинг орт муқовасидан йиртиб олинган бу парчадаги саволнинг қалин сиёҳда, катта-катта лотин ҳарфлари билан ёзилганигаям... ярим йил бўпти. Феврал бошлари эди ўшанда. Навбатдаги шанба, навбатдаги машғулот, навбатдаги синфхонани «бошимизга кўтарган» бир палла. Туғилган кунлар ҳақида гаплашдик. Бирма-бир бу дунёга келган саналарини айтишди.

— ...Мен туғилган кунимни ёқтирмайман! — деб қолди тўполончи Севдиёр жиддий қиёфада.

— Сабаб? — қизиқдим партасига яқин бориб.

— Эйй... анувв... бувамдики билан бир кунда бўлади... Шунга...

— Яхшимасми, қайтанга? — ўсмоқчиладим қаршисида қаққайиб. — Дастурхон янаям қуюқроқ тузалади, меҳмонлар икки баравар кўпроқ боради, демакки совғаларам икки баравар...

— Яхшимас-да, шу! — тажанглашганди тўполончим. — Ҳааамма бувамди табриклайди фақат... Мен ўзимга умуман йўқдай, ортиқчадай кўринаман шу куни...

— Ҳмм... — нима деяримни билмай, жим қотгандим бир муддат. — Дардимиз биракан, очиғи. Менам туғилган кунимни ёқтирмайман!.. Сабабида фарқ бор, аммо...

Уйга вазифани берарканман, митти Малак орқа парталарнинг биттасига жойлашдию дафтарининг муқоваси ичига хафсала ила ёза кетди. Ниҳояти, «ширт» эткизиб, ўша ёзган жойини йиртди-да, буклаб-тахлаб, менга олиб келди ва баралла уйимга боргачгина очиб ўқишимни сўради. Уни кўриб, эрка Гулсевар қоғоз парчасига мук тушди, уни кўриб эса жажжи Севинч... Хулласи, ўша кун уйга оламжаҳон «очиқ хат»лар-ла қайтгандим. Ва албатта, ҳаммасини уйимдагина очиб ўқиш шарти иловасида.

Барчасини ҳануз сақлаб келяпман. Лекин, ажабки, митти Малакнинг ёзгани бу жилдда қолиб кетган. Ҳар илашиб чиққанида қизалоқнинг саволини ўқийман: «Nega tug'ilgan kuningizni yoqtirmaysiz?»

Кулиб қўяман. Жамики жавобларни яхлитлагандек биргина сатр сизади бўғзимдан: «...Алвидо кунимдир — туғилган куним». Бироқ Рауф Парфининг Тагорга бахшида ўлароқ битган шеъридаги бу сатрни уларга қандай англатишни билмайман. Бутун бошли Туркистон жадидларидан биргинасини — Саид Ризо Ализодани танитгунимча ўзимни танимай қолай дедим-ку, ҳинд алломасига йўл бўлсин...

***

...Ўшанда «тепа»дан навбатдаги топшириқлар келгандики, унга кўра Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар (кейинги ўринларда, шунчаки «тарғиботчи»!) мактабларда тўгараги аъзоларига президентнинг фалон қарорию писмадон фармони моҳиятини уқдириш баробарида маърифатпарвар Саид Ризо Ализода ҳақида ҳам недир тушунчалар бермоғи даркор эди. Қарору фармонларнинг ижодга нима алоқаси борлигини-ку англолмай ўтиб кетсам керак, аммо Ализода деганларига ўзим ҳам қизиқиб қолгандим. Интернетни чуқаласам, бир ҳужжатли фильм чиқиб келди. Кўрдим, ёмон эмасдек. Бўлди, жужуқларимга шуни кўрсатаси бўлдим.

Аммо... аммо ўша куни синфхонада сира кузатмаганим ҳол рўй берди — полапонларим ухлаб қолишларига оз қолди!.. Ҳолбуки, ҳужжатли фильм фактлар асосида, пухта ишланган. Ҳолбуки, қўши-

либ кўряпман. Ҳолбуки, жавраб турибман. Ҳолбуки, ахёнда саволлар ташлаб қўяман. Ҳолбуки, тўрт соатлаб машғулот ўтсам-да, ҳеч мудрамасдан, ёниб туришарди... Фарқсиз, ёппасига уйқу элитарди барини бу гал. Ахийри, ярим соатда тугаган фильмга қўшилиб шукуҳлар ҳам тугади. Компьютерни ўчириб, бўрни олдим. Ёзувтахтага уй вазифасининг сарлавҳасини ёзарканман, ортимда «тиқ» этган товуш келмасди. Қарасам... ў-ўтиришибди. Дафтар қоралагиларим келмасди ҳатто. Ёзганимни овоз чиқариб ўқидим, рағбатлари ошарми деб: «Ўнта тилни ўрганишимиз учун бугун бизга нима халақит беряпти?!»

— ...Ҳеч нима! — деб қолди Ёдгор шартта. — Ўзимизга ёқмайди, просто, тамом!..

Синфда оний сукут муаллақ қотди. Менинг бошим ҳам... Бас, шу-шу қайтиб бунақа — «димедрол» машғулот ўтмадим. Ҳамкасбларим ўқувчиларини синфга қамаб, қулоқларига сиёсий довулларни даранглатишаётган бир маҳалда камина одамчаларини дарё ёқаларида, тарихий тепаликларда, музею кутубхонада, қуриган канал сувбандида... судраб юрардим. Икки якун муқаррар эди бу йўриқда: биринчиси — шумтакаларим хотиротида мана шуларгина муҳрланиб қолади, иккинчиси — «тепа»дагилар эрта ҳисоботда буларни бир пулга ҳам олишмай, бошқа нарсани талаб қилишади. Талаб қилишди ҳам, вақти етиб. Семи-из бир «папка»ни тўлдириб, ҳисо-

бот топширишимни сўрашди. Обдан ўйлаб, биргина қоғоз элтиб бердим — «Ариза»...

***

— ...Э-эй, ака, олинг-ей бу қоғозингизни! — ўтирган жойида хиёл тараддудланди тарғиботчилар бўйича «туманбоши»нинг елкадоши олдига ташлаган «Ариза»мни кўриб. — Бир йилда бир сўраладиган ҳисобот-ку... Маънавий-маърифий ишлар бўйича «замдиректор»ларингиз билан келишиб, ёпиб юборсангизам бўлувради-ей! Не-ечтаси шундай амаллади...

— Гап ҳисоботдагина эмас, Меҳрожбек, — дейман айб иш қилиб қўйгандай қимтиниб. — Шу пайтгача тарғиботчиларга берилган топшириқларнинг бирортасини бажармадим... Низомниям ҳеч қайси бандига қойиллатиб амал қилганим йўқ... Ва бундан кейинам амал қилмоқчимасман!..

— Ие, нимага?..

— Аҳмоқона бари, шунга! — ошкора қизиша бошлайман. — Сиёсат нимага аралашса, аралашсину ижодга, кўнгил ишига тумшуғини суқмагани яхши экан... Бу ҳақида қисқача фейсбукдаям ёзувдим, яқинда...

— Ҳаа, ўқидим...

— Ўша фикрларимда собитман, ҳалиям, — дея оҳангдор таъкидлайман, худдики шу фикрларимнинг

кимгадир қизиғи бордек. — Ишонаверинг, Меҳрожбек, қарору фармонларниям, қайсидир алломанинг неччидир йиллигиниям... мактаб боласига, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига ҚИ-ЗИ-ҒИ ЙЎ-ЎҚ! Тадбир-падбирлардаям мажбурликдан ўтиришади зерикиб.

— Йўғ-ей..?

— Ҳа!.. Силар айтгандай машғулот ўтиб кўрдим бир-икки марта, — дедим хижиллигим ошиб. — Болалар... ухлаб қолай дейишди!.. Кейинги сафар ярми кирмади синфга. Стадионда тўп тепиб юрипти... Шунчаки, улар ҳали — БОЛА! Ана шундан сопини чиқариб, ўйлашимиз керак методикани...

Анча гаплашдик. Хайр-хўш чоғида қўл сиқишарканмиз:

— ...агар айтганингиздек ўзгаришлар бўлиб қолса ишимизда, бир-ринчи бўлиб сизни қайтариб чақириб оламиз, ака! — деб қолди эндиликда собиққа айланган «бошлиқча»м.

— Агар шундай ўзгаришлар бўлиб қолса, бир-ринчи навбатда болалар учун хурсанд бўлар эдим! — дедим идора остонасида бир муддат тўхтаб. — Мен уларга, шунчаки, фикрлашни ўргатмоқчи эдим. Ижод, илҳом... буларни ўргата олмайман, барибир. Ҳеч ким ўргата олмайди... Омонлик!..

Таҳририятга қайтарканман, йўл узра юрибмас — учиб борардим, гўё. Ҳар ишдан бўшаганимда, пардек енгил тортаман, рости. Елкамдан нимадир... нимадир

«гурс-с» этиб тушгандек бўлади. Ўқилмай ётган китоблар, чала қолган ёзув-чизувлар, ўғлим билан тўйиб-тўйиб ўйнаш, олис-олис манзиллар, дийдорлар... ўтаверади, кўз ортимдан...

Йўл-йўлакай мактаб маъмуриятига ишдан бўшаганим хабарини бериб қўйдим. Жойи келганда, баъзи кўнгилетар дўстларга айтдим. Мана, матбуотдагилар ҳам билиб бўлишди... Оиламу одамчаларимга айтмадим фақат. Айтолмаяпман... Ҳатто ўзлари сўрашганда ҳам...

***

...Касалхона ҳовлисида ҳолсиз ўтирганимда телефоним тинғирлади — бир қарашда, нотаниш... лекин қандайдир кўзтаниш рақамлар қалқиб турарди экранда. Кўтардим:

— ...алло? Устоз?.. — деган таниш товушдан ичим илиди.

— Эшитяпман!..

— Ҳа... Яхшимисиз?..

— Яхши... Қайсинг бу?

— Мен... Севдиман, устоз!..

— Севдиёр, ўзингми шу?!..

— Ҳа, ўзим... Ассалому алайкум!..

— Ваалайкум ассалом... Кимникидан чиқяпсан?

— Уйди телефонидан.

— Ўзингми дейман, уйда фақат?

— Ҳм-м... Аям бозор кетди, дадам ишда, бувам кўчага чиққанди...

— Ва сен телефонга ҳужум қилдинг, шундайми?

— Ҳа-ей, ўйинлари бор-да...

— Тўйиб ўйнаб олмайсанми, унда? Ҳозир буванг кепқолади...

— Э-эй... зерикдим, устоз!..

— Телефон ўйнашданми?

— Телефонданам, кўчаданам, уйданам... Ҳаммасидан зерикдим!..

— Футбол ўйнаб турардинглар-ку катта йўлда?

— Ҳозир ўйнамай қўйганмиз. Иссиқда кўчага чиқмай қўйган ҳеч ким.

— Тушунарли...

— Устоз... анув-в... Добусқалъага қачон борамиз?..

— У томонлардаям шу иссиқ-да, Севдиёр, қовжираб ётипти ҳаммаёқ.

— Э, майли, дарё бор-ку!..

— Баҳорда борамиз, насиб...

— Устозим билан гаплашяппан, бува!.. Мана-мана!.. Бир нима денг-да, устоз?! Бувам келди!..

— Бер-чи телефонни? Ҳол сўраб қўяман...

— А, бўлди, хонасига ўтиб кетти!.. Уф-ф... тезроқ мактаб очилсайди! Яна бирор жойларга борардик-а, устоз?..

— Севдиёр...

— Ҳа, устоз?

— ...

— Алло-о?.. Усто-оз?..

— ...буванга салом айт!

— Аҳа, хўп, айтаман.

— Яна зериксанг, телефон қилувир! Қачон бўлсаям, йигирма тўрт соат, бемалол! Сени эшитишга доим тайёрман!..

— Хай...

Одамчаларим орасида энг тўполончиси — Севдиёр. Озгина кўздан қочирсанг, бўлди, ё ким биландир ёқалашиб кетади, ё ниманидир ағдаради, ё турадию синфдан чиқади-кетади... У-бу жойга айланишга чиқиб қолсак, айниқса, роса жони киради унинг. Уйига қайтариб келиш азоб, аммо. Оёғи алланечук тортмайди уйига. «Боруврингизлар, устоз, ўзим бораман уйга!», дейдию камарда балиқ қувибми, йўл ёқасидаги дарахтларга чиқибми, юраверади-юраверади... Ҳали очолмаганим оламчалари бор... эди одамчаларимнинг...

***

...Мухбиримиз дераза олдига ўтириб, сигарет ёқди. Мен эса хаёлан мактабда эдим ҳамон. Ўтирган хонам синфхонага айланади тасаввуримда: мана, мен, бўрни олиб, ёзувтахтага ёвуқлашдим ҳамки «пиқ» этиб кимдир кулади ортимда. Ўгириламан. Ёдгор билан Зафар лаб-лўнжини йиғиштиришга уринаётган бўлади. Ёдгорни ўрнидан турғизаман: «...Ҳа-

васим келди кулишиб ўтирганларингга. Қани, мениям кулдиринглар-чи бир? Нима гап?!.. Ёдгор!?..». Зафарга тиржайиб қараб олган Ёдгор ҳафсала билан гапира кетади: «...Ай, манув Зафар-да, устоз! Тинчқина ўтирсам, а-аста кеп, Ёдгор, сенга савол, жо-отқанингда, қулоғингди тагига граната «тўп» этип тушса, нима қиласан, деб пичирлади менга... Шунга кулувдим-да...» Ҳамма кулиб юборади энди. Қўшилиб мен ҳам... Қаҳқаҳамиз аввал синфдан, кейин мактабдан тошиб чиқиб, бутун борлиққа ёйилади. Дунё зумда болаларнинг кулгисига тўлади. Шу чекка туманнинг чекка бир мактабидан топганим болаларнинг — МАЪДАНларимнинг бебаҳо овозиларига тўлгандек фориғланаман.

## «Бешикда болаларим йиғлаб қоларди, мен эса мактабга йиғлаб чопардим...»

*Биринчи муаллимам Назокат Шомуродовага*

Кафка ҳақида ёзмоқчи эдим... Унинг китоблари, умуман, бадиий асарларнинг «фойда»си хусусида мен-ла мудом мубоҳис дўстларимга ва улар орқали бутун бугундошларимга қарата оташин нутқ ирод этмоқчийдим — газета саҳфаларида. Янги сон режасига ҳам яримистеҳзо ила киритгандим, ҳатто: «...Бадиий асарларнинг «фойда»си ҳақида (муаллиф:...)»

Лекин қачондир... қачондир ўқиш-ёзишни ўргатганни бирор даъфа эсламасдан, ҳадеб ўқиганларинг борасида ёзавериш... истиҳола қалқитаркан ичингдан. Айниқса, эслатгулик нималардир бўлиб ўтса, шу орада...

***

...ҳаммаси синфдошларнинг «ўн беш йиллик»ка ўтириш маслаҳатидан бошланди. Мактабни битирганимизга ўн беш йил бўлганини нишонлашнинг «телеграмоши»дан, яъни: қачон, қаерда, қанчадан,

ким-ким..? Қизларимиз (тўрттагача бола туғиб, «хола»ларга айланишган аллақачон) эмизиклиларини ухлатиб бўлсаям қатнашишга, йигитларимиз (қорин қўйиб, сочлари тўкила бошлаган «амаки»лар энди бари) бир амаллаб бошлиқларию хотинларини кўндиришга жидду жаҳд қилишарди.

Иттифоқо, устозларниям чақираси бўлишди: биринчи муаллимамизни ва бешинчи синфдан ўнинчи синфгача ўқитган синф раҳбаримизни. Кимда қайсининг телефон рақами бўлса, хабарини бераверишга келишилди. Менда ҳар иккисиниям рақамлари бўлса-да, уйи уйимиздан икки кўчагина наридаги биринчи муаллимамга бонг уриб, дараклагим келди. Ўтган галги ўтиришга чақириб, тўғри уйига борганимни эсладим: ёзнинг қоқ ўртаси, чошгоҳ пайтлари, «Mojor» маҳалласининг энсизгина «Adolat» кўчасидаги пастак-пастак уйларга аланглаб, болалик хотиротимда қолиб кетган ўша дарвозани ахтарардим. Чуғурлашиб ўйнаб юрган болакайлардан сўрадим ноилож. Бижилдоқ бир қизалоқ айри чиқиб чопаркан, биргина саволини ўсмоқчилаб такрорларди тинимсиз:

— ...кими бўласиз момомни, а, кими бўласиз ўзи?

Унга иярганча жимгина борарканман, ким дея аташни ўйлардим.

— ...қариндошимисиз? — аниқлаштиришга уринарди бижилдоқ ҳадеб.

— ...унданам яқинроқ! — дейман ўзим учун ҳам аниқлаштириб олаётгандек худди. — Отангдай улуғ, дейишади-ку...

— ...илгари бирор ишингиз тушибмиди? — қўймасди қизалоқ.

— ...ҳа, катта ишим тушган, — дедим ниҳоят топгандек, — отимни ёзишни ўргатган!..

— ...эээ! Момааа, ўқувчингиз келдиии!..

Йўлусти рўмолини тўғрилаганча, шошиб-пишиб чиққан муаллимамга қарадиму, аксинча, йиллар қаршисида ўзимни қариб қолгандек туйдим. Ўша ўктам овоз, ўша чуқур нигоҳлар... Узоқ гурунглашдик, тик оёқда. Ҳали тетик, кўз тегмасин. Германияда яшайдиган журналист қизининг шарофатидан дунё кезиб юрибди экан. Бешта давлатга борибди...

— ...Иншоларни яхши ёзардинг мактабда, — дея хотирлаб қолди.

— Ўша иншолар мени тинч қўймади-да, домилла, — жавоблайман хўрсиниб («...ҳалиям бир нималар ёзаман, ўзимча. Аммо энди бунинг ҳеч кимга қизиғи йўқ!»).

Эмишки, чап қўлда ёзганман, аввалбошда. Шу муаллимам чап қўлимни партага боғлаб қўйиб, «ўнгдаст» қилган экан мени. Чап кўзимниям боғлаб қўйиши керак экан ўшанда — ҳаётни кўпроқ «ўнг кўзда» кўришни ҳам ўрганармидим..?

Алқисса, ўша куни йиғилишимизга бора олмаслигини айтган муаллимам кейинги сафаргисига ал-

батта боражагини айтган кўйи кузатиб қолганди. Кетаролди телефонимда суратга тушдик. Пойида ҳалиги бижилдоқ неварачаси, момосидан қадам ҳам нариламасди. Унга ишоратан жудаям серсавол эканлигини айтганимда:

— ...шаҳарлик-да! — деди кулиб муаллимам. — Энаси ўргатиб ташлаган, квартирага ким келсаям, олдин обдан сўраб-суриштириб, кейин эшикни оч, деб...

Мана, яна йиғиладиган бўлдик. Ва бу гал бўлакча умидларда таниш рақамни қидира бошладим. Куттирмасдан жавоб берди доимгидай (муаллим зоти шу — куттирмайди, кутади: бошда болажонларининг дарсга келишини, кейин ёзувтахта қаршисида жавоб беришини, сўнг навбатдаги дарсни, сўнг барчасининг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетганлиги ҳақидаги хушхабарларни, сўнг... лоақал байрамларда йўқлашларини...). Тошкентда — ўзига издош ўлароқ ўқитувчиликни танлаган қизиникида меҳмондалигини айтди. «Нилуфар домилла...» Бир замонлар, еттинчи синфларда бизга ҳам сабоқ ўтганди шу қизи. Тарих-ҳуқуқ фанларидан кирарди. Гўзаллик дунёни қанчалар қутқара олади, билмадим, бироқ бу ўқитувчининг ҳуснига маҳлиё бўлиб, қирқ беш дақиқа ўзимизни қутқарилган ҳис этардик — ҳақоратлардан, мазахлардан, камситишлардан... Ҳа, Нилуфар устозимиз бизнинг дағал, ғадир-будур, қора-қура, беўхшов кечаётган мактабдаги кунларимизда, исмига монанд,

ботқоқда очилган гул каби барқ уриб турарди. Мовий нигоҳларига термулганча қандай танаффус бўлганини билмай ҳам қолардик... Таассуфки, унинг гўзаллиги бизни ногўзалликлардан халос этган эса-да, ўзини қутқара олмади. Мактабдаги маслакдошлари аро майда гаплар, маломат тарқади. Кап-катта, сўлақмондай «эркак»лар ҳам кирволиб, унинг ғийбатини чангитиб ўтирарди... Кетди мактабдан, ахийри. Кетиб қутулди... Ҳозир тиббий соҳада ишлаётганини эшитганимда, уқадар ҳайрон бўлмадим шунинг учун.

«Эртага ўтириш», дейилган кунда, ниҳояти тайин бўлган вақту жойидан бохабар этгали сим қоқдим муаллимамизга:

— ...Навоийда, «Osiyogrant»да ўтирадиган бўлдик, домилла! — дедим колумбча кайфиятда, янги қитъанинг муждасини бераётгандек. — Эрталаб ўнларда ўқиган мактабимизда йиғиламиз биринчи, у ёқдан чиқиб, кафега кетарканмиз!..

— Мен тў-ўғри ресторанга ўтаман унда! — деди хиёл ўйланиб қолган муаллимамиз. — Ўзларинг мактабдан чиқиб боруврасилар-да...

— Ие... Ни... нимага энди?! — тилим тутилди бир муддат. — Тинчликми?..

— Ҳа-ейй... Қаттиқ кўнглимни қолдиришган-да!.. — ичкин оғриғи овозига кўчди. — Силарда-ку айб йўқ, албатта. Беғубор бола эдинглар у пайтлар...

Ҳарсанг янглиғ чўкиб ётган ҳасратидан сўз очди шу тариқа. Тинглаганим сари миям мисдай қизир, ичим эса музлаб борарди. Бироқ барибир... мактабга боришини жуда-жуда истардим негадир.

— Домилла?.. — дедим бир неча нафасга жимиганида. — Ҳозир сизни эшити-иб туриб, бир нима эсимга тушди: учинчими-тўртинчи синф маҳалим қизамиқ тошганди менга. Ичкарида-ан босиб чиқиб, бутун танани эгаллайдиган дардакан бу бир. Уйданам чиқолмай, «хрр-хрр» ётган кунларимнинг бирида мени кўргани дарсдан чиқиб, иккита синфдошим келувди. Қўлларида «кукруз», бодироқ... Билдимки, сиз жўнатибсиз уларни. Ҳар иккови биланам уришгандим. Шу кундан бери бугунгача орамиз мустаҳкам, лекин... Демоқчиман, ўшанда сиз, ўзингизам билмаган ҳолда, бизни яраштириб қўйгандингиз. Келинг, бугун биз сизни мактаб билан яраштирайлик энди, нима дейсиз?.. Ёки бизни соғинмадингизми?!..

Муаллимамиз яхшигина соғинганакан бизни — мактабга ҳам, базмгоҳга ҳам бирдай борибди, чақчақлашибди, хуш-хандон ўтирибди... Ана, ҳамсабоқлар телеграмдаги гуруҳимизга пайдар-пай жойлашяпти: расмлар, видеолар... Барча-барчасини кўриб, кузатиб ўтирибман, хонада ёлғиз. Ноутбуким экранига мук тушганман: таҳрир, таҳрир... Газетани ёпишимиз шарт! Йўқса, шу сонга эълон берганлар таҳририятимизга ҳужум қилгудай важоҳатда... «Овозсиз режим»даги телефоним дераза рахини

зириллатиб, говзомбирдай гувиллайди. Бориб гаплашишга вақт ҳам бет тополмай, қараб қўяман:

«Abbos» исми балқарди экранда. Ҳарбийимиз. Чирчиқдаги Олий танкчилар мактабини тугатган. Сурхондарёда ишлаб-яшайди. Биргина люк — қопқоғининг ўзи эллик кило тош босадиган танкни бошқариш учун яралгандек, гавдаси қорувли азалдан. «V» синфдаги Юлдузни севарди. Ва шунга уйландиям. Ўзига ўхшаган пўмпалоқ қизалоқлари бор ҳозир;

«Jasur» исми қалқади кўп ўтмай. Компьютер бўйича мутахассис. Тошкент Ахборот-технологиялар университетида ўқиган. Нақд еттинчи йил деганда кирганди ўқишга, ўзиям. Севган қизи пойтахтдаги донгдор жойда ўқирди-да. Шундан қолишмай, деб... Икковлари саодатманд оилалардан бугун. Фанлар академиясида ишлайди. Қовоқмия докторантларни мириқиб калака қилиб ўтиради, айтишича. Уч қизалоқнинг — Нилуфар, Ифора, Ситораларнинг отаси;

«Bunyod» исмини кўраман, сал туриб. «Банкир»имиз. Молия институтини тамомлаган. Навоий шаҳридаги нуфузли банклардан бирининг ходими, эндиликда. Етмиш ўлчаб, бир кесадиган, ўта мулоҳазали, камгап, вазмин жўралардан. Ғуддайган эмас, аммо. Ҳазил-ҳангоманиям ўринлатади. Ўғли бор — Хожиакбар;

«Anvar» исми гувиллатади энди. Болалик қадрдоним. Ҳали мактабга бормаёқ, беш яшарлигимизда

танишганмиз. Уйларимиз ўртасида учтагина уй бор. Шу учинчи уйдан у ёққа ўтмасдан ўйнашим мумкинлигини уқтиришганди менга уйдагиларим. Бир куни мен бу «чегара»ни бузиб, тўртинчи уй рўпарасига бордим. Улкан труба-кўприк устида ўзим тенгги, сап-сариқ бир бола пуштиранг «гармошка» чалиб ўтирарди. Менда кўк ранглисидан бориди. Ўзаро алмашиб, роса чалгандик... Уям ТАТУни тугатган. Ҳозирда бутун бошли вилоятнинг кузатув камералари бўйича бошлиқ. Қизи Афруза ҳеч ортидан қолмайди;

«Akbar»... Дўсти қиёматим телефон қиляпти, ана! Мактабни битирибоқ, соф билими билан ўқишга кирганди — Тошкент давлат техника университетига. Ҳалимгина кўринса-да, жаҳли чатоқ. Асабига текканга тикка ташланиб, отасидан емаганини едириб қўяди. У билан қизлар гаплашиш учун, аламзада йигитлар эса муштлашиш учун пайт пойларди мактабдалигимизда. Бугун ўз касбининг устаси — моҳир маркшейдер. Тахиометрини кўтариб, ҳали Зарафшон чўлларида, ҳали Ангрен тоғларида кезгани-кезган. Мусофир йилларим уйда йўқлигимни билдирмади: тонг қоронғисида дадам билан молбозорга мол ҳайдаб боришган ҳам, айёмларда номимдан совғалар кўтариб бориб, аямни қутлаган ҳам, ремонт-пемонт ишларига қарашган ҳам... у бўлди, фақат. Ўғил бўлиб, мен бу қадар меҳрибонлик кўрсатмадим ҳалича. Ал-

лоҳ рози бўлсин сендан, дўст, Акром билан Асалнинг камолини кўр, илоҳи!..

...Навбатдаги қўнғироқни-да жавобсиз қолдиришга юзим юпқалик қилди. Кўтардим гўшакни:

— Мени боришга кўндириб, ўзинг бормадинг-ку, нима бўлди, соғлигинг яхшими?! — овоз эмас, самимий меҳр қуйиларди қулоғимга. — Не-ечтаси тилпон қилди сенга кун бўйи, жавоб бермадинг?.. Хавотир олдим, касал-пасал бўп қолдима бу, деб?.. Ишинг чиқиб қолди?.. Хаа, соғ-омонакансан, бўлди!.. Э, зўр ўтди!.. Ҳа-амма келди, ҳисоб... Соатовани танишим қийин бўлди. Ўзгариб кетибди... Яна бир-иккитасини зўрға танидим... Мазза қип ўтирдик. Охири, чарчаб қолдим. Укол оляппан-да, шунга... Жуманов опкеб қўйди, мошинида, барака топсин!.. Сен ҳақингдаям кўп яхши гаплар эшитдим... Эшниязова гапирди, Қурбонов гапирди... «Честний ишлайди у!» дейишди... Мени тарбиямди олган-да, дедим!.. Ҳаммаларинг билан фахрланаман!.. Э-энг яхши кўрган «веппска»м-силар!.. Бешикда болаларим йиғлаб қоларди, мен эса мактабга йиғлаб чопардим... — силарга дарс бериш учун!..

Муаллимам гапираркан, мен, ёшариб бораётгандек сезардим ўзимни. Дарсга бормаганимдан ташвишланиб, ҳол сўрарди, гўёки. Эртан кун ёришадию мен яна мактабга югураман, гўёки. Ортимдан аям ҳаллослайди: бир қўлида ичишни унутиб қолдирганим ширинчой, бир қўлида бош кийимим...

***

...Шундай гаплар, ишқилиб. «Бунинг нимаси эссе?!», дерсан. Кўламни кенгроқ олишга уриндим, шунчаки. Қаҳрамоним тўғрисидаги маълумотдан кўра таассуротни муҳимроқ санайману... Ўзим ҳақимда кўпроқ ёздим?.. Эҳтимол. «Эсседа кимни тасвирлама, аслан ўзингни тасвирлаётган бўласан», демабмиди фаранги Монтен?.. Ҳа, ўша, эссе жанрининг «отаси» — Мишель Монтен!.. Бўпти-бўпти, сен ҳақингда ёзаётганимда, ҳушёрроқ бўламан. Келишдикми?!.. Энди мени холи қолдирсанг. Бироз тин олиб, йиғинишим зарур. Сўзга тўлишим керак: халқчил, оддий, амалдаги сўзларга. Илло, яна архаик сўзларни совуришга тушаман. Добусқальада сочилиб ётган сопол парчаларидай «кераксиз ва беқадр» сўзларни... Унгача руҳинг мендан ранжиб, чирқирамайди, деган умиддаман, дўстим Кафка.

## Фарзанд — қурбонлик эмас!

Иброҳим ҳалилуллоҳга ўғлини сўйиб, қурбонлик қилиши буюрилгани ҳақидаги ривоятни аксаримиз ўқиганмиз, эшитганмиз... — бохабармиз, қисқаси. Аммо, ажабки, идрок ва амалда ҳануз бир ёқламамиз. Яъники қурбонликка Ҳақ ҳалол деб буюрган жонзотларни бўғизлаб келамизу одамзодни... руҳан чавақлаймиз мудом. Болалигимиздан бошланади кўпроғимизда ичкин чавақланиш: «...одам бўлмайсан!», «...отанг ким эдию сен ким бўлардинг!?», «...қачон бошқаларнинг боласига ўхшаб, «шустрий» бўласан-а сенам?!», «...фалончини қара, ишлаб пул топяпти ҳозирдан. Сен қатори шуям!», «...яна касал бўлдингми? Бор, нариги хонага ўт-да, асабга ўйнамай!!!»... Бу каби муомала-муносабатдан ҳар қандай бола руҳияти «қарс-с!» синади бориб-бориб. Биз «катта»ларнинг аламзадаликларимиз, армонларимиз, мағлубиятимиз «дасти»да руҳияти қурбон бўлган болани кейин қанча алқамайлик, фойдаси йўқ — ғишт кўчган, сиёқи учган аллақачонлар!..

Вазият мисолларда ойдинлашади, янаям. Гарчи бу мавзу мисолга хожат бўлмайдиган даражада ҳаммага аён бўлса-да баъзи шахсий кузатувларимни ёз-

моққа ахийри шайландим. Зотан, «қўлбола» статистикаю манбаси нотайин «факт»лардан кўра шахсий кузатувлар анча ишончлироқ, ҳаётийроқ ва албатта, таъсирлироқдур.

## «...Мен қан-ндай яшаётган бўлсам, сенам шун-ндай яшаб ўтасан!»

Иш юзасидан туманимиз марказининг чекка бир маҳалласида юрардим. Тик туш. Матбуотда танишганимиз, қадрдон бир укамизнинг уйи тарафлардан ўтадиган бўлиб қолдим. Баҳонада бир йўқлагим келиб, телефон қилдим. Жавоб бермади. Отасига «бонг» урдим, ноилож. Жавоблади. Бироз чарчоқ, бироз шошилинч, бироз хавотир аралаш оҳангидаги гапларидан уқдимки, ота-бола эрталабдан қаерда-дир меҳнат қилиб, ҳозиргина тугатишган. «Якун» маҳали ўғлига уйга бориб тур, дея рухсат берган. Энди ўзиям қайтяпти. Уйларида кўришишга келишиб, телефонни ўчирдим борарканман. Бироқ... қадрдонимиз уйига яқинлашганим ҳамоно «бақир-чақир» эшитилди. Дарвозахонада ўта асабий... йўқ, аламли товушда ўшқираётган ота ўғлини — ўша укамизни гурсиллатиб урарди. Овози теваракка баралла тарқалаётгани боисидан ўтган-қайтган борки, «баҳра оларди» бари. Ҳамсояларининг шунчаки кулимсираб, бош чайқаб қўяётганларига қараганда,

одатий ҳол эди — бу. Киришимни-да, кетаримни-да билмай, танг ҳолда турарканман, ғазабнок отанинг гапларидан музлаб борардим, айниқса: «...сен, ҳай-йвон, ҳали ухлайдиган бўлдингми, иш кўпида («...гурс-с!»)?!.. Ота, кириб озроқ дамингизни олинг, дейиш ўрнига, ўзинг ух-хлаб ётибсанми ҳали, эна-ча-ангди... («...гурс-с!»)?!.. Мен ит-тдай ишлаяпманми, сенам ит-тдай ишлайса-ан («...гурс-с!»)?!.. Мен қан-ндай яшаётган бўлсам, сенам шун-ндай яшаб ўтасан («...гурс-с!»)!»...

Ур-калтак бўлаётган жигариму зирқираган жоним бўлди. Ора-чора ожиз инкор ҳам қулоққа чалиниб қоларди: «...ичиб кепсиз, хай, бақирманг-да, ота..?». Бундан баттар жониқиб, авжланарди отаси... Қайтдим...

## «...Юр, болам, бўлажак ёлланма қотилим ўзимни!»

Кун боши. Иш ҳам, ҳаво ҳам энди қизиётган пайтда хонамга уч яшар ўғилчасини етаклаб, таниш бир киракаш кириб келди. Икковининг-да уст-боши хароб, аҳволи туроб эди. Ҳорғину эзғиниди кайфиятлари. Отанинг авзойи тушкун, боланинг сочлари тўзғин эди, чунон. Мухбирларимиз болакайни ўйнатгани опчиқиб кетишди. Отаси қаршимда оғир чўкиб, ҳасрат дафтарини варақлади бир-бир:

— ...Навоийдан қайтаётувдим, ярим кечаси. Зиадинга (Зиёвуддинга) кириб келаётувдимам «гаишник» тўхтатди. Текшир-текшир қилди хўп. «Путёвка»м бир кунга эскирганди. Эртага алмаштираман, деб турувдим. Шуни рўкач қилиб, мошинди «стоянка» қилишди. Тирикчилигим шу мошинданиди. Нималар деб ялинмадим, фойдаси бўлмади бир тийинлик. Эвакуатор чақирди, мошинди ортдилар. Опкееетишди... Нос чаксам бўладими, ака?.. Шуйтиб, мана, ўн кундан ошди, ўғилча билан юрибмиз ташкилотма-ташкилот. Нима қилай, унга қаровчи бўлмаса уйда. Энаси кетиб қолганига анча бўлди. Штрапди тўладим бир миллион сўмдан зиёд. Энди-и «стоянка»га уч юз мингча тўлашим керак. Яна эвакуаторга уч юз минг... Шунга-а... юз минг бериб туроласизми, ҳеч бўмаса, деб келувдим?..

Хўрсиниб-сўкиниб-ўкиниб... узоқ сўзлади. Ўғилчасини секин киритиб кетишди шу орада. Жингалаксоч, қорамағиз болакай ҳайрату ҳорғинлик чўккан нигоҳларини бир отасига, бир менга қадаганча, столим кунжига иякчасини тираб турарди. Учта маҳалладан «қувғин»га учраган, икки марта уйланган, лекин бир мартаям чин ҳаловат нималигини билмай, тунларни тонгга улаб, кира-уловини ғизиллатиб юрган отасининг арз-доди фонида янаям хокисор кўринарди, шу қиёфатида. Отасининг фиғонидан дуд чиқарди ҳануз:

— ...шу ўн кундан бери ўн километрдан ота-бола Зиадинга пиёда кеп-кетамиз. Сумкада нон-сув... Мен-ку чидаяпман амаллаб. Фақат шу ўғилча қийналяпти-да. Кўтаринг, дейди менга. Кўтармайман. Ўзимам жуда чарчаганман. Уни-ку йиқилиб қолса, кўтариб оларман. Мен йиқилиб қолсам, ким кўтаради?!..

Кузатгани чиққанимда, ўғлининг бошини силаркан, аччиқ истеҳзода деганларидан тилим танглайда қотди:

— ...Юр, болам, бўлажак ёлланма қотилим ўзимни!.. Ҳа, сени шундай тарбиялайман ҳали!.. Бизни шу аҳволга солганлардан битта-битта ўч оласан...

Болакай отасига қараб қўйдию индамай йўлга тушди. Мен эса уни, ўн беш йил ўтиб, қўлида бирорта ажалвор қурол эмас, балки ўқув ё меҳнат қуролини тутган ҳолда кўришни қаттиқ истаганча қараб қолдим.

## «...Ажрашишимизни жимгина томоша қилишди»

Зарурат туфайли ташкилотлардан бирига боргандим яқинда. Залдаги диванда ўрта ёшлардаги аёл ўтирарди. Танийман: камгап, жамоамиз билан киришганимиз қанча лойиҳаларимизга беминнат ёрдамини аямаган, вазмингина жувон. Кутаётганим келгунча бироз суҳбатлашдик. Гапдан гап чиқиб, тур-

муши «ўхшамаган»ини айтиб қолди. Бироқ овозида ҳасратдан кўра ҳайрат кўпчиброқ турарди. Ҳайратки, оғриқли, изтиробли, чуқур асоратли... эди:

— ...қайнонам — мактабда ўзимга дарс берган ўқитувчимиди. Кўз остига олиб юрганакан мени кўпдан бери. Тошкентда ўқишим битгач, қишлоққа қайтдим. Мен ҳам оила қуриб, фарзандли бўлишим керак-ку, ахир. Рози бўлдим, ўқитувчимнинг ўғлига... Аммо кўп яшамадик. Қизиғи, мени танлаб, келин қилган ҳам, сўнг ўғлини мендан совутиб, ажраштирган ҳам — қайнонам бўлди. Ҳаммасига чидаб келаётгандим, лекин... чидаб бўлмайдиган воқеалар бўлдию судга ариза ташладим, охири. Мени энг ҳайрон қолдиргани шуки, судгача қанча вақт ўтган бўлса, биров бир оғиз, ажрашманглар, демади ҳатто!..?.. На уйдагилар, на қариндошлар, на маҳалладагилар, на бирорта идорадагилар... ҳеч-ч нима демасдан, вақтни хотиржам ўтказишди. Ишдан уйга борардим, эримам келарди, дастурхон бўйида бирга-бирга овқатланардик, телевизор кўрардик... жим-м эди ҳамма. Бутун бошли оила бузилиб кетяпти, ахир?! Аммо буни бировга аҳамияти йўғиди. Суд бўлиб ўтдиям, ниҳоят. Ажрашишимизни жимгина томоша қилишди... Шунда билдимки, оила ҳақидаги чиройли нутқлар, ўтказилаётган тадбирлар, тарғиботлар, шиорлар... қуруқ гапакан бари. Амалда қизиғиям бўлмаскан: ажрашасанми, ўласанми, қоласанми... Умуман фарқсиз экан!..

У сўзларкан, мениям унутганди, гўё. Ўз-ўзига гапираётгандек, номаълум нуқтага нигоҳларини тикиб, оҳиста эсларди хотиротини. Хаёлан тириклай кўмилган саволлари гўристонида изғир, ташкилот залию ўтирган дивани, тинглаётган мен, эшикдан кириб-чиқаётганлар... фарқсиздек кўринарди:

— ...агар қайтадан яшаш имкони берилганида, орзумча яшардим фақат. Хонанда бўлиб, катта саҳналарда қўшиқ куйламоқчи эдим...

Кутганим келди. Кўришдик. Аёл «дик-дик» сакраб юрган бир қизалоқни чақириб олиб, эркалата кетди. Ташқарилаётиб, боз қайрилдим: иккиси дунёларни унутган кўйи қиқирлашиб ўйнарди.

Мисоллар кўп. Муаоммо тайин. Ечим..? Чора истаб, чор тарафга олазарак бўлаверасан, барибир. Таассуфки, «йўқотилган авлод» Ремарку Ҳемингуей асарларидигина қолиб кетмаган. Ҳали-ҳали авлодни йўқотяпмиз. Оталар ва болаларнинг ўзаро зиддияти Тургеневу Кафка китобларидагина учрайди деганлар адашади — асримизда ҳам бардавом улар. То фарзандга қурбонликка қарагандай қарайверарканмиз, улар ҳам бизни қассобдай кўраверади.

***

...қадрдон жигаримиз шамолдай шовур ила таҳририятга ичкарилади. Қўлида номдор бир ўқув марказининг эълон варақаси. Корейс тилини ўрган-

моқчилигини, кейин Кореяда (жанубийсида, албатта!) ишлаётган қариндоши олдига боражагини, ўша ёқда ишлаб, ойига уч минг доллар ойлик маош олмоқчилигини, кейин бо-ой бўлиб, жонига тегиблар кетган қора меҳнатдан қутулмоқчилигини... сонияларда «сайраб» ташлади...

***

...киракаш акамиз уловини жарима майдончасидан «қутқарибди». Оралиқ кўчалардан бирида кўзим тушди: рулни тутганча қўр тўкиб ўтирар, елкасига уч яшар ўғилчаси осилволган, Зиёвуддин кўчаларида ота-бола масрур елиб боришарди...

***

...аёлни йўлларда учратаман, аҳёнда: боши хиёл эгик, тез-тез кетиб бораётган бўлади. Тасаввур этаманки, катта саҳнага ошиқаётир, саҳнага эса беш минг жуфт кўз ўқталган, қўлларида гулдаста, ён дафтарча...

Йўқ, буларни хулоса ўрнида эмас — тасалли ўлароқ тасвирладим. Тасалли шулким, қисмат қудуғидан чиқишга астойдил уринганлар бир туйнук топади, лоақал. Ишқилиб, туйнукдан тушаётган шуъла чинакам қуёш нури бўлсин-да!..

## Менга Менделеев жадвалидан, сизларга эса Кафка асарларидан «фойда» йўқ,

## АММО...

*(собиқ дўстларга собит жавобларим)*

*«Сўз — тушунмаганлар учун!»*
**Румий**

Сенгаям гал келди, мана, дўстим Кафка...

Рутубатли, совуқ кунларда сени тинглагим келаверади. Яна Достоевскийни... Яна Чеховни... Яна Думбадзени... Яна Камюни... Яна Ремаркни... Ҳар биттаси бўлак бир олам, албатта. Фақат... сенинг сил ўпкангдан хирқираб чиқаётган ҳасратнинг юки оғирроқ туюлади. Асли, ўпкангдан аввалроқ руҳингни «сил» қилишган эди. Айниқса, болалигингда, жуда нимжон, озғин пайтларинг атрофдан жуда ётсирагансан. Ўша кунларда отанг сенинг уст-бошингни юлиб отиб, ўз ўртоқлари олдида намойишкорона сени сувга улоқтирганда, сен сувдан чиқиб-чиқолмай, сузиб-сузолмай жон ҳолатда типирчилаганингда, теваракдагилар

«қах-қах» отиб кулишганида... руҳингдаги «сил қаламчалари» ниш ура бошлаган, эҳтимол. Ҳа, ўшанда пул топишдан бошқа нарсани ўйламайдиган, келажагингда фақат қиррик адвокат ёки пишиқ тижоратчини кўрадиган, эркак кишининг ҳаёти деганида, фақат катта-катта даромадли ишлар ортидан қувиб ўтишни тушунадиган... отангдан қаттиқ ранжиган эдинг. Ранж-аламларинг ичингда йиғилиб-йиғилиб, вулқон бўлиб отилди бир куни ва бу вулқонни «Отамга хат» деб номладинг. Унда отангга нисбатан неки айта олмаганларинг бўлса, барини тўкиб-солдинг. Аммо, қизиқ, ўша хатни отангга ёздингу онангга жўнатдинг негадир. Хатни ўқиган онанг даҳшатга тушиб, уни отангга кўрсатмаган. Ва яна энг қизиғи, онанг у хатни сақлаб қўйган. Вақти келиб, ўша хатни отангдан бошқа ҳамма ўқиди ва ҳануз ўқишмоқда. Улар қаторида мен ҳам... Икки қайта ўқиганман... Тўғри, бировнинг хатини ўқиш яхши эмас. Лекин бунинг учун мендан эмас, ўша, ўлиминг олдидан васиятларингни тинглаб, аммо бажармаган, яъни барча ёзганларингни ёқиб юбориш ўрнига нашр этиб юборган дўстингдан кўр. Хуллас, ўша хатингни такрор-такрор ўқиб тушундимки, сен отангни қаттиқ яхши кўргансан, отангнинг ҳам сенга меҳри жуда баланд бўлган. Шунчаки, буни ҳамма қатори, «одамга ўхшаб» айта олмагансан. Вақтида айтилмаган изҳор эса юракни юк бўлиб босади.

«Кафка»ларни кўп кўряпман, афсуски. Йўқ, улар сенга қўшилиб олис Австрияда, юз йил олдин ўлиб битмаган. Ҳозир ҳам яшаяпти. Атрофимдаги ҳар болаликдан мажруҳ этилганларда, руҳияти расволарда, кайфияти синиқларда, сийрати «сил»ларда... сени кўргандай бўлавераман. Истасанг, шулардан биттаси ҳақида сенга сўзлаб бераман.

## «Дилизҳор» репетицияси

Туробжонни таниганимга уч йил тўлади ҳадемай. Газетамизда ҳам бир неча марта чиқардик. Умид қилган эдикки, ҳаётида нимадир ўзгарадими?.. Лекин ўзгармади: Туробжон ҳам, ҳаёти ҳам... У нима қилиб бўлса ҳам шу мискинлик нуқси уриб кетган уйидан, шу Худо қарғаган қишлоғидан, шу тупканинг тагидаги, ишсизлик итнинг тезагидай кўпайган туманидан... чиқиб кетиш орзусида ёнар эди. Бунинг учун ягона иқтидори бўлмиш ёғоч ўймакорлигига бўлган қизиқишига қаттиқ ишонарди. Бироқ борки уринишлари зое кетавергач, ўймакорликка ҳам, Ўзбекистонга ҳам хайр-хуш қилиб, Кореяга кетмоқчи бўлиб қолди. Имтиёз асосида ўқув марказига ёзилди, тил ўргана бошлади... ҳаракатга тушди, хуллас. Ажи-бужи корейсча ҳарфларда СМСлар ёзишни ўрганди ҳатто. Лекин бир ойга бормай, ўрганишдан тўхтади. Шунинг баробарида орзу қилишдан ҳам. Сабабини сўраганимда,

ҳафсаласиз қўл силтаб қўя қолди. Иш излаб кўрди: номдор тамаддихоналар, ҳашамат дўконлар, гумбурлаган тўйхоналар... барча-барчасига бориб кўрди. Унинг пойинтар-сойинтар, узуқ-юлуқ гапиришларини эшитган хўжайинлар ё инкор қилишар, ё маълум вақт фойдаланиб, қувиб солишар эди.

Навбатдаги ишдан қувилган кунларнинг бирида таҳририят олдида қарши олди мени. Ҳаммасида ўзи айбдордек, хижолатда қараб турарди. Салом-аликдан сўнг шоша-пиша барвақт туриб, ишга борганини, ишкийим беришганини, столларни тозалатишганини, бир-иккита мижозга хизмат ҳам кўрсатганини ва бошлиқ келиб қолиб, нега мендан бесўроқ ишга олдинглар, дея, ҳайдаб юборганини... бир неча нафасда айтиб ташлади. Сездимки, тўлиб турибди. Холироққа бошладим.

«Ёшлар боғи»даги ўриндиқлардан бирига жойлашдик. Энди нима қилмоқчилигини сўраганимда, ҳаётию хаёлида биргина илинж қолганини, у ҳам бўлса, шу умрига муносиб бир йўлдош истаётганини айтди.

Синфдоши Ҳуснора ҳақида гап очдим. Гарчи у қизни бор-йўғи бир марта, унда ҳам, оқшом ғира-ширасида, узоқдан кўрган эдим. Уйлари олдидан ўтаётиб, Туробжон дарвозаларини тақиллатиб чақирган эди. Туробжон Ҳуснoранинг опаси очган компьютер курсига борарди ўша пайтлар. Шунга нималарнидир сўрамоқчи бўлиб чақирганида, синфдоши Ҳуснора

чиқиб келувди. Бўй-басти билан қизни тўсиб турган Туробжоннинг овозини эшитардим фақат. Хуснорани эса шабадада солланаётган сочларигина кўринар эди, холос. Яхши кутиб олиб, яхши гапириб, яхши кузатиб қолган эди...

— ...шу қизга уйлансанг бўлмайдими? — дея сўраганимда Туробжон ҳайратдан қотиб қолди.

— Э, ака, у синфдошим-ку! — деди ўтиб бўлмас чегара ҳақида сўз очилгандек.

— Қандай қиз эди, гапириб бер-чи?

— Яхши... Мактабда болалар мени мазах қилишса, Хуснора ўртага тушар эди доим, — деди Туробжон яқин ўтмиш хотиротига чўкиб. — Тинмай устимдан кулаётган болаларга қараб, нимага бунча Туробга ёпишиб олдинглар, уям силардек одам, деб айтарди. Болалар эса менга қўшиб, уни ҳам камситишга ўтар эди. Лекин мен аста таскин топиб, хурсанд бўлиб қолардим.

— Зўр-ку, кўнглингга айнан шундай суянч керак сени. Бир гап очиб кўрмайсанми ўзига?

— Нима дейман-ей, ака, шунча йил бирга ўқидик, қийин-да...

— Нима, ўша пайтлар унга айтадиган ҳеч қандай гапинг бўлмаганми?..

— Гапларим бор-ку... қандай айтишни билмайман, ака..?

— Бундай айтасан, — деганча томоқ қириб, худдики қаршимизда Хуснорани ўзи ўтиргандек,

рўпарамиздаги симёғочга тикилганча, дилизҳор репетициясига киришдим. — «Ҳуснора... олдингга жиддий бир гап билан келдим. Фақат кулма, ҳўп!.. Сенсиз ҳам шунчасининг кулиб келаётганлиги етади. Кунларим отамнинг сўкиши остида, дабдала бир кайфият билан уйғонишдан бошланади. Уйдан отилиб чиқиб, мол-қўйларга қарарканман, бирда молга, бирда қўйга, бирда итга... қисқаси, ҳайвонга ўхшаб ўтаётгандек туюлади кунларим. Дастурхон устида ҳам луқма томоғимдан зўрға ўтади. Овқатдан кўра дори кўпроқ ютсам керак: шамоллашга қарши, асабийлашишга қарши, уйқусизликка қарши... қанчалик жонимга текканини билсанг эди ҳаммасини. Кейин отам билан «частний иш»га кетамиз. Кимларнингдир уйида ёки томорқасида гоҳ ариқ ковлаймиз, гоҳ ўтин майдалаймиз... Ёзда иссиқ, қишда совуқ жондан ўтади. Иш буюраётганларнинг қош-қовоғи ундан ўтади. Отамнинг бақир-чақирлари эса... Кеч тушганда уйга, бурнимдан тортса йиқулгудек, чарчаб қайтаман. Нима еб, нима ичганимни ҳам билмай, таппа ташлаб, ўликдай қотиш билан куним ниҳоялайди... Тушларимдагина яшагандек бўламан. Чунки тушимда ҳамиша кимдир бўлади ёнимда, ўша кимнингдир кулишлари, эркаланиб гапиришлари мени шунчалик қувонтирадики, сира-сира уйғонишни истамайман. Қизиғи, унинг юзини аниқ-тиниқ кўрмайман. Лекин тушимдаги нечталаб бошқа одамлар орасидан уни биттада ажратаман. Уни тушларимда-

гина тўйиб-тўйиб бағримга босаман, дардларимни айтаман. Тиззасига бош қўйиб, йиғлабам оламан баъзида. У эса жимгина овутади... Яқинда тўйимни кўрибман тушимда: у оппоқ либосда, жуда бахтиёр эди. Қариндошларимиз юзларини аниқ эслайман: Нажим бувам, Ўғилжон момом, Нодира аммам, отам, энам, синглим, Салоҳиддин устозим... ҳамма-ҳаммаси йиғилган эди. Бизни табриклаб, хурсанд ҳайқиришарди... Сўнг мен уни ўпдим. Лаблари кўз ёшидек шўр эди нимагадир. Уйғониб кетдим. Ётган жойимда ўзим йиғлаётган эканман. Тонг ёришиб келарди. Мен эса ҳали ҳам йиғлаганча Худога ёлворар эдим. «Эй, Худо, ортиқ бундай яшашни хоҳламайман!.. Ҳеч бўлмаса, шу бугун «частний иш»га чиқмай, Художон!», дердим тўхтовсиз... Ҳуснора, ўша тушларимдаги кимдир... сен бўлсанг, дейман. Фақат тушимда эмас, ўнгимда ҳам ёнимда юрсанг, кулгиларинг билан оғриқларимга малҳам бўлсанг, эркалансанг, мени мазах қилувчиларга, ҳув-в, ўша мактаб пайтларидагидек жавоб қайтарсанг... Битта ўзим жавоб қайтара олмай чарчаяпман. Ҳаёт мактабида ёлғизланиб қоляпман тобора. Фақат илтимос... «Йўқ!» дейишга шошилма? Десанг ҳам, эртага, де? «Ўйлаб кўрай...», деб қўй, ҳеч бўлмаса? Ақалли, бир тун умид билан ухлай ва умид билан уйғонай?..»

Симёғочдан кўзимни узиб, Туробжонга қарасам, ияги титрар, лабларини маҳкам қимтиб олган эди. Кўпга бормай, ҳўнграб юборди:

— ...ҳаётим қачон изига тушиб кетади, ака?!

Ҳа, дўстим Кафка, мен ўзимча, у жигаримга қандай дилизҳор қилишни кўрсатиб бераман дебману, унинг нафақат бир қизга, балки бутун жамиятга айта олмай юрганларини айтиб юборибман.

Шу тариқа ўша боғ четидаги ўша ўриндиқда чорасиз сўппайиб ўтирар эканман, Туробжон кўзларига кафт босганча силкиниб-сикиниб йиғлар эди: Шарлоттага изҳорини айта олмаган Ҳёте каби... ёки Вера Туляковага изҳори дил қилаётиб, ўзини тута олмаган Нозим Ҳикмат каби...

## «Жўмрак»сиз миялар

Мутолаа одамнинг сўз бисотини бойитади, деган сийқа хулосанинг тўғри эканлигига аллақачон шубҳа қила бошлаганман. Хусусан, қизишиб кетган пайтларимда, ноҳақлик устидан чиққанимда, адолатсизликка дуч келганимда, туппа-тузук фаҳмлаб юрганим кимсалардан нотузук валдирашлар эшитганимда... нима дейишни билмай қоламан, мудом. Ўйлайман, ўйлайман... қани, тилим айланиб, бирон сўз келса, ўшандай лаҳзаларда!..

Дейлик, кўчамизнинг бошида бир эмас, иккита сув жўмраги бор. Аммо улар сувжўмрак бўлибдики, сув оқиши тўхтаганини, атрофдаги ҳовлидагилар эркак бўлибдики, уларни созлаб қўйишганини кўрма-

дим ҳеч. Ўзим неччи даъфа тўхтаб, дарахт шохларидан синдириб, «тиқин» ясаб кўрдим, қиррали тошларни топиб, ейилиб кетган жўмракни ёпмоқчи бўлдим... фойдасиз. Ишга кетаётганимда пақиллаб отилаётган сув қайтёганимда ҳам тўхтамаётганини кўрганман неча бор. Яқинда шу бузуқ сувқувурларнинг биттасидан сув олиб кетаётган бир тенгдошимни кўриб тўхтатдим. Сувни бу қадар исроф қилиш яхши эмаслигини, битта жўмрак топиб ўрнатиб қўйиш жуда қийин ҳам, қиммат ҳам эмаслигини, игнанинг кўзидек жойидан бир суткада саккиз юз литр сув чиқиб оқиб кетишини, мамлакатда сув танқислиги бошланганлигига кўп замонлар бўлганини, ичимлик сувини тежаш ҳақида бутун бошли тренинглар ўтказилаётганини, тегишли ташкилотлар захирамиздаги қолган-қутган сувни ишлатаётганимизни қачонлар бонг уриб чиқишганини, бу кетишда ҳадемай сувсиз қолишимизни куюниб айтарканман, тенгдошимнинг лаб-лўнжи ёйилиб борар эди. Мутлақо кутилмаган хотиржамлик... йўқ, совуққонлик билан айтганлари ҳануз ичимда муз қотган:

— ...ай-й, ваҳима қилувради-да улар! Сувам тугайдими!..

Мен, ер юзида биринчи бор одам зотини кўраётган ўзга сайёраликдай, унга қараб қолган эдим. Афсуски, дўстим Кафка, у статистикани ҳам, исрофнинг нақадар оғир гуноҳлигига тааллуқли оят-ҳадисларни ҳам, сени ҳам, Достоевскийни ҳам, Чеховни ҳам,

Думбадзени ҳам, Камюни ҳам, Ремаркни ҳам... ўқимаган. «Пединститут» дарсликларини варақлаган, холос. Ва бугун мактабда, қанчадир қоракўзга сабоқ беради. Ажаб, қачондир ўша қоракўзлардан биронтаси сув тақчиллиги ҳақида ундан сўраб қолса, уларга ҳам шундай жавоб берармикан?!

— ...ай-й, ваҳима қилувради-да улар! Сувам тугайдими!..

## «Менга бадиий асардан нима фойда?!»

Олис тунда холис дўстлар билан ўтириб қолдик. Гурунгимиз ҳам уларнинг ароқ таъсиридаги бошларидек қизиб борар эди. Оддийгина эътироздан чиққан баҳс катта тортишувга айланди. Иттифоқо, хулосага келишдики:

— Бадиий асар ўқишдан нима фойда?!..

Мен... яна қандай сўз айтишни билмай, бир муддат гарангсиб қолдим. Ниҳоят, фойдани ҳар ким ўзича тушунишини, масалан, мен «фойда» ҳисоблаганимни улар писанд қилмаслигини ва аксинча бўлиши мумкин эканлигини уқтиришга беҳуда уринар эканман, улардан бири шундай саволни кўндаланг ташлади:

— Бундайда, ошна, шу Кафкангни рус тилида ҳам, ўзбекчада ҳам ўқиб чиқдим. Яна Ремарк, Чеховларни ўқидим. Думбадзени ҳам ўқиб тураман... Била-

сан, уйимни таъмирлаяпман. Том ёпишим керак. Лекин ҳеч қаердан уста топа олмаяпман. Бошим қотган. Изламаган, сўраб-суриштирмаган жойим қолмади... Хўш, қани, айт-чи, Кафканг менга уста топиб бера оладими? Томимни ёпиб бера оладими?..

Очиғи, унинг бу «мантиғи» олдида ожиз сездим ўзимни. Ўша дўстимнинг уйи деворида осилган Менделеев жадвалига тикилганча, қаттиқ ўйга ботган эдим. Бугун эса уларга мухтасар айтарим бор:

...эй, менинг собиқ дўстларим! Менга Менделеев жадвалидан, сизларга эса Кафка асарларидан «фойда» йўқ, АММО кимёвий элементлар менинг адоқсиз саволларимга, изтиробларимга юпанч бўла олмаганидек, бадиий асарлар ҳам сизларнинг таъмири чала қолган уйингизга, уста топилмаётган томингизга, қурилиш молларига етмаётган ҳамёнингизга «фойда» бўла олмайди!..